ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

фанидан маъруза ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш бўйича тарқатма материаллар



САМАРҚАНД – 2014

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

фанидан маъруза ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш бўйича тарқатма материаллар

Тузувчи: Катта ўқитувчи М.Б.Аннаев

65.053
A680

МУНДАРИЖА:

1	**Кириш**	**3**
2	**Маъруза ва амалий машғулотларнинг таълим технологияси**	**4**
2.1	Аудитнинг предмети, услуби ва ташкилий-ҳуқуқий асослари	4
2.2	Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти аудитини ўтказишнинг методологик асослари	20
2.3	Узоқ муддатли активларнинг аудити	26
2.4	Товар-моддий заҳираларнинг аудити	34
2.5	Дебиторлик қарзларнинг аудити	44
2.6	Пул маблағларининг аудити	51
2.7	Мажбуриятларнинг аудити	61
2.8	Хусусий капиталнинг аудити	78
2.9	Даромад, харажат ва соф фойда (зарар)нинг аудити	84
2.10	Аудит натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбиқ этиш	93
3	**Масалалар ва машқлар тўплами**	**99**
4	**Тестлар**	**103**
5	**Назорат иши саволлари (жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун)**	**109**

1. КИРИШ

«Иқтисодий таҳлил ва аудит» фанининг асосий мақсади талабаларни аудитнинг моҳияти, предмети, объектлари, усул ва услублари, тамойиллари билан чукур ва ҳар томонлама таништириш ҳисобланади.

Фаннинг вазифаси талабаларга корхоналар активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, молиявий натижалари кўрсаткичлари аудитининг назарий асослари бўйича билимларни ва кўникмаларни беришдан, уларда етарли амалий тажрибаларни шакллантиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда республикамизда таълим тизимидаги ислоҳатларнинг асосини шакллантирувчи катор меъёрий хужжатлар кабул килинган ва амалга оширилиб келинмокда. Булар асосида "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги конунлар алоҳида ўрин тутади. Бу конунлардан келиб чикадиган вазифа таълим дастурлари мазмунининг юқори сифатига эришиш ва янги педагогик технологияларни жорий қилишдир.

Илғор педагогик технологиялар дарс беришнинг интерфаол усулларини назарда тутади. Булар мунозара дарслари, иқтисодий музокаралар, ишбилармон уйинлар, муаммоли холатларни, кейс стадиларини ечиш ва хоказолардир. Ушбу усуллар талабаларнинг ижодий фаоллигини оширишда, иқтисодий масалаларни хал қилишда, муаммони хал қилишнинг энг мақбул йулларини топишда ёрдам беради. Шунингдек, касб таълими таълим йуналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш давлат таълим стандартини амалга оширишда амалий восита ҳисобланади.

«Иқтисодий таҳлил ва аудит» фани бўйича бакалаврлар қуйидагилар тўғрисида тушунчаларга эга бўлишлари лозим:

- аудит текширувидан ўтказиладиган объектларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти асосий кўрсаткичларини, уларнинг активлари, хусусий капитали ва мажбуриятларини аудит кўригидан ўтказиш кетма-кетлигини;
- аудит текширувида эришиладиган натижаларни;
- ҳар бир текшириладиган объект бўйича аудиторлик риски даражасини баҳолашни;
- текшириш натижаларини тегишли равишда расмийлаштиришни;
- аудиторлик ҳисоботини тузишни;
- аудиторлик хулосасини тайёрлашни;
- аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқишни.

«Иқтисодий таҳлил ва аудит» фанини ўрганиш ўқув режасида кўзда тутилган қуйидаги фанлар билан узвий боғликдир: «Иқтисодиёт назарияси», «Тадбиркорлик асослари», «Статистика», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби», «Молия», «Пул, кредит ва банклар», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Менежмент», «Маркетинг» ва бошқалар.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 53715

2.	МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-Мавзу: АУДИТНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБИ ВА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маъруза режаси:

1.Аудитнинг моҳияти, турлари, мақсади ва вазифалари
2.Аудитнинг предмети ва объектлари
3.Аудитнинг услуби ва унда қўлланиладиган усуллар
4.Аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

1.Аудитнинг моҳияти, турлари, мақсади ва вазифалари

Бугунги кунда давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсат негизида барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик, уларга ўз фаолияти кўламини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва эркинликлар бериш ётади. Бундай шароитда корхоналарни ҳукумат томонидан, шунингдек, мулкдорлар томонидан бошкариш бир қадар мураккаблашади. Бу ўз навбатида корхоналар фаолиятини амалдаги ҳуқуқий -- меёрий ҳужжатларга мос равишда, шунингдек, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юритилаётганлигини аниқловчи ва бу борада тўғри маслаҳатлар берувчи махсус аудиторлик хизматига эҳтиёж туғдиради.

Республикамизда янги иқтисодий тизим -- бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши билан янги иқтисодий инфратузилмалар ҳам пайдо бўлиб, йилдан йилга улар такомиллашиб бормоқда. Шундай инфратузилмалардан бири аудиторлик ташкилотларидир.

Ўзбекистонда аудиторлик хизматининг расман ташкил этилганлигига кўп вакт ўтган бўлмасада, унинг ривожи йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳукуматимиз томонидан аудиторлик фаолиятининг меъёрий -- ҳуқуқий базаси яратилди ва у иқтисодий ҳаётдаги реал шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда.

Республикамиз олимлари, иқтисодчилари томонидан ҳам аудит бўйича катта изланишлар олиб борилди. Ушбу изланишлар натижаси ўлароқ, аудитнинг назарияси ва медологиясига бағишланган кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, рисолалар, илмий мақолалар чоп этилди. Шу ўринда, республикамизда аудит назарияси ва методологиясини такомиллаштириш, амалиётини тараққий эттириш борасида Р.Д.Дўстмуратов, Маматов З.Т., Мусаев Ҳ.Н., Санаев Н., Тўлаходжаева М.М., Маматов З.А., Уразов К.Б., Ҳасанов Б.А.ларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Аудит сўзи лотинча **auditing** сўзидан олинган бўлиб, **тинглаш, эшитиш** маъноларини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунига мувофик: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошка шу билан боғлик профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»[1].

Соҳага оид адабиётларда аудитга турлича таърифлар берилади. Улар бир-бири билан айнан мос келмасада, барчасида таъкидланган умумий жиҳатлар мавжуд. Бундай жиҳатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- барча таърифларда аудит объекти бўлиб, корхоналар хўжалик фаолияти эканлиги, яъни аудит хўжалик фаолиятини текшириш эканлиги таъкидланган;
- барча таърифларда аудит молиявий ҳисоботлар ва бошқа ҳисоб ахборотларининг меъёрий ҳужжатларга мослигига бахо беришга қаратилганлиги таъкидланган;

Хулоса қилиб, бизнингча, аудитга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Аудит – бу корхонанинг активлари ва пассивлари, хўжалик фаолияти ва хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи ахборотларни давлат, мулкдорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга мослигини баҳолаш, таъминлаш, шунингдек, келгусида хўжалик фаолиятини яхшилаш ва ҳисобини такомиллаштириш борасида консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими.**

Аудитнинг қуйидаги хусусиятли жиҳатлари мавжуд:

- аудиторлик хизмати Молия вазирлиги томонидан берилган махсус лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Ушбу хизмат аудиторлик ташкилоти ва мижоз корхона ўртасида тузилган ўзаро манфаатли шартномага мувофиқ кўрсатилади;
- ўтказиладиган аудит нафақат мижоз ва аудиторлик ташкилоти манфаатига, балки қонун устуворлиги ва солиқларнинг тўғри ундирилишини таъминлаш орқали давлат манфатларига хизмат қилса, инвестиция қилинган мулкнинг самарадорлигини ошириш ва олинадиган дивиденднинг миқдорини тўғри аниклаш орқали мулкдорлар манфаатларига ҳам хизмат қилади;
- аудит молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлигини баҳолаш билан бирга, ундаги четланишларни бартараф қилишни ҳам ўз ичига олади;
- аудиторлик хизматлари бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилганлигини текшириш билан бирга, ҳисоб ишларини такомиллаштириш ва корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар беришни ҳам ўз ичига олади.

Аудиторлик ташкилотлари ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари харажатларини қоплаб, муайян фойдага эга бўлиш мақсадида ташкил этилади. Аудитни ўтказиш бўйича мижозлар билан шартнома тузар экан, биринчи навбатда кўрсатаётган хизматлари эвазига даромад олишни кўзлайди.

---

[1] Узбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўрисида»ги Конуни (янги таҳрири). Олий Мажлисининг 2-чакирик 2-сессиясида кабул килинган. 26 май 2000 й. // Халк сузи, 2000 йил 21-сон.

Аудит ўтказувчи (аудиторлик ташкилоти)нинг аудитдан кўзланган ***мақсади*** *буюртмачига хўжалик фаолиятининг қонунийлиги ҳамда активлар, пассивлар ва хўжалик фаолияти натижаларининг молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини баҳолаш, молиявий ҳисоботларнинг БҲМС ва солиқ қонунчилигига мослигини таъминлаш, даромадларни ошириш ва ҳисоб ишларини такомиллаштиришга қаратилган консалтинг хизматлари кўрсатиш эвазига даромад олиш ҳисобланади.*

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона мулкдорлари, бошқарувчиларида аудиторлик хизматларига эҳтиёж туғилади ва аудиторлик ташкилотларига буюртма берадилар. Бунда, ***мулкдорлар*** *ўз мулкларидан фойдаланиш ҳисобига олинган фойданинг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлашни, шу асосда ижро этувчи орган (бошқарувчилар) фаолиятига баҳо беришни* ***мақсад қилиб қўяди****. Ўз навбатида,* ***бошқарувчилар*** *ҳам аудит ўтказиш учун муайян ҳақ тўлаш эвазига бошқарув қарорларининг самарадорлигини, ҳисоб ва ҳисоботнинг солиқ қонунчилиги ва БҲМСларга мувофиқлигини аниқлашни, шунингдек, келгусида даромадларни ошириш ва ҳисоб ишларини такомиллаштириш борасида маслаҳатлар олишни* ***мақсад қилиб қўяди****.*

Аудит *иқтисодиётнинг қуйи ва ҳал қилувчи бўғини ҳисобланган корхоналар фаолиятида меъёрий ҳужжатлар устуворлигини таъминлаш, уларни ривожлантириш, улардан ундирилаётган солиқларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини кафолатлаш ҳисобига* ***давлат мақсадларига*** *ҳам хизмат қилади.*

Кўриниб турганидек, аудит бир неча томонларнинг манфаатларига хизмат қилади ва ушбу томонлар мақсадларини амалга оширади. Хулоса қилиб, бизнингча, ***аудитнинг умумий мақсади*** *корхоналар хўжалик фаолиятининг қонунийлигини, уни акс эттирувчи молиявий ҳисобот ва бошқа шакллардаги ахборотларнинг реаллигини таъминлашдан, шунингдек, корхоналар ривожланишига замин яратишдан ҳамда ҳисоб ишларини такомиллаштиришдан иборат,* деб ҳисоблаш мумкин (1-чизма).

Ушбу мақсадга эришиш аудитор ва буюртмачидан муайян вазифаларни бажаришни талаб қилади. Аудитнинг самарадорлиги ва сифати кўп жиҳатдан буюртмачи корхона томонидан қуйидаги вазифаларнинг бажарилишига боғлиқ:

- аудит ўтказиш учун аудиторга керакли шароитларни яратиб бериш;
- аудит учун зарур бўлган бирламчи ва йиғма ҳужжатларни тақдим этиш;
- аудитор томонидан ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботлар, солиқ ва статистик ҳисоботларда аниқланган четланишларни бартараф этиш;
- аудиторлик ташкилотига шартномада кўрсатилган муддатларда ва миқдорларда тўловларни амалга ошириш.

Аудитни ўтказишда аудитор зиммасига катта масъулият юкланади. Зеро, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида «Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади», деб таъкидланган.

Аудитининг умумий мақсади: Корхоналар хўжалик фаолиятининг қонунийлигини, уни акс эттирувчи молиявий ҳисобот ва бошқа шакллардаги ахборотларнинг реаллигини таъминлаш, шунингдек, корхоналар ривожланишига замин яратиш ҳамда ҳисоб ишларини такомиллаштириш		
Давлат: **Мақсади:** Иқтисодиётнинг қуйи ва ҳал қилувчи бўғини ҳисобланган корхоналар фаолиятида меъёрий ҳужжатлар устуворлигини таъминлаш, уларни ривожлантириш, улардан ундирилаётган солиқларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини кафолатлаш **Мақсадга эришиш шарти:** Аудитни ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш	**Аудиторлик ташкилоти:** **Мақсади:** Буюртмачидан хизмат кўрсатиш ҳисобига ҳақ олиш. **Мақсадга эришиш шарти:** Буюртмачига хўжалик фаолиятининг қонунийлиги ҳамда активлар, пассивлар ва хўжалик фаолияти натижаларининг молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини баҳолаш, молиявий ҳисоботларнинг БҲМС ва солиқ қонунчилигига мослигини таъминлаш, даромадларни ошириш ва ҳисоб ишларини такомиллаштиришга қаратилган консалтинг хизматлари кўрсатиш	**Буюртмачи:** **Мақсади:** Ўз мулкларидан фойдаланиш ҳисобига олинган даромад ва фойданинг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлаш, бошқарув қарорларининг самарадорлигини, ҳисоб ва ҳисоботнинг солиқ қонунчилиги ва БҲМСларга мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек, келгусида даромадларни ошириш ва ҳисоб ишларини такомиллаштириш борасида маслаҳатлар олиш **Мақсадга эришиш шарти:** Аудиторлик ташкилотига кўрсатган хизматлари учун шартномада кўзда тутилган суммани тўлаш

1-чизма. Аудитининг мақсади ва унга эришиш шартлари.

Ушбу масъулиятли ишни амалга ошириш улардан қуйидаги вазифаларни оғишмай амалга оширишни талаб килади:

• БҲМСлар, солиқ қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш;

• корхона хўжалик фаолиятининг қонунийлигини синчиклаб ўрганиш;

• юз берган операцияларнинг бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини аниқлаш;

• бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳисоб регистрлари ва молиявий ҳисоботга тўғри ўтказилганлигини текшириш;

• ҳисоб ва ҳисоботда аниқланган четланишларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

• ҳисоб ишларини такомиллаштириш борасида ўз тавсияларини бериш;

• корхона хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда келгусида уни яхшилашга қаратилган асосли таклифлар билдириш;

• корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати бўйича ҳисобот тузиш ва унга хулоса бериш.

Аудитни бир қатор белгилари бўйича таснифлаш мумкин (2-чизма).

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда (10, 11-моддалар), уни *ўтказиш мажбурийлигига кўра* **мажбурий аудит** ва **ташаббусли аудит** эътироф этилган.

Қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг йиллик молиявий ҳисоботлари ва ташқи ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиладиган бошқа (солиқ ва статистик) ҳисоботларини улар тақдим этилишидан олдин **мажбурий равишда аудиторлик текширувидан** ўтказадилар:

• акциядорлик жамиятлари;

• банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

• суғурта ташкилотлари;

• инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;

• манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари вабошқа ижтимоий фондлар;

• маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

• устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий аудиторлик текширувида ҳам уни ўтказувчи аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект томонидан (таъсисчилар билан келишилган ҳолда) ихтиёрий равишда танланади ва аудиторлик ташкилоти билан тузилган ўзаро манфаатли шартномага асосан ўтказилади.

Мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортган хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўлланилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо

қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади. Белгиланган жарима миқдори хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активлари (охирги ҳисобот санасидаги) суммасининг 20 %идан ортиқ бўлган ҳолларда 6 ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш йўли билан амалга оширилади.



2-чизма. Аудитнинг таснифи.

Ташаббусли аудит хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан ўтказилади. Ташаббусли аудитнинг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида ихтиёрий равишда келишилади.

Ўтказилаётган аудит *қамров даражасига кўра* **комплекс** ва **тематик** характерга эга бўлиши мумкин.

Комплекс аудит корхона хўжалик фаолиятининг барча жиҳатлари ва шу билан боғлиқ ҳолда молиявий ҳисоботнинг барча кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказишни назарда тутади. Одатда, мажбурий аудит комплекс характерда ўтказилади.

Тематик аудит корхона хўжалик фаолиятининг айрим жиҳатларини, шунга мос равишда молиявий ҳисоботнинг ҳам айрим кўрсаткичларини ёки айрим моддий жавобгарлик марказларини текширишга қаратилган бўлади.

Аудитнинг *ким томонидан ўтказилаётганлигига қараб* **ташқи** ва **ички аудит** фарқланади.

Ташқи аудит аудиторлик ташкилотлари штатида турувчи аудиторлар томонидан, аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномага асосан ўтказилади. Ташқи аудит, одатда, даврий равишда ўтказилади. Ташқи аудит натижалари бўйича олинган хулосалар ташқи ахборот фойдаланувчилар томонидан тан олинади.

«Корхоналарда ички аудиторлик хизмати тўғрисида Низом»га мувофиқ, «**ички аудит** - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига, таъсис

ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган коидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти». Ички аудит корхона штатида турувчи аудиторлар томонидан доимий равишда ўтказиб борилади. Ушбу аудит натижаларидан фақатгина корхона раҳбарияти ва Кузатув кенгаши ёки таъсисчи(лар) томонидан бошқарув карорларини қабул қилиш ва улар ижросини назорат қилиш максадларида фойдаланилади. Шу сабабли, ички аудит айрим манбалар[2]да **бошқарув аудити** ҳам деб аталади.

«Корхоналарда ички аудиторлик хизмати тўғрисида Низом»га мувофиқ ички аудиторлар, акциянерлик жамиятларида Кузатув кенгаши раисига, бошқа корхоналарда таъсисчиларга бўйсинади. Ушбу Низомда жами активлари суммаси 1 млрд.дан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудит хизмати мажбурий равишда ташкил этилиши ва активлари қиймати 1 млрд.дан 10 млрд.гача бўлган корхоналарда ички аудит хизмати бўлими камида 2 нафар, 10 млрд.дан 50 млрд.гача бўлган корхоналарда камида 3 нафар, 50 млрд.дан ортиқ бўлган корхоналарда камида 4 нафар сертификатланган аудитордан иборат бўлиши белгилаб қўйилган.

Аудитни *мақсадига кўра*, **тасдиқловчи аудит** ва **тавсия беришга қаратилган аудитга** ҳам ажратиш мумкин.

Тасдиқловчи аудит натижасида мижоз корхона фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослиги ва молиявий ҳисоботда акс эттирилган кўрсаткичларнинг реаллиги баҳоланади ҳамда тасдиқланади. Республикамизда, бугунги кунда айнан ушбу йўналишдаги аудит кенг қўлланилмоқда.

Тавсия беришга қаратилган аудит мижоз корхона хўжалик фаолияти ва ҳисоб ишларини ўрганиш асосида корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унда ҳисоб ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беришга қаратилган бўлади.

2. Аудитнинг предмети ва объектлари

Аудитнинг предмети деганда аудиторлик текшируви ўтказиладиган объектлар мажмуаси тушунилади.

Иқтисодий фан сифатида аудит белгиланган объектларни текшириш тартибини, текшириш натижаларини чиқариш, расмийлаштириш ва тадбик этиш усулларини ўргатади.

---

[2]Худайбердиев Н.У. Туристик-мехмонхона мажмуалари иқтисодиёти, уларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд, СамИСИ, 51-бет.

Аудитнинг предмети ва объектлари белгиланган аудиторлик текширувининг турига, мақсадига ва унга қўйилган вазифаларга боғлик бўлади. Мисол учун, комплекс аудитнинг предмети сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир ҳисобот йиллардаги молиявий хўжалик фаолияти олиниши мумкин. Тематик аудитнинг предмети сифатида бухгалтерия ҳисобининг маълум бир бўлими ёки молиявий хўжалик фаолиятининг аник кўрсаткичи танлаб олиниши мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аудитнинг предмети ва объектлари жуда кенг қамровлидир.

Аудит фан сифатида «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби», «Тармокларда бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий таҳлил», «Бошқарув таҳлили», «Молия», «Солик ва солик солиш» ва шу каби корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини турли жабхаларини ўрганувчи барча бошқа иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғликдир.

Аудитнинг предметини ташкил қилувчи объектлар:



3. Аудитнинг услуби ва унда қўлланиладиган усуллар

Аудит текшириш объектларини макон ва замонда мавжудлигига, уларни доимий ривожланиш диалектикасига асосланади. Айнан шундай ёндашиш аудитнинг фаолият ва фан сифатидаги методини ташкил этади.



Аудитда қўлланиладиган усуллар.

Аудит ўтказишда бухгалтерия хисоби хужжатларининг ва улардаги ёзувларнинг хаққонийлигини (мисол учун, имзоларнинг ҳаққонийлиги, ҳужжатларни кимнинг хуснихати билан тўлдирилганлиги ва шу кабиларни) аниқлаш заруриятлари туғилиши мумкин. Бундай ҳолларда хужжатлар суд-бухгалтерия экспертизаси орқали текширтирилади.

Аудиторлар текшириш давомида тегишли исботларни йиғиш ва жамлаш учун танлаб текшириш, тест, хронометраж, жадваллар тузиш ва шу каби бошқа таҳлил ва математик-статистика усулларидан кенг фойдаланадилар.

4. Аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ички аудитнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари республикамизда «Корхоналар тўғрисида Қонун», «Бухгалтерия хисоби тўғрисида Қонун» хамда бошқа Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

Ташки аудитнинг ҳуқуқий –меъёрий асослари республикамизда юқорида келтирилган конунлардан ташкари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун», ҳукумат қарорлари, аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС), йўриқномалар ва бошка меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

29 та моддадан иборат «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун» аудитнинг моҳиятини, унинг турлари, мақсади ва вазифаларини, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг статусини, яъни уларни тузиш

ва ёпиш тартибини, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш, лицензияларни тўхтатиш ва бекор килиш тартибини, аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларининг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини, аудиторлик текшируви натижаларини расмийлаштириш ва тадбик этиш тартибини белгилаб берувчи асосий ҳужжат хисобланади.

Қонунга мувофик ташки аудит республикамизда фақатгина махсус лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотлари қонунларга асосан фақат жисмоний шахслар томонидан хусусий корхоналар ва компаниялар статусида (маъсулияти чекланган жамият, фирма, ёпиқ акционерлик жамияти кўринишларида) ташкил этилади. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар таъсисчилигида аудиторлик ташкилотларини тузиш қатъиян ман этилади.

Аудиторлик ташкилотларининг устав капиталини шакллантириш муддати бошқа юридик шахслар сингари ташкил этилган кундан бошлаб бир йил ҳисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган аудиторлик ташкилотлари юридик статусга эга бўлмайдилар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ёпилиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳукуқларга эгадир:

- аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида карор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби вамолиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;
- аудиторлик текшируви ўтказиш шакллари ваусулларини мустақилбелгилаш;
- аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлик ҳужжатларни тўлик ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳарқандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳарқандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ваёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;
- учинчи шахслар томонидан ёзма тасдикланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;
- ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан такдим этилмаган такдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;
- аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар вабошқамутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;
- аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш вамолиявий ҳисобот тузиш мустасно;
- аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шуғулланиши мумкин ҳамда у:

• аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганида ушбу Қонун ҳамда бошқаконун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

• аудиторлик текшируви ўтказишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини ўтказиш ҳуқукини берувчи тегишли лицензияни, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини тақдим этиши;

• хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланилган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

• аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

• аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг конунийлиги бузилиши фактларини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

• ўтказилган аудиторлик текширувлари натижаларига доир аудиторлик хулосалари ваудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида мавжуд бўлишини ҳамда уларнинг конун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

• аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

• аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши;

• хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари вабошқаходимлари зарар етказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда буҳақдахўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулкдорига) маълум қилиши ҳамда аудиторлик ҳисоботига тегишли қайдни киритиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда катнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилиши чакирилишини талаб қилиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари Қонунга мувофиқ (17-модда) аудиторлик текширувидан ташқари мижозларга касбий хизматларни (ҳисобни юритиб бериш, уни тиклаш, солиқ ҳисоб-китобларини тузиб бериш, молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, маслаҳатлар бериш ва бошқалар) кўрсатишлари ҳам мумкин. Ушбу касбий хизматларни қонун доирасида тўғри ўтказилганлигига аудиторлик ташкилотлари худди аудиторлик текшируви сингари жавобгардирлар.

Қонунга мувофиқ (16-модда) аудиторлик ташкилотлари касбий хизматлар кўрсатган хўжалик юритувчи субъектларга бир вактнинг ўзида аудиторлик текширувини ҳам ўтказиб беришлари мумкин эмас. Бундан ташқари, Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказишда бошқа

маълум чекловлар ҳам мавжуд, жумладан аудиторлик текширувини ўтказаётган аудитор (аудиторлар) хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндош бўлмаслиги, ушбу хўжалик юритувчи субъектда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатларга эга бўлмаслиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, шунингдек, хўжалик бошқарув органларининг мансабдор шахслари бўлмаслиги, айнан текшириш ўтказилаётган корхонанинг ходими, мулк иштирокчиси, акциядори бўлмаслиги лозим.

Аудитнинг ҳукукий-меъёрий хужжатлари ичида аудиторлик фаолияти бўйича ишлаб чиқилган миллий стандартлар (АФМС) ҳам катта ахамият касб этади. АФМС лар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун» асосида ишлаб чиқилиб, аудитнинг у ёки бу жиҳатларини, уни ўтказиш тартиблари, усул ва услублари, аудиторларнинг ҳаракатлари ва бошқа томонларини амалиётга тадбиқ этишда асос бўладиган меъёрий хужжатлардир. АФМС лар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Адлия Вазирлигидан рўйхатга ўтган санадан 10 кундан кейинги санадан бошлаб кучга киритилади. Республикамизда қуйидаги АФМСлар кабул қилинган ва амалиётда қўлланилмоқда:

АФМС Коди	**АФМС нинг номи**	**Рўйхатга олинган вакти ва №**	**АФМС нинг қискача изоҳи**
3-АМС	Аудитни режалаштирилиши	1999 йил 10 ноябрь, №837	Аудитни режалаштирилиши бўйича талаблар ва меъёрлар белгиланган
4-АМС	Мижознинг фаолияти (бизнеси) билан танишиш	1999 йил 3 сентябрь, № 810	Мижознинг фаолият (бизнеси) билан танишиш тартиби ва меъёрлари белгиланган
5-АМС	Аудитор ишининг сифатини назорат қилиш	1999 йил 3 сентярь, № 811	Аудитор ишининг сифатини назорат килиш меъёрлари аникланган ва белгиланган
6-АМС	Аудитни ҳужжатлаштириш	1999 йил 3 сентябрь, №812	Аудиторлик ташкилотлари (аудиторлар) томонидан аудитнинг ишчи хужжатларини тайёрлаш бўйича ягона талаблари белгиланган
9-АМС	Мухимлилик ва аудиторлик хатари	1999 йил 3 сентябрь, № 813	Аудиторлик исботи ва хатари бўйича меъёрлар ва талаблар белгиланган
10-АМС	Молиявий ҳисоботда ёритиладиган бошқа ахборотлар	1999 йил 23 сентябрь, № 822	Молиявий ҳисоботдаги бошка маълумотлардан фойдаланиш тартиби ва талаблари белгиланган
11-АМС	Маълумотларни компьюьерли ишлови шароитида аудитни ўтказиш	1999 йил 23 сентябрь, № 823	Маълумотларни компьютерли ишлови шароитида аудитни ўтказиш тартиби ва меъёрлари белгиланган

13- АМС	Аналитик процедуралар	1999 йил 3 сентябрь, № 814	Аналитик текширувда қўлланила-диган аналитик процедуралар ва уларга қўйиладиган меъёрлар белгиланган
14-АМС	Аудиторлик танлови	1999 йил 3 сентябрь, № 815	Аудиторлик танлови, унга бўлган талаблар ва меъёрлар белгиланган
16-АМС	Эксперт ишидан фойдаланиш	1999 йил 3 сентябрь, № 816	Аудиторлик текширувига экспертни жалб этиш ва унинг иш фаолияти натижаларидан фойдаланиш бўйича аудиторлик ташкилотининг харакатлари белгиланган
24-АФМС	Молиявий хисоботда бузиб кўрсатишлар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг харакати	2001 йил 31 июнь, № 1045	Молиявий хисоботда бузиб кўрсатишлар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг харакатлари белгиланган
25-АФМС	Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий -хукукий хужжатларга амал килинишини текшириш	2003 йил 10 март, № 1223	Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий-хукукий хужжатларга амал килинишини текширишни меъёрлари ва тартиби белгиланган
31-АФМС	Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан танишиш	2001 йил 21 июнь, № 1043	Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан танишиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар белгиланган
50-АФМС	Аудиторлик далиллари	2002 йил 18 апрель, № 1128	Аудиторлик текшируви пайтида олинган аудиторлик далилларининг микдорига, сифатига, шунингдек ушбу далилларни олиш максадида бажариладиган амал-ларга нисбатан талабларни белгилаган
55-АФМС	Ўзаро боғлик шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари	2003 йил 3 март, 1224	Ўзаро боғлик шахслар билан боғлик битимларни аниқлаш максадида аудиторлик ташкилотлари томонидан бажариладиган аудиторлик таомиллари кўрсатилган
56-АФМС	Молиявий хисоботни тузиш санасидан кейинги ходисалар	2003 йил 23 апрель, № 1236	Молиявий хисоботни тузиш санасидан кейинги ходисалар ва уларни молиявий хисоботда акс эттириш тартиби белгиланган
60-АФМС	Бошка аудиторлар иш фаолияти натижаларидан фойдаланиш	2003 йил 2 март, № 1221	Бошка аудиторлар иш фаолияти натижаларидан фойдаланиш тартиби ва меъёрлари белгиланган

70-АФМС	Аудитор ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси	2001 йил 10 март, № 1016	Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосасига талаблар ва меъёрлар белгиланган
80-АФМС	Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторнинг ҳисоботи	2003 йил 19 февраль, № 1220	Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботининг тузиш тартиби белгиланган
90-АФМС	Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари	2001 йил 10 март, 1017	Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларига талаблар белгиланган

Аудиторлик текшируви бўйича аудиторлик ташкилотлари ўзларининг ички стандартлари (тартиблари) ни ҳам яратишлари мумкин. Бундай стандартлар бўлиб масалан, аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган ички тартиб-интизом, комплекс ва тематик аудиторлик текширувининг дастурлари, аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларни тайёрлаш ва топшириш тартиби ва бошқалар ҳисобланиши мумкин. Ички стандартлар ҳаракатдаги Қонунлар ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари талабларига мос келиши керак.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 53715

«АУДИТНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСЛУБИ ВА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. «Аудитнинг моҳияти, турлари, мақсади ва вазифалари» мавзусини муҳокама қилиш учун лойиҳа босқичлари:

1.Аудитнинг таърифи
2.Аудитнинг алоҳида белгилари бўйича турлари
3.Аудитнинг мақсади
4.Аудитнинг вазифалари.

2. Аунинг предмети ва объектини муҳокама қилиш учун бериладиган блиц-сўров саволлари рўйхати:

1.Ҳар қандай фаннинг предмети деганда нимани тушунмоқ керак;
2.Аудитнинг предмети бошқа иқтисодий фанлар предметларидан нимаси билан фарк килиши керак;
3.Аудитнинг предмети нималарни ўз ичига олади;
4.Аудитнинг объектлари нималардан иборат.

3. Аудитда қўлланиладиган усулларни «Нилуфар гули» усулида муҳокама қилиш.

1.Талабалардан 8 та гуруҳ шакллантирилади;
2.Ўқитувчининг ўзи «Нилуфар гули»нинг ўзагини талабалар билан биргаликда қуйидагича тузади:



Сўнгра ҳар бир гуруҳга биттадан аудит усулини ёзиб чиқиш талаб қилинади.

Гуруҳларга «Нилуфар гули»ни расмийлаштиришга 10 минут вақт берилади. Сўнгра ҳар бир гуруҳдан 1 тадан талаба чиқиб презентация қилади. Презентация учун 1-2 минут вақт берилади.

2-Мавзу: КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Маъруза режаси:

1.Аудитни ўтказиш босқичлари

2.Аудит ўтказишнинг умумий методологик тартиби

1. Аудитни ўтказиш босқичлари

Аудитни ташкил этиш босқичлари:

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладнган ишлар
1- босқич	**Аудитни бошлашга қадар бўлган босқич**. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: • *аудит ўтқазувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади;* • *аудит ўтқазувчи субъектга аудит ўтқазишга аудитор юборилиб, аудит ўтқазувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади;* • *аудит ўтқазувчи субъект номига аудит ўтқазиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади,ушбу хатда аудит ўтқазиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик хатари даражаси, кўрсатилади;* • *аудит ўтқазиш бўйича шартлар ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтқазиш тўғрисида шартнома тузилади;* • *аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтқазиш графиги белгиланади.* • *аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.*
2- босқич	**Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи.** Ушбу босқичда тасдикланган дастурга мувофик аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтқазилади
3-босқич	**Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи.** Ушбу босқичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) хар бир объект бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик хисоботи тайёрланади. Аудиторлик хисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-босқич	**Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи.** Ушбу босқичда аудиторлик текшируви натижалари мухокама этилади, аникланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

Аудит ўтқазувчи субъектнинг ёзма буюртмаси – бу хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилотига берган расмий хати –мурожаатномаси бўлиб, унда кайси хисобот даври учун, қандай объектлар бўйича аудитнинг аник турини ўтқазиб бериш бўйича шартнома тузиш сўралади. Ёзма буюртма буюртмачи корхонанинг раҳбари томонидан имзоланади.

Буюртмачида ўтказиладиган дастлабки кузатишлар. Бундай кузатишни аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки унинг вакил этиб юборган аудитори амалга оширади. Дастлабки кузатишда корхонанинг таъсис хужжатлари ўрганиб чиқилади, унинг юридик статусининг тўлиқлиги аниқланади, бош китоб ва молиявий ҳисобот маълумотлари дастлабки визуал назоратдан ўтказилади. Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, жумладан банкротлик белгилари ўрганилади, операциялар ва уларга тегишли хужжатларнинг сони ва хажми аниқланади. Хужжатларнинг сифати, уларнинг маълумотларини ҳисоб маълумотлари билан уйғунлиги танлаб текширилади. Корхонада ички назорат тизимининг мавжудлиги, унинг таъсирчанлиги баҳоланади. Бу кузатишлар аудит текшируви бўйича иш хажмини аниқлашга, аудиторлик хатарининг даражасини белгилашга, шунингдек иш кийматини келишишга асос бўлади.

Аудит бўйича иш ҳажми. Аудиторлик текширувида аудиторлар томонидан бажариладиган ишнинг ҳажми аудиторлик текширувининг турига, объектлар сонига, операциялар ва улар бўйича тузилган бошланғич хужжатлар сонига, ҳисобни юритиш ҳолати ва усулларига, солиқ тўловлари таркибига ва бошқаларга қараб тахминланади. Иш хажмини ҳар бир текширув объектига сарфланиши мумкин бўлган кунлар сонига қараб хам белгилаш мумкин.

Аудиторлик хатари – бу аудиторларнинг ўзларига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги бўйича аудиторлик хулосасини беришда йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларининг баҳоланган миқдори. Ушбу хатоларнинг миқдори, одатда, фоизларда ифодаланади, уни сўмларда ҳам ифодалаш мумкин. Аудиторлик хатарининг даражаси аудитор томонидан дастлабки кузатувни ўтказиш вақтида аниқланади.

9-сон АФМС «Аудиторлик исботи ва хатари» га мувофиқ дастлабки кузатиш вақтида баҳоланадиган умумий аудиторлик хатарининг даражаси қуйидаги умум қабул қилинган математик модел ёрдамида топилади:

$$AR = IR * CR * DR$$

Бу ерда: AR (audit risk) - умумий аудиторлик хатарининг даражаси, яъни молиявий хисоботга нотўғри хулоса бериш эҳтимоли;

IR (inherent risk) -- ички хўжалик хатарининг даражаси, яъни ҳисобдаги хатолар эҳтимоли;

CR (control risk) – назорат тизими хатари даражаси, яъни ички назорат тизимининг самарасизлик эҳтимоли;

DR (detection risk) –хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар даражаси, яъни хатони топа олмаслик эҳтимоли

Аудиторлик хатарларининг турлари бир-бирлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Уларнинг даражаларини тўғри баҳолаш аудитор томонидан

тўплаши лозим бўлган исбот ва далилларнинг сонини, яъни унинг иш ҳажмини, тўғри аниқлашга имкон беради.

Аудиторлик исботи сонларининг аудиторлик хатари турлари даражаси билан алоқалари:

Умумий аудиторлик хатари (AR)	Ички хўжалик хатари (IR)	Назорат тизими хатари (CR)	Хатоларни топмаслик хатари (DR)	Зарур бўлган исботлар сони
Юқори	Паст	Паст	Юқори	Кам
Паст	Паст	Паст	Ўртача	Ўрта
Паст	Юқори	Юқори	Паст	Кўп
Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўрта
Юқори	Паст	Ўртача	Ўртача	Ўрта

Аудиторлик текширувини ўтқазиш бўйича розилик хати –бу дастлабки кузатишлар тугагач буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжат. У ўзида дастлабки кузатишларнинг натижалари, аудиторлик текшируви бўйича ҳисобланган иш ҳажми, аудиторлик хатарининг даражаси, таклиф этилаётган қиймат, ишни бажариш бўйича таклиф этилган муддатларни, бажарувчиларни ва бошқаларни акс эттиради.

Аудиторлик фаолияти тўғрисида шартнома – бу аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида аудиторлик текшируви ёки бошқа касбий хизматларни кўрсатиш бўйича ўзаро муносабатларга статус берувчи юридик ҳужжат. Ушбу шартномада аудиторлик фаолиятининг аниқ тури (аудиторлик текшируви, консалтинг, бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва шу каби бошқа касбий хизматлар), уларни қайси давр учун ўтқазилиши, ўтқазилиш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, ишнинг қиймати, форс-мажор ҳолатлар ва бошқалар аниқ кўрсатилади.

Аудиторлик текшируви дастури – бу аудитор томонидан тузиладиган, аудиторлик ташкилоти раҳбари ва буюртмачи ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган ҳужжат. Дастур ўз ичига текшириладиган объектлар, жараёнлар, операциялар, саволлар рўйхатини, текшириш муддатларини, шунингдек жалб этиладиган аудитор ёрдамчиларининг фамилияси, исми-шарифини ва буюртмачи ташкилот томонидан жалб этиладиган маъсул ходимларнинг фамилияси ва исми-шарифларини олади. Аудиторлик дастури шартномага илова сифатида ёки алоҳида ҳужжат сифатида тасдиқланади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг буйруғи –бу тузилган шартнома ва дастурга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларга аудиторлик теширувига сафарбар этилган аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари шахсларини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу буйрук аудиторлик ташкилотида аудиторларга ва уларнинг ёрдамчиларига бажарган ишлари учун меҳнат ҳақини ҳисоблашга ҳам асос бўлади.

2.Аудит ўтказишнинг умумий методологик тартиби

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш аудитни ташкил этишнинг 2-боскичини ташкил этади. Ушбу боскични аудиторлар 1-боскичда тузилган дастурга мувофик олиб борадилар. Дастурга кирган хар бир мавзу ёки объектни текширишда аудиторлар маълум кетма-кетликга амал қилишлари, текширишни юқоридан пастга қараб ёки пастдан юқорига қараб текшириш усулларидан бирида амалга оширишлари лозим.

Аудиторлик текширувини барча объектлар бўйича қуйидаги умумий методологик тартибга амал килинган ҳолда ўтказилиши лозим.



Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма – кетлиги:

1.Аудитнинг аниқ объектлари ва уларни текшириш кетма-кетлиги белгиланади. Объектларни текширишда кетма-кетликни тўғри танлаш ҳам катта рол ўйнайди, чунки объектлар ҳам ҳисоб нуқтаи назаридан, ҳам текшириш нуқтаи назаридан бир –бири билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Бизнингча, юридик статуси тўлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари бўйича ўтказилаётган аудитда унинг объектлари қуйидаги кетма- кетликда текширилиши лозим:

- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг кўрсаткичлари (даромадлар, таннарх, давр харажатлари, шу жумладан харажатларга кирувчи солиқлар ва мажбурий тўловлар, солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган натижалар, солиқгача фойда, солиқга тортиладиган фойда, даромад (фойдадан) солиқлар, соф фойда);
- Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларининг моддалари (хар бир модда кўрсаткичлари бошланғич ҳужжатлардан асосида бухгалтерия ҳисоби счётлари ёзувлари бўйича текшириб чиқилади);
- Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиш ҳолати;
- Мол-мулк бутлиги, мансабдор ва моддий жавобгар шахслар фаолияти.

2.Хар бир объект бўйича текшириш тестлари тузиб чиқилади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади.

3.Ҳар бир объект бўйича текшириш натижаси аниқланади, яъни аудитор текширган объект бўйича ҳисоб маълумотининг тўғрилигини тасдиқлайди ёки унда қанчалик четланиш борлигини исботлаб беради. Текшириш натижалари тегишли оралиқ ва йиғма жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Йиғма жадвалларнинг маълумотлари оралиқ жадвалларнинг якуний маълумотлари билан тўлиқ мос бўлиши керак. Четланишлар мавжуд объектлар бўйича ушбу четланишларнинг миқдорини, уларни нима хисобидан келиб чиқганлигини кўргазмали ифодалайдиган аналитик жадваллар тузилади. Тузилган жадваллар натижаларини аудиторнинг хисоботида акс эттирилади ва улар изоҳлаб берилади.

Ҳар бир текшириш объекти бўйича аудитор мумкин бўлган аудиторлик хатарини, яъни хатога йўл қўйиш эхтимолини белгилаши, ушбу эхтимолни имкони борича йўққа чиқариш лозим.

«КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. Аудиторлар бажарадиган ишларнинг аралаш рўйхати:

- аудит ўтказувчи субъектга аудит ўтказишга аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади;
- аудит объектлари текширишдан ўтказилади;
- аудиторлик текшируви натижалари жамланади ва расмийлаштирилади;
- аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади,ушбу хатда аудит ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик хатари даражаси, кўрсатилади;
- аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи.
- аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади;
- аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро таксимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади;
- аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги белгиланади.
- аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади;

Ушбу рўйхат доскага ёзилади ва талабалардан кетма-кет чикиб, ушбу рўйхатдаги бажариладиган ишларни тартиб билан номерлаш топширилади.

2.Талабалар 5 та гурухга бирлаштирилади ва ҳар бир гурухга қуйидаги объектларни аудит қилиш методологиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилади:

1.Кассага кирим қилинган пул маблағларининг аудити
2.Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадларнинг аудити
3.Материаллар чиқимининг аудити
4.Таъминотчилар олдидаги мажбуриятларнинг аудити
5.Асосий воситалар эскиришининг аудити.

3-Мавзу: УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИНГ АУДИТИ

Маъруза режаси:

1.Узоқ муддатли активларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи
2.Асосий воситаларнинг аудити
3.Номоддий активларнинг аудити
4.Молиявий ва капитал инвестицияларнинг аудити

1. Узоқ муддатли активларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи

Узоқ муддатли активлар – корхона хўжалик фаолиятида ўзининг шаклини ўзгартирмасдан узоқ муддат (1 йилдан ортиқ) фойдаланиладиган моддий, номоддий ва молиявий активлар.

Узоқ муддатли активларнинг таркибий тузилиши



2. Асосий воситалар аудити

Асосий воситаларнинг аудити уларнинг қолдиқларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орқали аниқлашдан бошланади. Узоқ муддатли активлар таркибига кирувчи асосий воситалар бухгалтерия балансининг актив кисми, биринчи «Узоқ муддатли активлар» бўлимида ифодаланган (010 сатр). Аудитор балансидаги асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги қолдиқларини текшириб кўради. Ушбу маълумотларни оборот ведомостлари ва Бош китоб қолдиқлари билан ўзаро солиштиради. Корхонанинг асосий воситалари бухгалтерия ҳисобининг 0100 – «Асосий воситалар», 0300 – «Молиявий лизингга олинган асосий воситалар» счетларида ҳисобга олиб борилади (кисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар эса 001-«Ижарага олинган асосий воситалар» номли балансдан ташкари счётда юритилади).

Аудитор асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқларини уларнинг ҳакикий қолдиги билан солиштиради. Бунинг учун асосий воситалар қабул қилинган тартиб бўйича инвентаризация қилинади. Инвентаризация натижасига кўра асосий воситаларнинг ҳақикий қолдиги маълум бўлади. Ушбу жараён амалга оширилгандан сўнг асосий воситаларнинг ҳаракати, яъни кўпайиши ва камайиши (ҳисобдан чиқарилиши) аудит қилинади.

Асосий воситалар кўпайишини аудит қилишда кирим ҳужжатларининг, асосий воситаларнинг тўғри баҳоланишига, бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишига эътибор берилади. Янги жиҳозлар келиб тушганда унинг тўликлигига, техник ҳолатига эътиборни кучайтириш керак. Айрим ҳолларда маънавий эскирган асосий воситалар харид қилинган бўлиши мумкин. Қурилиш орқали кирим қилинган асосий воситаларнинг сметалари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари обдон текширилади. Асосий воситалар таъсисчилардан, хомийлардан ва бошқа шахслардан текинга ҳам олинган бўлиши мумкин. Аудитор ушбу операцияларни қабул қилиш ҳужжатларига, бухгалтерия ёзувларига асосан текширади.

Асосий воситаларнинг аудитида уларнинг сотилиши ва ижарага берилишига (лизинг операцияларига) алоҳида эътибор берилади. Айрим ҳолларда маънавий эскирган асосий воситалар сотиб юборилиши ёки ижарага бериб юборилиши мумкин. Бундай текширув асосий воситаларни бахолаш, сотиш-сотиб олиш, ижарага бериш шартномалари ва тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Аудитор асосий воситаларнинг ҳисобдан чикарилиши ва тугатилиши билан боғлиқ операцияларга эътиборини каратиши керак. Асосий воситалар тўлиқ эскирган, ўз фойдаланиш муддатини тўлиқ ўтагандан кейингина ҳисобдан чиқарилиши керак. Айрим холларда рўзғорбоп асосий воситалар – музлаткичлар, видио, телеаппаратуралар, енгил автомашиналар фойдаланиш муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилиб юборилиши мумкин. Бундай операцияларни аудитор асосий воситаларнинг паспорти, ҳолатини, эскиришини акс эттирувчи ҳужжатлар орқали текширади. Аудит жараёнида ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳолати ва максадлилигига алоҳида эътибор берилиши керак.

Асосий воситаларни аудит қилишда уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишини текшириш мухим ҳисобланади. Аудитор 0100 «Асосий воситалар» (0300 «Молиявий лизинга олинган асосий воситалар») счёти билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби ёзувларини текширади. Асосий воситаларнинг кўпайиши 0100 «Асосий воситалар» счёти орқали 0820, 6010, 4610, 5110, 5210, 8510, 8530 ва бошқа счётлар орқали ўзаро текширилади. Уларнинг камайиши эса 0100 «Асосий воситалар» счёт ҳамда 9210, 9310, 9430, 0200, 8510, 5110, 5210 ва бошқа счётлар орқали аудит қилинади. Асосий воситаларнинг эскириши 2010, 2310, 2510, 9410, 9420 счётлар орқали тешширилади.

Ҳозирги пайтда корхоналар асосий воситалар амортизациясининг ажратмаси усулини ўзлари мустакил белгилайдилар ва «Ҳисоб сиёсати»ида акс эттиради. Амортизация ажратмалари қуйидаги тўрт усулининг бирида аникланган бўлиши мумкин:

- бир маромли ҳисоблаш усули орқали;
- кумулятив усули орқали;
- қолдиқ кийматдан ҳисоблаш усулда;
- бажарилган иш (ишлаб чикарилган махсулот) ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда.

Аудитор ушбу усулларнинг нечоглик асосланганлиги ва эскириш суммаларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри ифодаланганлигини текшириб чиқади.

Аудит жараёнида асосий воситалар турлари ва фойдаланиш (сакланиш) жойлари бўйича ҳам аудит қилинади. Бунинг учун асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби регистрлари (китоблар, журнал-ордерлар, машинограммалар), «Молиявий ҳисобот» маълумотларидан (3-шакл –«Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»дан) кенг фойдаланилади.

Аудит жараёнида аниқланган хато-камчиликлар аудитор томонидан умумлаштирилиб белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасида текширув натижалари ўз аксини топади ҳамда буюртмачига тақдим этилади.

3. Номоддий активлар аудити

Номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар доимий назорат килиб борилади. Бунинг сабаби, биринчидан, хориждан янги технологиялар, ихтиролар фақат халқаро валютада сотиб олинади. Иккинчидан, номоддий активларни сотиб олиш жараёнида маънавий эскирган, самараси нисбатан юқори бўлмаган ихтиролар, технологияларнинг мамлакатимиз ичкарисига келиб колиш эҳтимоллари ҳам йўк эмас. Шу сабабли номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операциялар ҳам ташқи, ҳам ички назорат килиниши керак. Маълумки, хорижий мамлакатлардан келтириладиган барча моддий бойликлар, улар билан боглик операциялар даставвал божхона назоратидан ўтказилади. Божхона назорати жараёнида сотиб олинган номоддий активларнинг шартномалари, товар ва банк ҳужжатлари изчил текширилади. Бунда тузилган шартномаларнинг қўйилаган талабларга кай даражада мослигига, номоддий активларнинг баҳоси, бож тўловларига эътибор берилади. Хорижий мол етказиб берувчиларга тўланадиган валюта маблағларининг тўғрилиги банк орқали назорат килинади. Бунда номоддий активлар бўйича ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилиши, валюта курсидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор берилиши керак.

Номоддий активларнинг самарали фойдаланиши корхона (фирма) мутахассис-ходимлари томонидан ҳам ички назорат қилиб борилади. Сотиб олинган номоддий активларнинг дастлабки ҳужжатлари, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлган бошка ҳужжатлар текширилади. Корхона бухгалтериясида номоддий активларнинг ҳаракати ҳисоб регистрларида акс эттирилиб доимий назоратга олинади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, мамлакатимизда номоддий активлардан кенг фойдаланилиши уларнинг аудиторлик назоратини ҳам долзарб қилиб қўяди. Номоддий активларнинг аудити таъсисчилар (муассислар), сармоядорлар, мулк эгалари ва бошка манфаатдорларнинг буюртмаларига асосан ўтказилади.

Аудит оркали номоддий активлар билан боғлиқ операцияларнинг қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлиги текширилади.

Номоддий активларнинг аудити буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида қуйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

- номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдиги аниқланади;
- номоддий активларнинг ҳақиқий миқдори ҳисоб маълумотлари билан солиштирилади;
- номоддий активларнинг харид қилиниши ва сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг қонуний тузилганлиги текширилади;
- номоддий активлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри ифодаланиши назорат қилинади;
- номоддий активлар бўйича эскириш суммаларининг тўғри ҳисобланганлиги, ҳисобдан тўғри чиқарилганлиги текширилади;
- номоддий активлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг вактида ва тўлиқ амалга оширилганлиги ўрганилади;
- номоддий активларни ишлатишдан олинган самарадорлик -фойда, уларни кўпайтириш йўллари белгиланади.

Аудитор номоддий активлар ва улар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобининг 0400 «Номоддий активлар», 0500 «Номоддий активларнинг эскириши» счётлари оркали текширади. Аудит жараёнида ҳар бир операциянинг тўғри ҳужжатлаштирилганлиги, бухгалтерия ҳисоби счётларида аниқ ифодаланганлиги кўриб чиқилади. Келиб тушган номоддий активлар 0400 «Номоддий активлар» счётининг дебетидаги ёзувлар 4610, 6010, 0830, 5110, 5210, 5010, 8510, 8530 ва бошқа счётлардаги ёзувлар оркали солиштириб кўрилади.

Сотилган, камайган ва эскирган номоддий активлар 0400 «Номоддий активлар», 0500 «Номоддий активларнинг эскириши», 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» ҳамда 8510, 9320, 9430 ва бошқа счетлардаги ёзувлар оркали текширилади. Аудит натижасида аникланган хато-камчиликлар маълум тартибда умумлаштирилади.

Номоддий активлар қолдигининг тўғрилиги 0400 «Номоддий активлар» счёти, Бош китоб, оборот ведомостлари ва бухгалтерия баланси маълумотлари оркали текширилади. Бухгалтерия балансида номоддий активлар унинг актив кисмида кўрсатилган бўлади. Ушбу ҳужжатдаги қолдиқ 0400 «Номоддий активлар» счётидаги, бош китобдаги қолдикларга мувофиқ келиши керак. Номоддий активларнинг умумий миқдори уларнинг турлари бўйича қолдиқларига ҳам мос келиши лозим. Аудитор номоддий активлар бўйича тузилган шартномалар, уларнинг максади ва самарадорлигини аудит қилади. Аудит натижалари ҳисобот ва аудиторлик хулосаси билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар аудитор томонидан буюртмачига берилади ва тегишли карорлар кабул қилинади.

4. Молиявий ва капитал инвестициялар аудити

Қимматли қоғозлар ва берилган карзлар инвестор учун молиявий инвестициялар объекти булиб ҳисобланади. Узбекистон Республикаси «қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси туғрисида»ги конунга мувофик кимматли қоғозлар мулкий хукукларни ёки уларни чикарган шахслар ва уларнинг эгалари уртасидаги карз муносабатларини тасдиклайдиган, дивидендлар ёки фоизлар куринишида даромад туланишини ва ушбу хужжатлардан келиб чикадиган хукукларни утказиб бериш имкониятларини назарада тутувчи пул хужжатларидир.

Объектларнинг кимматли қоғозлар каторига туғри олиб борилганлигини текшириш чоғида корхонанинг кимматли қоғозлар учун хукуки борлиги ва кимматли қоғозлар буйича хукукни бериш коидаларига риоя килинишини аниклаш зарур.

Корхоналар буш турган пул маблағларини кимматли қоғозларга куйишдан ташкари бошка корхоналарнинг устав капиталига улуш кушиш (пай) шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга карз бериш учун хам ишлатишлари мумкин.

Бундай барча молиявий инвестициялар уларнинг муддатига караб куйидаги счётларда ҳисобга олинади:

а)Киска муддатли молиявий инвестициялар (1 йилгача):

5810 «кимматбахо қоғозлар»

5820 «Берилган киска муддатли карзлар»

5890 «Бошка жорий инвестициялар»

б) Узок муддатли молиявий инвестициялар» (1 йилдан ошиги):

0610 «кимматбахо қоғозлар»

0620 «Шуъба корхоналарга инвестициялар»

0630 «қушма корхоналарга инвестициялар»

0640 «Уюшган корхоналарга инвестициялар»

0650 «карам корхоналарга инвестициялар»

0690 «Бошка узок муддатли инвестициялар»

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда кулланиладиган дастлабки хужжатларнинг расмийлашитирилишини текширишда шуни ҳисобга олиш зарурки, кимматли коғознинг узи - катъий шаклдаги хужжат булиб, унинг шакли ва мажбурий реквизитлари кимматли қоғозларнинг маълум турлари учун конунчилик билан белгиланган талабларга мос келиши лозим. кимматли қоғозларда мажбурий реквизитларнинг йуклиги ёки кимматли коғознинг белгиланган шаклга мос келмаслиги унинг яроксизлигидан далолат беради. Шунинг учун аудитор кимматли қоғозлар бланкаларини шаклан текшириш билан бирга, мохиятан хам текширувдан утказади. Шунингдек, кимматли қоғозлар киймат курсаткичлари арифметик текширувдан хам утказилиши зарур.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда кулланилган дастлабки хужжатларни текшириш ута мухим ахамиятга эга. Чунки улар кимматли

қоғозларга доир мулкий ҳукукнинг бир субъектдан иккинчисга утишида махсус тартибни белгилайди.

Молиявий инвестицияларни ҳисобга кабул килиш учун асос булувчи хужжатларда муайян кимматли коғозни сотиб олиш максади ва ундан фойдаланиш муддати курсатилиши шарт.

Бухгалтерия ҳисоботи курсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослигини текшириш бухгалтерия балансининг «Узок муддатли молиявий инвестициялар» (I булим) ва «қиска муддатли молиявий инвестициялар» (II булим) сатрлари буйича курсаткичларни Бош китобдаги: 0610,0620,0630,0640, 0650,0690,5810,5820,5890 - счётларнинг колдиклари билан таккослаш оркали амалга оширилади.

Молиявий инвестициялар алохида турларининг мавжудлиги ва ҳисобот даври давомидаги харакати туғрисидаги ахборотлар бухгалтерия балансига бериладиган тушунтиришларда келтирилади. Молиявий инвестициялар алохида турларининг ҳисобот даври боши ва охирига колдиги туғрисидаги курсаткичлар 0610-0690 ва 5810,5820,5890 - счётлар буйича синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари билан солиштирилади.

0610 - 0690 ва 5810,5820 ва 5890 - счётлар буйича аналитик ҳисоб молиявий инвестицияларнинг турлари ва объектлари буйича юритилади. Аудитор корхонанинг ҳисоб сиёсати туғрисидаги буйругига илова килинган ишчи счётлар режасидаги молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш учун фойдаланиладиган счётлар режаси билан танишади, хамда аналитик ҳисобнинг тузилиши кимматли коғозларни сотувчи-корхоналар буйича молиявий инвестициялар туғрисидаги, карз олувчи - корхоналар буйича мамлакат худудидаги ва хориждаги объектларга килинган инвестициялар туғрисидаги ахборотлар кай даражада таъминлашини бахолаши керак.

Аудитор корхонада кимматли коғозларни ҳисобга олиш дафтарининг мавжудлигини аниклайди. Унда корхонада сакланадиган барча кимматли коғозлар руйхатга олинган булиши лозим.

Молиявий инвестициялар кирими ва чикимига доир операциялар акс эттирилишини текшириш учун 0610-0620, 5810,5820,5890 ва 9220 - счётлар буйича ҳисоб регистрлари маълумотларидан фойдаланилади. Бунда аудитор корхонада ҳисоб услубиёти ва молиявий инвестициялар суммасини шакллантирадиган хакикий харажатларни акс эттириш талабларига риоя килинишига ишонч хосил килиш лозим.

Капитал инвестициялар аудитида даставвал, ушбу активларнинг колдиклари баланс маълумотлари (оборот ведомостлари) оркали текширилиб чикилади. Балансдаги маълумотлар оборот ведомости хамда бошка регистрлардаги маълумотларга мувофик келиши керак.

Аудитор 0800 «Капитал инвестициялар» счётидаги операцияларнинг конунийлиги, тўғри ҳисобга олинганлигини текширади. Ушбу счётнинг колдиғи узок муддатга инвестиция килинган маблағларни ифодалайди. Капитал қуйилмалари қурилиш жараёнида янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олинганда амалга оширилган бўлади. Аудитор ушбу счёт оркали капитал курилишига сарф бўлган моддий ва молиявий ресурсларнинг миқдорини

текширади. Капитал қуйилмаларига сарф бўлган қурилиш материаллари – 1000 «Материаллар» счёти орқали, ўрнатилган асбоб-ускуналар 0700 «Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар» счёти орқали, иш ҳақи ҳаражатлари эса 6710 «Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти орқали текширилади. Бошқа харажатлар 5010, 5110, 6010, 6990 счётлар орқали аудит қилинади. Капитал қуйилмалари орқали қурилган ва кирим қилинган асосий воситалар 0100 «Асосий воситалар» ва 0800 «Капитал қуйилмалари» счётлари орқали ўзаро текширилади. Текшириш жараёнида ҳар бир харажатнинг максадлигига ва қонунийлигига алохида эътибор берилади. Қурилиш ташкилотларининг амалиётида тўлиқ тугатилмаган ишлар « тугатилди» деб расмийлаштирилиши ёки «кўшиб ёзиш» ҳоллари бўлиши мумкин. Аудитор бундай ноқонуний операцияларни қурилиш сметалари, калькуляциялар, хизмат таърифлари, бинони топшириш – қабул қилиш ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар орқали текширади.

«УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. Асосий воситалар аудитига оид кейслар

----/----

Корхона офисида фойдаланилаётган, бошланғич қиймати 620 000 сумлик ва ҳисобланган эскириш суммаси 220 000 сумлик булган нусха кўчириш аппарати (ксерокс) моддий жавобгар шахс айби билан яроксиз халга келди. Ушбу операция буйича корхонада далолатнома тузилди ва шу далолатнома асосида бухгалтер куйидаги бухгалтерия ёзувларини берган:

	Дт	Кт	Сумма
1.	9210	0140	620 000
2.	9210	0240	220 000
3.	9310	9210	400 000

Талаб қилинади:

а) бухгалтерия ёзувларидаги хатоликни аниклаш

б) аникланган хатоликни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш

----/----

2007 йил 02 январда сотиб олинган автомашинанинг бошланғич қиймати – 10000000 сўм, хизмат муддати – 5 йил, йиллик эскириш меъёри – 20%. Ҳисоб сиёсатига кўра корхонада 2007 йилда эскириш кумулятив усулда ҳисобланган. Корхона бухгалтери солиққа тортиладиган фойда суммасини ҳисоблашда бир маромли эскириш ҳисоблаш усули бўйича қайта ҳисоб-китоб қилмаган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери йўл қўйган хатони ва унинг натижасида солиққа тортиладиган фойда суммасидаги четланишни аниқлаш.

2-илова. Номоддий активлар аудитига оид кейс

----/----

«1-С Бухгалтерия» дастурининг бошланғич қиймати – 2 000 000 сўм, хизмат муддати – 5 йил, йиллик эскириш меъёри – 20%. Ҳисоб сиёсатига кўра корхонада номоддий активларга эскириш тезлаштирилган усулда, яъни қолдик қийматдан 40 % миқдорида ҳисобланади. Корхона бухгалтери солиққа тортиладиган фойда суммасини ҳисоблашда хам ушбу усулни қўллаган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери йўл қўйган хатони ва унинг натижасида солиққа тортиладиган фойда суммасидаги ҳамда фойда солиғи суммасидаги четланишни аниқлаш (фойда солиғи ставкаси – 8%).

4-Мавзу: ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРНИНГ АУДИТИ

Маъруза режаси:

1.Товар-моддий заҳираларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таркибий тузилиши
2.Ишлаб чиқариш захираларининг аудити
3.Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг аудити
4.Тайёр маҳсулотларнинг аудити

1.Товар-моддий заҳираларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таркибий тузилиши

Товар-моддий захиралар – корхонанинг жорий активлари таркибига кирувчи моддий активлар.

Товар-моддий захираларнинг таркибий тузилиши:



Товар-моддий захираларини аудиторлик текширувидан утказишнинг максади-уларнинг сакланиши, тежамли ва окилона ишлатилиши, ҳисобга олишнинг туғри ташкил этилишини аниклашдан иборат. Шунингдек,ҳисобот курсаткичларининг ишончлилигини ва товар-моддий захиралар билан боғлик операциялар ҳисоби ва соликка тортиш услубининг Узбекистон Республикасида амал килаётган конунчилик хамда меъёрий хужжатларга мувофиклигини аниклаш лозим. Ушбу максадга операциялар мохиятини, хамда назорат тузулмаси ва бухгалтерия хисоби тизимини текширувдан утказиш ва хатарларни бахолаш оркали эришилади. Захираларни текшириш, улар хажми катта булган корхоналарда аудитнинг асосий кисми деб каралади.

2. Ишлаб чиқариш захираларининг аудити

Ишлаб чикариш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва фирмаларда материаллар, уларни тўғри бахолаш, ҳисобга олиш ҳамда назоратини

таъминлаш алоҳида ўрин тутади. Чунки, ишлаб чиқариш захиралари тайер махсулотларнинг таннархига киритилади.

Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш туфайли янги махсулот таннархида моддий харажатлар улушининг камайишига олиб келади. Натижада харидорларнинг сотиб олиш қобилиятига мос бўлган кўплаб тайёр махсулотлар ишлаб чиқилади. Шунинг учун хом ашё ва материаллар аудитининг муҳим объектларига киради.

Аудитор тузилган шартномага асосан ишлаб чиқариш захираларини қуйидаги тартибда ва кетма-кетликда аудит қилади:

- корхонадаги материаллар қолдиғини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари орқали аниқлайди;
- ишлаб чиқариш захираларининг ҳақиқий қолдиқлари ҳисоблаб чиқилади;
- ишлаб чиқариш захиралари нархининг туғри қўйилиши ва унга амал қилиниши текширилади;
- материаллар ҳаракатининг туғри ҳужжатлаштирилганлиги ва бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилиши аудит килинади;
- ишлаб чиқариш захираларининг махсулот таннархига тўғри олиб борилганлиги таҳлил қилинади.

Аудитор ишлаб чиқариш захираларини текширганида қуйидаиларга эътибор бериши керак: ишлаб чиқариш жараёнининг ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланиш даражаси, материалларга булган талабнинг нечоғлиқ асосланганлиги, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кетадиган асосий ва қўшимча материаллар меъёрининг тўғрилиги, корхонада ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш захираларига бўлган эҳтиёжнинг узгариши, мол-етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг асослилиги, хом аше, материаллар нархларининг асослилиги, ортиш-тушириш ва ташиш харажатларининг туғрилиги ва бошка операциялар.

Ишлаб чиқариш захиралари назоратини таъминлаш, улардаги нархларнинг (баҳоларнинг) тўғрилиги ўта муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кохоналарида ишлаб чиқариш захираларининг манбайи, тури ва баҳоси ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин, улар маҳсулот таннархига тўғри олиб борилиши керак. Хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаб чиқариш захираларининг таннархи, бахолари куйидаги усулларда аникланиши ва юритилиши мумкин:

- ишлаб чиқариш захираларининг алоҳида таннархи бўйича;
- ўртача таннарх бўйича;
- ФИФО усулида (даставвал сотиб олинган хомашё таннархида);
- ЛИФО усулида (охирида сотиб олинган хом ашё таннархида).

Ишлаб чиқариш захираларининг қолдиғи бухгалтерия балансининг актив кисми, иккинчи бўлинмасида акс эттирилган бўлади. Ушбу қолдиқ моддий ресурсларнинг ҳақиқий миқдори билан солиштирилади. Бунинг учун аудитор ташаббуси билан хомаше, материалларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Инвентаризация жараёнида материалларнинг сифатига (ярокли-яроксизлигига), белгиланган фойдаланиш муддатларига алоҳида эътибор берилиши керак.

Ишлаб чиқариш захираларининг ҳақиқий қолдиғи аниқлангандан сўнг уларнинг ҳаракати, яъни келиб тушиши (сотиб олиниши) ва фойдаланиши текширилади. Бундай текширув ишлаб чиқариш захиралари ҳаракатини ифодаловчи ҳужжатлар оркали амалга оширнади. Аудитор ишлаб чиқариш захиралари бўйича ишончномалар, счёт-фактуралар, кирим накладнойлари, чиким накладнойлари, буюртма-накладнойлар, лимитланган варақалар ҳамда ҳисоб регистрларидан кенг фойдаланади.

Аудитор ишлаб чиқариш захиралари ҳаракатини текширганда ушбу масала бўйича «Ҳисоб сиёсати» ва унга қандай амал киланаётганлигига алоҳида эътибор бериши керак. Бунинг учун ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишнинг БҲМСдан, аудит стандартларидан кенг фойдаланилади. Аудитор бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган 1000 «Ишлаб чиқариш захиралари» счётини қуйидаги йўналишлар бўйича текширади:

- ишлаб чиқариш захираларининг ҳисобга олиниш тартиби;
- ишлаб чиқариш захираларининг бухгалтерия ҳисобида баҳоланиш тартиби;
- ишлаб чиқариш захираларининг махсулот таннархига тўғри олиб борилганлиги;
- ишлаб чиқариш захиралари инвентаризациясининг вақтида ўтказилганлиги;
- ишлаб чиқариш захиралари ҳаракати бўйича хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счетларида тўғри акс эттирилганлиги.

Аудит жараёнида қуйидаги операциялар ва бухгалтерия ёзувларига эътибор берилади: таъминотчилар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар (1000, 6010, 5110 счетлардаги ёзувлар), материаллар бўйича таъминотчиларга билдирилган даъволар (1000, 6010, 4310 счетлардаги езувлар), бошқа манбалардан келиб тушган материаллар бўйича ҳисоб-китоблар (1000, 4610, 5010, 8530 ва бошқа счётлардаги ёзувлар). Ишлаб чиқариш захиралари бўйича қўшилган қиймат солиғи билан боғлик бўлган операциялар (6010, 4410, 6410, 5110 счётлардаги ёзувлар), ишлаб чиқариш захираларининг ишлатилиши ва сотилиши билан боғлиқ бўлган операциялар (2010, 9220, 4010, 5110 счётлардаги ёзувлар), ишлаб чиқариш захираларининг кам чиқиши, ундирилиши, ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган операциялар (1000, 9220, 5910, 4730, 6710 ва бошқа счётлардаги ёзувлар) чуқур текшириб кўрилади.

Аудитор корхонада ишлаб чиқариш захираларининг турлари, сақланиш жойлари бўйича ҳисобга олиниш тартиби билан якиндан танишади. Бу максадларга материалларнинг аналитик ҳисоб регистрлари (китоблар, журналлар, карточкалар, машинограммалар), моддий-жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари текширилади. Бухгалтерия ҳисобидаги хомашё, материалларнинг синтетик ҳисоб маълумотлари аналитик ҳисоб маълумотларига мос келиши, ўзаро монанд бўлиши керак. Аудиторлик текширув натижалари маълум тартибда умумлаштирилади ва расмийлаштирилади.

3. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг аудити

Ушбу харажатлар гуруҳи иқтисодий мазмунига кўра маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархининг таркибини ташкил этувчи қуйидаги элементларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чегирилиб ташланган ҳолда).

2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари.

3. Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта ажратмалари.

4. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номод-дий активлар эскириши.

5. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Шунинг учун аудитор ҳар бир харажат элементи таркибининг «Низом»га мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ишлаб чиқариш моддий харажатлари бўйича аудитор қайтариб олинадиган чиқиндилар қиймати ва идиш хамда ўраш материаллари қиймати уларни сотиш, фойдаланиш ёки омборга кирим қилиш мумкин бўлган нархда баҳоланиб, маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан чегириб ташланганлигини аниқлаши зарур. (1. 1. 11-банд). Шунингдек, мазкур элемент бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати уларни сотиб олиш нархидан, шу жумладан бартер келишувларида, қўшимча нарх(устама)дан, таъминловчи, ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан брокерлик хизматлари билан бирга, божлар ва йиғимлардан, юклаш-тушириш ҳамда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланишини ҳам назарда тутиши зарур (1. 1. 12-банд).

Булардан ташқари аудитор маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига олиб борилган моддий ресурсларни баҳолашнинг тўғрилигини ҳам текшириши керак. №4-«Товар-моддий захиралар»номли БҲМСга мувофиқ ҳар бир хўжалик юритувчи субект материалларни баҳолаш усулларидан (ФИФО, АВЕКО) бирини танлайди ва **ҳисоб юритиш сиёсатида** акс эттиради.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари. Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархининг мазкур элементини текшириш-да аниқланадиган асосий хатобу **харажатларнинг ишлаб чиқариш йўналиши тамойилига** риоя қилмасликдир. Аудитор иш ҳаки ҳисоблашга доир дастлабки хужжатлар (*иш вақтини ҳисобга олиш табели, ишбай ишлар учун наряд*лар, ҳисоблашув тўлов ведомостлари)ни текшириш чоғида бошқа фаолият турлари (курилиш, маданий-маиший ва ш. ў)да банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг асосий фаолиятдаги маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига кўшилиш фактларини аниқлаши керак. Бунга 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»ва 6720-«Депонентланган меҳнат ҳақи» *счётларининг кредити* бўйича маълумотларнинг иш-лаб чиқаришга олиб борилган қисмини, йиғма меҳнат ҳақи ведомостининг уни ҳисоблаш қисми бўйича жами кўрсаткичлари билан солиштириш орқали

эришилади. Қоидага кўра, йиғма ведомостнинг жами маълумотлари, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган счётларнинг дебети бўйича маълумотларга қараганда кўп бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта ажратмалари. Бу элементга буджетдан ташқари мажбурий фондларга қонунчилик билан белгиланган меъёрларга мувофиқ ажратиладиган тўловлар киради. Масалан, меҳнат ҳақи фондидан суғурта фондига мажбурий ажратмалар, нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар, бандлик хизматига ажратмалар шулар жумласидандир. Бундай ажратмаларнинг маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига олиб борилишини текширишда буджетдан ташқари фондларга тўланадиган бадалларни ҳисоблаб чиқариш манбаларининг меҳнат ҳақи фондининг ўзини ҳисоблаб чиқариш манбасига бевосита боғлик эканлигига эътибор бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, тўлов манбаси қандай бўлса, бадалларни тўлаш манбаси ҳам шундай бўлади, бу эса ёхуд таннарх, ёхуд корхонанинг ўз хусусий маблағлари бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши. 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қуйидаги усуллари тавсия қилинади:

1. Бир текис (тўғри чизикли) усул.
2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб усул(ишлаб чиқариш усули).
3. Асосий воситалар фойдали хизмат қилиш муддати йиллар сонининг йиғиндиси бўйича ҳисобдан ўчириш усули (кумулятив усул).
4. Камайиб борувчи қолдиқ усули.

Аудитор корхонада ушбу усуллардан биттаси танлаб олиниб, **ҳисоб сиёсати** тўғрисидаги буйруқ билан расмийлаштирилганлигини аниқлаши лозим. Шунингдек, танланган усулнинг ҳисобот йили давомида ўзгармаганлигига, агар ўзгарган бўлса сабабини ва бу ҳақда ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруққа ўзгартиш киритилганлигига эътибор бериши керак. Асосий воситалар обектларининг фойдали хизмат қилиш муддатлари уларни балансга қабул қилиш пайтида аниқланади. Амортизация ҳисоблаш асосий воситалар обектларининг бутун фойдали хизмат қилиш муддати давомида тўхтатилмайди.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар рўйхати «Харажатлар таркиби. . . . тўғрисидаги Низом»да батафсил келтирилган. Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатиш харажатлари; ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, дастгохлар, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ҳамда буюмлари билан таъминлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш воситаларини ишчи ҳолатида сақлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш воситаларини хўжалик усули билан барча турдаги (жорий, ўрта, капитал) таъмирлашлар ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли моддалари бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилади.

Бундан ташкари, зарур холларда айрим тармоклар хўжалик юритувчи субектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун захира (манба) яратишлари мумкин. Ушбу захирани яратиш учун қилинган ажратмалар ҳам мазкур элемент таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар киймати ҳамда ҳар бир асосий восита обектини капитал таъмирлашнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аникланади. Захира учун ажратмалар меъёри ҳар ҳисо-бот йили охирида қайта кўриб чиқилиб, зарурат бўлганда янги молия йили учун ўзгартирилиши (кўпайтирилиши ёки камайтирилиши) мумкин.

Ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субектларнинг техникадан фойдаланиш қоидаларида кўрсатилган бошка махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари ҳам текширилади.

Идорадан ташкари қўриклаш харажатларини, бундай қўриклаш талаб қилинадиган мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган-дагина, махсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиш мумкин.

«Харажатлар таркиби. . . . . тўғрисидаги Низом»га мувофик ишлаб чикариш фаолиятига тааллукли жорий ижарага олиш билан боғлик харажатлар ҳам махсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилади. Ижара тўловларини махсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиш бўйича Низомда хеч кандай чеклашлар кўзда тутилмаган. Хусусан, жорий тартибда ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобдан ўчириш кўплаб мунозарали масалаларни юзага келтиради.

Махсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблашни текширишда аудитор қуйидагиларнинг тўғрилигини аниқлайди:

* махсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат) учун қилинадиган харажатларнинг туркумланишини;
* харажатларни калкуляция моддалари бўйича ҳисобга олиш ва ҳи-собдан чиқариш (таксимлаш);
* яроқсизлик (брак) дан ва бекор туриб колишдан кўрилган йўқо-тишлар;
* тугалланмаган ишлаб чиқаришни аниқлаш;
* билвосита сарфларни таксимлаш;
* харажатларни ҳисобга олиш ва махсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблаш усулларини қўллаш;
* ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга доир счётларнинг ўзаро боғланиши (корреспонденсияси)ни тузиш;
* ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма, аналитик ва синтетик ҳисобини юритишни;
* харажат счётлари бўйича аналитик ва синтетик ҳисоб ёзувларининг бош дафтар ҳамда балансдаги ёзувларга мос келиши.

4. Тайёр махсулотларнинг аудити акс эттирилган слайдлар.

Тайер махсулотлар барча ишлаб чикариш жараёнини утаган, сотишга мўлжалланган корхонанинг махсулоти ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги бевосита тайёр махслотларнинг

ҳажми ва сифатига боғлиқ бўлади. Тайёр маҳсулот буюртмага асосан ва сифатли қилиб ишлаб чиқарилган бўлса, ундан хам ишлаб чикарувчи, хам сотиб олувчи самара кўради.

Тайёр маҳсулотнинг аудитида қуйидагилар аникланади:

- тайёр махсулотларнинг тугри кирим килинганлиги;
- тайёр маҳсулотлар хакикий таннархининг асослилиги;
- тайёр махсулотлар инвентаризаиясининг тугри утказилганлиги;
- тайёр маҳсулотлар таннархидаги фаркларнинг тугри ҳисобланганлиги;
- тайёр махсулотлар реализаиясининг тугри амалга оширилганлиги;
- тайёр маҳсулотларнинг моддий жавобгар шахслар буйича туғри сакланиши;
- тайёр маҳсулотлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счетларида асосли юритилиши;
- тайёр махсулотларни сотишдан олинган молиявий натижаларнинг тўғрилиги.

Тайёр махсулотларни аудит килишда куйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилади: тайер махсулотларни кабул килиш далолатномаси, кирим накладнойлар, тайер махсулотларни омборхоналарда ҳисобга олиш регистрлари, тайер махсулотларни ишлаб чикариш ведомости, сотиб олувчилар билан тузилган шартномалар, счет- фактуралар, товар-транспорт накладнойлари, банк хужжатлари, соликлар буйича ҳисоб-китоблар ва бошка хужжатлр.

Аудитор тайер махсулотларни аудит килишда куйидагиларга эътибор бериши керак:

- корхонада тўлиқ ҳисобга олинмаган хомашёлардан ишлаб чиқарилган тайёр махсулотларнинг мавжудлигига;
- моддий жавобгар шахслар томонидан ҳақиқий тайёр маҳсулотларнинг тулиқ кирим қилинмаслик ҳолатларнинг мавжудлиги;
- тайёр махсулотлар таннархи хамда сифатининг меъёрнома талабларига мос келиш-келмаслиги;
- харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларнинг туликлигига;
- сотиб олувчилар томонидан қайтарилган тайёр махсулотларнинг мавжудлиги ва уларнинг сабабларига;
- тайёр махсулотлар таркибидаги яроксиз (брак) маҳсулотларнинг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабабларига;
- тайёр махсулотлар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобида туғри юритилишига.

Корхоналар фаолиятида яна куйидаги ноконуний операцияларга йул куйилган булиши мумкин.: тайёр махсулотларни баҳолаш ва ҳисобга олиш «Корхонанинг ҳисоб сиёсати» талабларига мос келмаслиги, махсулот таннархидаги фарклар нотуғри аниқланганлиги, жўнатилган ва сотилган тайер махсулотлар ҳажмида фарклар келиб чикиши, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларида фарклар (номувофиқлик ҳоллари) бўлиши мумкин. Тайёр маҳсулотлар корхона бухгалтериясида 2800 «Тайёр махсулотлар» счетида юритилган бўлади. Ушбу счетдаги колдик (сальдо) бухгалтерия балансининг

актив қисми, иккинчи бўлинмасида кўрсатилади. Аудитор ушбу қолдиқнинг туғрилигини оборот ведомостлари, Бош китоб маълумотлари билан ўзаро солиштириб кўриши керак.

Тайёр махсулотлар ҳаракатининг ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари оркали аудит қилинади: ишлаб чиқаришдан олинган тайёр махсулотлар 2800 «Тайёр махсулотлар», 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счетларидаги ёзувлар. Тайёр маҳсулотлар ушбу счетларда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида (ёки меъердаги таннархида) ифодаланган булади. Тайер махсулотларни сотиш (жунатиш) билан боғлиқ операциялар 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 9010 «Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромад», 2800 «Тайёр маҳсулотлар», 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счетлари оркали текширилади.

«ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРНИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. Товар-моддий захираларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг тавсифини очишга қаратилган «тармоқ» чизмаси.



2. Ишлаб чиқариш захираларининг аудити бўйича кейс

---//---

Корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ материаллар ҳисобини юритишда улар кийматини баҳолашнинг «ФИФО» усулидан фойдаланади. Қуйида «А» материал бўйича январ ойида унинг кирими ва чикимига оид ҳисоб маълумотлари келтирилган.

Сана	Кирим			Чиқим		
	Сони	Баҳоси	Суммаси	Сони	Баҳоси	Суммаси
1.01.га қолдиқ	**200**	**50**	**10 000**			
5.01	150	50	7 500	300	50	16 500
12.01	300	55	16 500	500	55	27 500
23.01	450	60	27 000	200	60	11 000
Жами	**900**		**51 000**	**1000**		**55 000**
1.02.га қолдиқ	**100**		**6 000**			

Талаб қилинади:

а) «А» материалнинг маҳсулот таннархига киритилган ҳамда ой охирида мавжуд бўлган қолдиғини ҳисоб-китоб қилиш бўйича йўл қўйилган четланишларни аниқлаш;

б) хатоларни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқиш.

---//---

Корхона омборида сақланаётган 100 000 сумлик материаллар яроқсиз ҳолга келган. Ушбу операция буйича корхонада далолатнома тузилган, унда яроқсиз ҳолатга келганликда омбор мудири айбдорлиги қайд этилган. Далолатнома асосида бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилган:

	Дт	Кт	Сумма
1.	9220	1010	100 000
2.	9430	9220	100 000

Талаб қилинади:

а) бухгалтерия ёзувларидаги хатоликни аниқлаш;

б) аникланган хатоликни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш.

3. Тайёр маҳсулотлар аудитини ёритишга оид «балиқ скелети»

Тайёр маҳсулотлар аудитида ўзаро солиштириладиган ҳужжатлар



5-Мавзу: ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРНИНГ АУДИТИ.

Маъруза режаси:

1.Дебиторлик қарзларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи
2.Товар операциялари бўйича дебиторлик қарзларнинг аудити
3.Бошқа турдаги дебиторлик қарзларнинг аудити.

1.Дебиторлик қарзларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи

Дебиторлик қарзлар деганда харидорлар ва буюртмачиларнинг сотилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек турли юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум мақсадларда олган маблағлари учун корхона олдидаги дебиторлик қарзлари тушунилади.

Дебиторлик қарзлари (олинадиган счётлар)нинг турлари:

Ҳисобот даврларига кўра:
- киска муддатли (бир йилгача)
- узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ)

Тўлов муддатига кўра:
- тўлов муддати ўтмаган (90 кунгача)
- тўлов муддати ўтиб кетган (90 кундан ортиқ)

Республикамиз конунларига мувофиқ 90 кундан тўлов муддати ошиб кетган дебиторлик қарзларига йўл қўйганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг рахбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий ва молиявий жазога тортилади.

Даъво муддатига кўра:
- даъво муддати ўтиб кетмаган (3 йилдан ошмаган)
- даъво муддати ўтиб кетган (3 йилдан ошиб кетган)

Муддати ўтиб кетмаган дебиторлик қарзлари асоссиз балансдан чиқарилмаслиги лозим.

Келиб тушиш эҳтимолига кўра:
- келиб тушуши шубҳали;
- келиб тушиши шубҳасиз бўлган дебиторлик қарзлари

Шубҳали дебиторлик қарзлар деганда, одатда, инкирозга учраган, фаолиятини тўхтатиб қўйган ёки умуман ёпилиб кетган, катта миқдорда кредиторлик қарзларга эга бўлган, тўлов қобилиятига эга бўлмаган, фаолияти учун суд ва прокуратура органлари олдида жавоб бераётган юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги қарзлари тушунилади.

Шубҳали қарзлар суд органлари оркали ундирилади, ундириш имконияти

бўлмаганда корхонанинг зарарига олиб борилади.

Характерига кўра:

- товар характеридаги;
- нотовар характеридаги дебиторлик қарзлари

Товар характеридаги олинадиган счётларга бевосита товар операцияларига дахлдор бўлган дебиторлик қарзлари, масалан харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари, таъминотчиларнинг олган аванслар бўйича қарзлари киради.

Бевосита товар операциялари билан боғлик бўлмаган олинадиган счётлар нотовар характеридаги дебиторлик қарзлари ҳисобланади. Уларга, масалан, ходимларнинг қарзлари, таъсисчиларнинг қарзлари, бюджет ва ижтимоий суғурта органларининг қарзлари ва бошқалар киради.

Дебиторлик қарзлар ҳисоблаш тамойилига мувофиқ хўжалик операциялари юз берган санадан бошлаб тан олинади.

Тан олинган дебиторлик қарзлари бошланғич (дастлабки) кийматда ва соф кийматда бахоланади.

Дебиторлик қарзлар бухгалтерия ҳисоби счётларида бошланғич кийматида, баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларида эса соф кийматида акс эттирилади

Дебиторлик қарзларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати деганда уларнинг вужудга келган санасидаги қиймати тушунилади. Ушбу қиймат бўлиб, одатда, счёт-фактура ва далолатномаларда кўрсатилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш баҳосидаги киймати ҳисобланади.

Дебиторлик қарзларнинг соф қиймати деганда харидор ва буюртмачиларга берилган пулли чегирмалар, савдо чегирмалари, улардан қайтиб келган товар-моддий бойликлар, шубҳали қарзлар суммалари айирилиб ташлангандан кейин, шунингдек чет эл валюталари курслари ва миллий валюта курси ўртасидаги фарклар ҳисобга олиб топилган киймат тушунилади.

Пулли чегирмалар – бу жами олинадиган счётлар суммасининг маълум бир қисмини рағбатлантириш воситаси сифатида харидор ва буюртмачилар ихтиёрида қолдириладиган кисми. Бундай чегирмалар, одатда, сотувчи томонидан дебиторлик қарзларни тезрок ўндириб олиш, шубҳали қарзларни вужудга келишининг олдини олиш максадларида берилади. Пулли чегирмалар олинадиган счётлар суммасига нисбатан фоизлар кўринишида ёки қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Савдо чегирмалари – бу товарларни тезроқ катта миқдорда сотиш максадида, шунингдек уларни реклама қилиш максадида харидорлар фойдасига сотиб олишда товарнинг сотиш баҳосидан камайтириладиган қисми.

Қайтарилган товар-моддий бойликлар киймати -- бу харидор ва буюртмачиларга жўнатилган, лекинда маълум сабабларга кўра улар томонидан қайтариб берилган, шунинг учун келиб тушадиган дебиторлик қарзлар суммасидан айириб ташланадиган қиймат.

2.Товар операциялари бўйича дебиторлик қарзларнинг аудити

Товар операциялари бўйича дебиторлик қарзлар 21-сон БҲМСга мувофиқ, қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

- 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»
- 4020 «Олинган векселлар»
- 4110 «Алоҳида ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар»
- 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар»
- 4310 «Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган бўнаклар»
- 4320 «Таъминочиларга ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун ўтказилган бўнаклар»
- 4330 «Бошқа берилган бўнаклар»

Аудитор 4010, 4020, 4110, 4120, 4310, 4320, 6310 счётлари бўйича ҳисоб юритиш ва назоратнинг ҳолати ҳамда қолдикларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш натижасида товар характеридаги дебиторлик қарзлар тўғрилигини текширади. Бу счётлар бўйича оборотларни текширишнинг муҳимлиги корхона фаолиятини баҳолайдиган асосий кўрсаткич - товарлар, маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотишдан олинадиган даромад кўрсаткичи бўйича ахборотларни шакллантириши билан изоҳланади.

Товар операциялари бўйича дебиторлик қарзларни текширишда 4010, 4020, 4110, 4120, 4310, 4320, 6310 счётлар бўйича ҳисоб регистрлари маълумотларининг Бош китоб ҳамда ўзаро алоқадор ҳисоб регистрлари маълумотлари билан тенглиги аниқланади. Бунда асосан 4010 – счёт дебети бўйича ёзувлар 9010, 9020, 9030, 9210, 9220 – счётларнинг кредити бўйича ёзувлар билан солиштирилади. Агар конун ёки олди-сотди шартномасида товарга мулкчилик ҳуқуқининг махсус тартиби кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда умумий коида бўйича мулкий ҳуқуқ мол етказиб берувчидан харидорга товарни жўнатиш вақтида ўтади ва дебет 4010-«Хари-дорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ва кредит 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»счёти ёзуви билан акс эттирилади. Бундай ёзув соликка тортиш мақсади учун қандай ҳисоб тартиби - «тўлов бўйича» ёки «жўнатиш бўйича» қабул қилинганидан қатъи назар амалга оширилади. Дастлабки ҳужжат ва 4010-счётнинг ҳисоб регистри бўйича маҳсулот жўнатилган санани таққослаш оркали муомалаларнинг ўз вақтида акс эттирилиши назорат қилинади.

Агар шартномада товарларга мулкий ҳуқуқ ўтишининг махсус тартиби кўзда тутилган бўлса, у ҳолда жўнатилган қийматликларга мулкий ҳуқуқ уларни жўнатиш вақтида эмас, балки пул тўланиш вақтида ўтиши мумкин. Бу ҳолда жўнатилган ва сотилган товарлар учун харидорларнинг қарзлари ҳам шундай ёзув билан, аммо пул тўланиш вақтига акс эттирилиши му-ҳимдир. Бу харидорлар билан чет эл валутасида ҳисоблашилганида ва харидор-лар билан шартли бирликларда ҳисоблашилганда ўта муҳимдир.

Муомалаларнинг ҳужжат билан асосланганлигини текшириш чоғида товар (маҳсулот, иш ва хизмат)лар баҳоси шаклланишининг шартнома шартларига мувофиқлиги ҳамда ҚҚС суммаси ва харидорларга тақдим килинган счётлар

бошқа элементларининг тўғрилиги аниқланади. Харидорлар томонидан счётларни тўлашнинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги 5110, 5210, 5220, 6310, 7310 счётлар билан богланадиган маълумотларни таққослаш ва аналитик ҳисоб регистрларидаги ёзувларни кўриб чиқиш йўли билан аниқланади.

Векселлар билан ҳисоб-китоб килинганида №21 БҲМС талабларига мувофиқ 4020 -«Олинган векселлар» счётини юритиш тартибига риоя килиниши ва харидорларнинг векселлар билан таъминланган қарзлари аналитик ҳисобининг ту-зилишига қатъи эътибор қаратилиши лозим. Бунда хусусан, векселларнинг тў-лов муддати, банкларда ҳисобга олинганлиги (дисконтлангани), ўз вақтида пули келиб тушмаганлари текширилиши зарур.

Шунингдек, олинган векселлар бўйича вексел фоизлари ва ҚҚС акс эттирилиши, вексел бўйича пул маблағларининг келиб тушиш чоғида (товарлар, қарама-қарши талаблар) вужудга келадиган мажбуриятлар тўғ-рилиги текширилади.

Текширув жараёнида харидорларнинг муддатлари ўтиб кетган дебитор қарзлари талаб қилинганлиги ва талаб қилинмаганлигини аниқлаб таҳлил қилинади. Дебитор қарзларни ҳисобдан ўчириш фактлари бўйича аудитор ушбу фактларнинг асосланганлиги ва тўғри акс эттирилганлигини аниқлайди.

Маҳсулот ва материалларни сотишга жўнатиш меъёрига қараб барча накладной маълумотлари тайёр маҳсулотларни сотишга доир ҳужжатлар реестрига ёзиб борилади. Реестрлар ички хўжалик бўлинмаларидан хўжалик бухгалтериясига топширилиб, уларнинг маълумотлари асосида «Қишлоқ хўжалик махсулот, материал, иш ва хизматлари реализациясини ҳисобга олиш ведомости тузилади. Реестрларда харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб - китоблар ҳар қайси тўлов ҳужжати бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб борилади. Ҳисобот ойи ичида тўланмаган суммалар, ундан кейинги ойда харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун хизмат кила-диган, янги салдо (қолдиқ) реестрига ҳар қайси тўлов ҳужжатидан ўтказилади.

Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб - китобларни текширишни бошлашдан олдин салдо (қолдиқ) реестрларида кўрсатилган қолдиқларнинг Бош дафтардаги 4010 –«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020 -- «Олинган векселлар», 6310 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётлари бўйича колдикларга тенг келишини аниқлаш зарур. Шунингдек, реестрларнинг ўз вақтида тўлғазилиши, бухгалтерияга топширилиши ва хўжаликнинг кассасига ёки ҳисоб-китоб счётига тушган тўловлар хакида белгилар (ёзувлар) мавжудлиги текширилади. Маҳсулот, материал, иш ва хизматлар реализацияси бўйича тўлов талабномаларининг ўз вақтида тўлғазилиши ва инкассага қўйилиши текширилади. Қарзларнинг вужудга келиш саналари ва тўлов муддати ўтиб кетган суммаларини салдо (қолдиқ) реестрлари бўйича аниқлаш зарур. Ушбу тўлов ҳужжатлари бўйича қарзлар ниҳоятда пухта текширилади. Чунки амалиётда харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» ва 4020 – «Олинган векселлар», счётларининг дебети-да, тўловларнинг келиб тушиши эса 6310 -- «Харидорлар ва буюртмачилар-дан

олинган бўнаклар» счётининг кредитида акс эттирилади, шунингдек, маҳсулот ва материаллар бир хўжалик ёки ташкилотга жўнатилиб, счёт эса адашиб бошқасига тақдим этилиши ҳоллари хам учрайди. Бунинг натижасида ноҳақ дебитор ва кредитор қарзлар вужудга келади.

Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текширишда корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан муддати ўтиб кетган дебитор қарзларни ундириш чоралари кўрилаётганлиги аникланади, ҳисоб-китобларни ўзаро таққослаш ва аникланган тафовутларни таккослаш далолатномаси тузиб тўғрилаш, шунингдек, қарзларни ўзаро сурищишга доир ишларнинг амалга оширилаётганлиги текширилади.

3. Бошка турдаги дебиторлик қарзларнинг аудити

Бошка дебиторлик қарзларга ходимларга берилган бўнаклар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга бўнак тўловлари, таъсисчиларнинг қарзлари, ходимларнинг турли қарзлари ва бошқа дебиторлик карзлар киради. Бошқа дебиторлик қарзларни текширишда, аудитор аввало уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниклаши зарур.

Текширишга киришишдан олдин ушбу дебиторлик карзларнинг тегишли колдиклари баланс-моддалари бўйича тўғри акс эттирилганлигини аниклаш лозим. Бунинг учун текшириш даври бошидаги бошқа дебиторлик қарзларнинг хар кайси тури юзасидан аналитик ҳисоб регистрларининг маълумотлари буйича ҳисоб китобларни ҳисобга олиш учун мулжалланган счётлар буйича колдиклари баланснинг тегишли моддалари колдиклари билан таккосланади. Сунгра дебиторлик қарзларнинг хар кайси тури алохида текширилади. Бунда аудитор карзнинг пайдо булиши сабабларини, у кимнинг айби билан ва качон пайдо булганлиги, уни ундириб олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини, яъни дебиторлар уз карзларини тан олган хатлар ёки ҳисоб-китобларни таккослаш далолатномалари мавжудлигини, даъво килиш муддатлари утказиб юборилмаганлигини, карзларни ёпиш ёки ундириш учун кандай чоралар курилаётганлигини аниклаши лозим.

Бошқа дебиторларлик қарзлар аудити буйича 4200, 4410, 4510, 4610, 4700, 4800 - счётларнинг ҳисоб регистрлари ва ҳисоботлардаги бухгалтерия ёзувлари хамда улардаги ҳисобда турган карзлар текширилади. Бошқа дебиторлик қарзларни текшириш услубиёти ва кетма-кетлиги товар операциялари бўйича дебиторлик қарзлар аудитига ухшаш.

Юкорида келтирилган счётларда ҳисобга олинадиган операцияларнинг хилма-хиллигини эътиборга олган холда, аудитор ҳисоб-китоблар ахволини тахлил килиш чоғида ушбу счётлар кулланишининг конунийтлигини аниклайди.

Дебитор карз суммаси катта булган ташкилотлардаги ҳисоб-китобларни тегишли хужжатлар билан таккослаб куриш тавсия килинади.Бундай карама карши текширувлар биринчи навбатда, савдо ва таъминот ташкилотларида утказилади.

Дебитор қарзларнинг даъво муддатлари, ҳамда дебитор қарзларни ундириш буйича хужалик судига мурожат килиш тартиби текширилади. Шунингдек, дебитор қарзларнинг инвентаризацияси ва унинг натижаларини тахлил килинади. Бунинг учун аудитор дебиторлар билан ҳисоб-китоб операцияларини аудиторлик текширувидан утказишни якунлашда аудитор ишчи хужжатлардаги маьлумотларни умумлаштиради ва 4200, 4410, 4510, 4610, 4700, 4800 счётлар буйича ҳисоб хамда ҳисобот маьлумотларининг ишончлилиги, ҳисобни юритиш туғрилигини бахолайди.

«ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРНИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. Дебиторлик қарзларининг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифини очишга қаратилган «тармоқ» чизмаси.



2. Доскага қуйидаги «балиқ скелети» чизилиб, унинг қарама-қарши жойлашган «қилтиқ»ларига товар характеридаги дебиторлик қарзлар аудитида бир-бирига солиштириладиган ҳужжатларни кетма-кет ёзиш талаб этилади.

Товар характеридаги дебиторлик қарзларнинг аудити



3.Талабалар 4 гуруҳга ажратилиб, 1-гуруҳдан бюджетга бўнак тўловларини, 2-гуруҳдан таъсисчилардан олинадиган счётларни, 3-гуруҳдан ходимларга берилган бўнакларни ва 4-гуруҳдан олинадиган фоизларни аудит қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни кўргазмали тарзда презентация қилиш талаб этилади.

6-Мавзу: ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ АУДИТИ

Маъруза режаси:

1.Пул маблағларининг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи
2.Касса операцияларининг аудити
3.Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг аудити
4.Валюта счётидаги ва бошка турдаги пул маблағларининг аудити

1. Пул маблағларининг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи

Пул маблағлари деганда ўта тез ликвидлик характерига эга бўлган, барча муносабатларда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган, давлат томонидан қоғозли ва металли кўринишда маълум кийматларда чикариладиган махсус товар тушунилади.

Пулнинг вазифалари:
- киймат ўлчови
- тўлов воситаси
- операция воситаси
- жамғариш воситаси

Пулнинг турлари:

1.Куринишига кура:
• Миллий валютадаги пул маблағлари
• Чет эл валютасидаги пул маблағлари

Турган жойига кура:
• Кассадаги пул маблағлари
• Йўлдаги пул маблағлари
• Банкдаги пул маблағлари

2. Касса операцияларининг аудити

Касса операциялари аудитида дастлаб аникланади:

-текширилаетган корхонада битта ёки бир нечта кассир (ёки шунга ваколатли шахслар) ишлашини;

-кассирнинг факат текширилаётган корхонада ишлаши ёки уриндошлик асосида бошка корхоналарга хам хизмат курсатиши;

-кассирнинг касса операцияларини юритиш коидалари билан танишганлиги.

Қуйидаги тартибга риоя килиши лозим:

- кассани текшириш текширилаётган корхона бош бухгалтери ва кассири иштирокида амалга оширилади;

- текшириш пайтида бошка шахслар катнашиши мумкин эмас;

- текшириш пайтида барча касса операциялари тухтатилади;

- текшириш имкони булмай колганда ёки бир неча касса булганда уларнинг барчаси аудитор томонидан мухрланиб, калитлар кассирда, мухр эса аудиторда сакланади;

- инвентаризация тугаганидан сунг аудитор текширувда аникланган пул маблағларининг суммаси хакида алохида (оралик) далолатнома тузади;

- турли шахсларнинг тилхатлари, тулик расмийлаштирилмаган касса чиким ордерлари, ведомостлар, счётлар ва бошка шунга ухшаш хужжатлар кассадаги накд пул колдигига кушилмайди ва аудитор томонидан исботловчи касса хужжати сифатида кабул килинмайди;

- кассада сакланаётган барча пул ва бошка кимматликлар аудитор томонидан текширилаётган корхонага тегишли деб хисобланади;

- кассада ошикча чиккан пул ёки камомадни текшириш далолатномасида курсатади ва айни пайтда ошикча чикиш ёки камомад сабаблари хакида кассирдан ёзма тушунтириш хати олади.

Аудитор туғри расмийлаштирилган касса хужжатларини кассирга ҳисобот тузиш ва унда текширув пайтида булган колдикни курсатиш учун беради. Текширув пайтида кассада иш хаки тулик таркатилиб улгурмаган ведомостлар бор булса, аудитор бош бухгалтер ва кассирга ведомостларни белгиланган тартибда кушишни таклиф этади. Агарда кассани текшириш, иш хаки таркатиш даврига туғри келиб, куп ходимларга иш хаки таркатилмаган ведомостлар булса, бундай ведомостлар кассир ҳисоботига кушилмасдан, далолатномада касса ҳисоботига киритилмаган, кисман туланган чиким хужжатлари (тулов ведомостлари) сифатида ёзиб куйилиши мумкин. Бу холда хар бир тулов ведомостида кайси тартиб раками буйича иш хаки берилганлиги ва унинг жами суммаси курсатилади. Ушбу ёзув кассир, бош бухгалтер ва аудитор имзолари билан тасдикланади.

Шунингдек, кассани текширишда кассада сакланаётган кимматли коғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар ва бошкалар), ЁММ талонлари, катъий ҳисобот бланкалари, санатория ва дам олиш уйлари йулланмалари, авиачипталар ва бошка кимматли коғозлар хам текширилиб, уларнинг мавжудлиги далолатномада курсатилади.

Бутун текширилаётган даврга тегишли барча касса хужжатлари ёппасига текширилиши шарт.

Аудитор банкдаги ҳисоб китоб счётидан олинган пулларни тулик ва уз вактида кирим килинганлигини текширишда операцияларни узаро таккослаш усулини куллайди. Бунда № 1-журнал ордерининг ведомост томонида 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётининг дебети буйича акс эттирилган суммаларни №2-журнал ордерда акс эттирилган. 5110 «Ҳисоб китоб счёти»нинг кредит оборотлари билан солиштирилади улар бир-бирига туғри келиши шарт.

Туғри келмаслик холлари учраганда суммалар касса кирим ордерлари, банк кучирмалари, кассир ҳисоботлари, чеклар корешоклари билан солиштирилади, зарур холларда эса бевосита банк муассасасида текширилади.

Агар банк кучирмаларида учирилган, туғриланган, шунингдек, колдиклар туғри келмаса, банкдаги ҳисоб китоб счётидан ишончли кучирмани олиш зарур.

Касса операцияларини текширишда касса ҳисоботига илова килинган хужжатларнинг куйидаги шаклларидан фойдаланилади: КО 3 ёки КО 3 а шакл. «Кирим ва чиким касса хужжатларини руйхатга олиш журнали», ордерсиз расмийлаштириладиган пул кирими хужжатлари, КО 4 шакл «Касса дафтари», КО 5 шакл «Кассир томонидан кабул килинган ва берилган пулларни ҳисобга олиш дафтари», 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020-«Хорижий валютадаги пул маблаглари», 5520-«Чек дафтарчалари», 5610-«Пул эквивалентлари», 5620-«Йулдаги пул маблағлари» ва 5810-«кимматли когозлар» счётлари юритиладиган ҳисоб регистрлари (Журнал ордерлар, ведомостлар, дафтарлар, Бош китоб, тегишли санага тузилган баланслар ва бошкалар).

Бунда касса хужжатларини расмийлаштиришга хам эътибор бериш зарур, хусусан хар бир хужжатда олувчилар имзоси борлиги; кирим хужжатларига «олинди» деган, чиким хужжатларига эса «туланди» деган штамплар босилганлиги хамда уларнинг санаси курсатилганлиги, шунингдек, уларда учирилган ва тузатилган излар йуклиги аникланиши лозим.

Амалиётда кассага доир суистеъмол килишлар асосан иш хаки ва ҳисобдор суммалар буйича куп учрайди. Бунда ведомостларга «улик жонлар»ни киритиш, берилиш лозим булган жами суммани ошириб курсатиш, касса ҳисоботига кайта кушиш максадида чиким хужжатларини олдинги касса ҳисоботларидан чикариб олиб санасини узгартириш ва тузилаётган касса ҳисоботига киритиб, ундаги суммани иккинчи марта ҳисобдан чикариш ҳоллари хам учрайди.

3. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг аудити

Аудитор дастлаб корхона ва банк уртасидаги узаро муносабатларнинг юридик асосларини аниклайди, банк хизмати курсатиш туғрисидаги шартноманинг Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси нормаларига *мувофиклигини текширади.*

Банкдаги счётларга доир операцияларнинг хужжатлар билан расмийлаштирилишини текшириш.

Банкдаги счётлар буйича пул маблағлари кирими ва чикимига доир операциялар банкда тегишли дастлабки хужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу дастлабки хужжатларнинг шакллари ва тулдириш тартиби Узбекистон Республикаси Марказий Банки йурикномаларида белгиланган. Бундай хужжатларга *куйидагилар киради:*

-банк кучирмалари; тулов топширикномаси, тулов талабномаси, тулов топширикнома-талабномаси, тулов ордери, инкасса топширикномаси (фармойиши), ҳисоб-китоб счётига накд пул топшириш учун эълон, валютани мажбурий сотиш учун топширикнома, валюта сотиб олиш учун топширикнома, резидентнинг сотиб олинган валютани сумга айлантириш туғрисидаги фармойиши ва бошкалар;

-банк ҳисоб-китоб хужжатларига илова килинадиган ва амалга оширилган операцияларнинг конунийлигини асословчи дастлабки хужжатлар.

Аудитор хужжатларнинг туғри расмийлаштирилишини текширади, хужжатларни арифметик текширув ва банкдаги счётлар буйича амалга оширилган операцияларнинг конунийлигини текширувдан утказади.

Бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилигини тасдиклаш учун ундаги курсаткичларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб, банк кучирмаси маълумотларига мослигини текшириш керак. Бундай текширувни куйидаги чизма буйича амалга ошириш максадга мувофик.

Бухгалтерия баланси (№1 - шакл)	Балансдаги «ҳисоб-китоб счёти»,«Валюта счёти», «Бошка пул маблағлари» моддаларининг курсаткичлари
Бош китоб	5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220-«Хориждаги валюта счётлари», «Банкдаги махсус счётлар» (5510-5520-5530) буйича колдиклар
Йигма синтетик ҳисоб регистрлари (дебет ва кредит буйича колдик ва оборотлар)	5110-«Ҳисоб-китоб счёти», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220-«Хориждаги валюта счётлари», «Банкдаги махсус счётлар» (5510-5520-5530) буйича йигма синтетик ҳисоб регистрлари курсаткичлари
Банкдаги счётлар буйича синетик ҳисоб регистрлари (дебети ва кредити буйича колдик ва оборотлар)	Банкдаги хар бир счёт буйича регистрлар курсаткичлари
Банкдаги хар бир счёт буйича банк кучирмаси	Ҳар бир счёт буйича ҳисобот санасига пул маблағлари колдиклари

Текширувдаги мазкур амаллар аудиторининг ишчи хужжати билан расмийлаштирилади. Тафовутлар аникланганида фарк суммаларини курсатиш ва уларнинг сабабларини очиб бериш зарур.

4. Валюта счётидаги ва бошқа турдаги пул маблағларининг аудити акс эттирилган слайдлар.

Банкдаги валюта счётлари буйича операцияларни текшириш чоғида аудитор куйидагиларга алохида эътибор каратиши лозим:

-жорий валюта операциялари ва капиталнинг харкати билан боғлик валюта операциялари ҳуқуқий режимига риоя килиниши;

-валюта операцияларини амалга ошириш учун Узбекистон Республикаси Марказий Банкининг лицензиясига эга булган, ваколатли банклар оркали валюта операцияларини амалга ошириш;

-ваколатли банкларда айрим валюта операцияларини амалга ошириш учун Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан бериладиган рухсатномалар ва лицензияларнинг мавжудлиги;

-юридик шахс-резидентлар томонидан улар ихтиёрида мавжуд булган, легал келиб чикишга эга валюта маблағлари чегарасида чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

-5210-«Мамлакатимиздаги валюта счётлари» счёти буйича очилган «Транзит валюта счётлари», «Махсус транзит валюта счётлари», «Жорий валюта счётлари», «Хориждаги валюта счетлари» субсчётларидаги валюта маблағларига доир операциялар ҳисоби.

Валюта тушумининг тулик кирим килинишини текшириш учун йил давомида тушган валюта суммасини экспорт килинган товар киймати билан таккосланади.

Валюта счётига доир операцияларини текшириш чоғида валюта сотиш ва сотиб олишга доир операцияларнинг туғри акс эттирилганлигига алохида эътибор каратиш лозим. Чунки корхоналар бухгалтерлари куп холларда ҳисобга олиш услубиётида хам, курс фаркларини ҳисоб-китоб килишда хам ва валютани сумга ҳисоблаб утказишда куплаб хатоларга йул куядилар.

Валютани сотиб олишга доир операцияларнинг валюта конунчилигига ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибига мувофиклигини текшириш куйидаги тартибда утказилади

Текшириладиган масала	Қайси меъёрий хужжатга мувофик
Валюта конунчилигига риоя килиниши.	
1. Валютани сотиб олиш максади: - жорий валюта операцияларини амалга ошириш учун; - капиталнинг харакати билан боғлик валюта операцияларини *амалга ошириш учун.*	
2. Капиталнинг харакати билан боғлик валюта операцияси Узбекистон Республикаси Марказий Банкининг махсус рухсати (лицензиясини) талаб килмайдиган операциялар каторига *кирадими*	
3. Капиталнинг харкати билан боғлик операцияларни амалга ошириш учун Марказий Банк рухсатномаси мавжудлиги	
4. Сотиб олинган валютанинг сотиб олиш учун топширикда курсатилган асосга мувофик максадли тайинланиши буйича ишлатилганлиги	
5. Махсус транзит счётдан валютани максадли тайинланиши буйича хисобдан учириш муддатларига риоя килиниши	
6. Сотиб олинган чет эл валютасини яна сотиш буйича операциялар амалга оширилганлиги	
7.Импорт товарлар кийматини божхонада расмийлаштирилгунга кадар валюта маблағларини сотиб олиш шартларига риоя килиниши сумдаги депозит очиш.	

Операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.	
1. Валютани сотиб олишга доир операцияларни ҳисобга олиш учун фойдаланиладиган, ишчи счётлар режасида келтирилган счётлар	
2. Пулини тулаш учун валюта сотиб олинадиган, сотиб олинган товар-моддий захиралар кийматига банк комиссион мукофотининг кушилиши	
3. Банкка тўланган комиссион мукофотнинг 9600 счёт дебетига олиб борилиши	
4. Солиққа тортиладиган фойдани аниклаш чоғида молиявий натижанинг 9600 счёт дебетига олиб борилган, комиссион мукофотлар ва курс тафовутлари суммасига тузатилганлиги	
5. Валюта сотиб олишда чет эл валютасини сумга ҳисоблаб утказиш санасини белгилашнинг тўғрилигини текшириш	
6. Валютанинг сумга ҳисоблаб утказиш чоғида кулланилган Узбекистон Республикаси Марказий Банки курсларининг тўғрилигини текшириш	
7. Валюта сотиб олишга доир операцияларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш буйича счётлар богланишини (корреспонденциясини) текшириш	

Валютани сотишга доир операцияларни текширишни куйидаги тартибда амалга ошириш мумкин.

Текшириладиган масала	Қайси меъёрий ҳужжатга мувофиқ
1. Сотиш турини аниклаш: - транзит валюта счётидан мажбурий сотиш; - махсус транзит счётида кайтариб сотиш; - ихтиёрий сотиш.	
2. Транзит валюта счётига тушган тушум мажбурий сотиладими?	
3. Мажбурий сотиш хажмини аниклашнинг тўғрилигини текшириш: - валюта тушумининг 75%. - валюта тушумининг 50%.	
4. Экспортдан олинган валюта тушумини сотиш муддатларига риоя килинишини текшириш	
5. Мажбурий сотиладиган экспорт даромадини ҳисоб-китоб киладиган базани аниклашни текшириш	
6. Махсус транзит валюта счётидан валютани кайтариб сотиш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини текшириш	
7. Валютани кайтариб сотиш муддатларига риоя килинишини текшириш.	
8. Корхона узининг махсус транзит валюта счётидан бошка валюта счётларига валютани утказганлиги	
9. Валютани сотишга доир операцияларнинг хужжатлаштирилишини текшириш	

Валюта операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини текшириш.

Текшириладиган масала	Қайси меъёрий ҳужжатга мувофик
1. Корхонада валюта сотиш операцияларини акс эттириш учун 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» куллаши.	
2. Валюта сотиш (ихтиёрий ва кайтриб сотиш) буйича банкка туланадиган комиссион туловни 9220-«Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счётининг дебетига олиб боришни текшириш.	
3. Валютани мажбурий сотиш буйича банкка туланадиган комиссион туловнинг таннархга кушилиши.	
4. Валюта операцияси буйича зарар курилганида соликка тортиладиган фойдани аниклаш чоғида молиявий натижа тузатилганлиги.	
5. Валюта сотишни ҳисобга олишга доир операциялар буйича чет эл валютасини сумга ҳисоблаб утказиш санасини белгилашнинг тўғрилигини текшириш	
6. Чет эл валютасини сумга ҳисоблаб утказишда Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан урнатилган валюта курсларини куллашнинг тўғрилигини текшириш	
7. Валюта сотишни акс эттиришга доир счётларнинг узаро богланиши (корреспонденцияси) тўғрилигини текшириш.	

Корхоналар банкда ҳисоб-китоб счёти, валюта счётидан ташкари махсус счётларга хам эга булишлари мумкин. Бундай счётлар мамлакатимиздаги ва чет эллардаги аккредитивларда, чек дафтарчаларида, бошка тулов хужжатларида (векселлардан ташкари), жорий, алохида ва бошка махсус счётларда сакланаётган миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағларини ҳисобга олиш учун мулжалланган. Банкда махсус счётларни очиш корхоналар уртасида айрим ҳисоб-китобларни юритиш хусусиятларидан хам келиб чикади. Аудиторлик текшируви хар бир махсус счёт буйича утказилади.

Банкдаги махсус счётлар буйича операцияларни ҳисобга олиш учун 5510-«Аккредетивлар», 5520-«Чек дафтарчалари», 5530-«Бошка махсус счётлар» тайинланган булиб, уларда пул маблағлари харакати хам сумда хам валютада акс эттирилади.

Аудитор 5510,5520 ва 5530 - счётлар буйича аналитик ҳисобнинг тузилиши пул маблағларининг максадли тайинланиш турлари буйича мавжудлиги ва харакати тўғрисидаги маълумотлар олиш имконини таъминлашини текшириши лозим.

Махсус счётлар буйича операцияларни аудиторлик текширувидан утказиш юкорида баён килинган умумий услубиёт буйича амалга оширилади. 5510 - «Аккредитивлар» счётига доир операцияларни текширишда кушимча равишда хисоб-китобларнинг аккредитив шаклини куллаш коидаларига риоя килинишини текшириш зарур:

- хисоб-китобларнинг мазкур шакли шартномада кузда тутилганлиги;
- аккредитивларнинг амал килиш муддатларига риоя килиниши;
- аккредитивдан накд пул маблағларининг туланмаганлиги;
- аккредитивни ёпишни расмийлаштиришнинг туғрилиги.

5530 - «Бошка махсус счётлар» счёти «махсус карточка счёти» аналитик счёти буйича операцияларни текширишда куйидагиларга эътибор каратиш лозим:

-махсус карточка счётини очиш учун шартнома мавжудлиги, корхона корпаратив картасига эга шахслар руйхати, берилган банк картасининг типлари;

-транс чегара туловларини амалга ошириш чоғида амалдаги валюта конунчилигига риоя килиниши (Узбекистон Республикаси худудидан ташкаридаги чет эл валютасидаги хисоб-китоблар);

-накд пулсиз хисоб-китобларни амалга ошириш учун Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан берилган рухсатнома мавжудлиги;

-корпоратив карталар эгаларининг хисоботлари мавжудлиги;

-иш хаки ва бошка ижтимоий туловларни тулаш учун корпоратив карталар ишлатилмаганлиги;

-курс фаркларини тулик акс эттириш ва хисоб-китоб килиш туғрилиги.

«ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1.Доскага қуйидаги жадвал чизилиб, унинг бўш хоналарига пул маблағларининг тавсифи, вазифалари ва таснифини ёзиш талаб этилади

Пул маблағлари		
Тавсифи	***Вазифалари***	***Таснифи***
1.Энг тез ликвид актив	1.Айрибошлаш	1.Миллий пуллар

2. Касса операцияларининг аудитига оид кейслар.

1) Кирим ва чиким касса ордерларини руйхатга олиш журналига мувофик 74 – ракам билан 200_ йил 30 апрелда савдо шахобчаси сотувчиси Аллаёров Р. дан 260 000 сумлик савдо пули кирим килингани курсатилган, лекин, бу кирим касса ордери касса китобига ёзилмаган. Бу хатони кассир паришонхотирлиги билан, бухгалтер эса кассирнинг уз вазифасига эътиборсизлиги билан тушунтирди.

Талиб қилинади:

а) бу холатни аудитор кандай бахолаши керак (хато, интизомсизлик ёки суистеъмол) ва кассир аудиторга кандай кушимча хужжат такдим этиши лозим;

б)ушбу текшириш буйича аудитор фикрини ёзинг.

2) 200_ йил 22 февралда касса ҳисоботига кура экспедиторга хужалик сарфлари учун кассага тушган пулдан 135 000 сум накд пул берилган. Бунга 21 февралдаги 19-чиким касса ордери илова килинган. Чиким касса ордерини корхона рахбари ва бош бухгалтер имзолаган. Унда бухгалтерия ёзуви куйидагича берилган:

Дт	Кт	Сумма
2510	5010	135 000

Экспедитор Салимов П. аудиторга олинган пулни корхонага материалларни келтириш пайтида уларни машинага юклаш учун накд сарфлаганлиги тўғрисида тушунтириш хати берган.

Талаб қилинади:

а) хужалик операциясини амалга оширишда йул куйилган хатоларни аниклаш;

б) аникланган хатоларни тузатиш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш.

3) Ҳисобот йилида кассага 6 000 000 сўм кирим қилинган ва ушбу сумма чиқим қилинган. Касса ҳисоботи бўйича йил боши ва охирида кассада қолдиқ бўлмаган. Кейинги йилнинг 2 январида ўтказилган инвентаризацияда кассада 1000 сўм борлиги аниқланган. Кассир ўз тушунтириш хатида ушбу пулнинг ўзиники эканлигини таъкидлаган.

Талаб қилинади:

а) бу холатни аудитор кандай бахолаши керак (хато, интизомсизлик ёки суистеъмол);

б) ушбу текшириш буйича аудитор фикрини ёзинг.

3. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг аудитига оид кейс.

200_ йил январ ойи бўйича банкдан олинган банк кўчирмаси маълумотлари (хисоб-китоб счёти бўйича)га кўра:

- 01.01.га қолдиқ – 2 500 000 сўм;
- чиқим қилинган пул маблағлари – 5 600 000 сўм;
- келиб тушган пул маблағлари – 5 000 000 сўм;

Бош китобда 5110 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари счёти»га очилган варақ маълумотларига кўра:

- 01.01.га бош қолдиқ – 1 500 000 сўм;
- жами дебет обороти – 5 000 000 сўм;
- жами кредит обороти – 5 400 000 сўм;
- 01.02 га қолдиқ – 1 100 000 сўм.

Талаб қилинади: Бош китобни юритишда йўл қўйилган хатоликни аниклаш ва уни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш.

4. Валюта счётидаги пул маблағларининг аудитига оид кейс.

200_ йил январ ойи бўйича банкдан олинган банк кўчирмаси маълумотлари (валюта счёти бўйича)га кўра:

- 01.01.га қолдиқ – 1000 АҚШ доллари, курс 1200 сум, жами 1 200 000 сўм;
- 15 январда чиқим қилинган валюта 400 АҚШ доллари, курс 1210 сум, жами 484000 сўм;
- 20 январда келиб тушган валюта 4000 АҚШ доллари, курс 1230 сўм, жами 4920000 сўм;

Ой охирида (курс 1240 сўм) бухгалтер томонидан курс фарқлари 40000 сўм миқдорида хисобланган ва унга Дт 5110 Кт 9540 бухгалтерия ёзуви берилган.

Талаб қилинади: Курс фаркларининг хақиқий суммасини ҳисоблаш ва бухгалтерия ёзувидаги ва унда келтирилган суммадаги хатоликни аниқлаш, ушбу хатоликларни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш.

7-Мавзу: МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ АУДИТИ

Маъруза режаси:

1.Мажбуриятларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи
2.Товар операциялари бўйича мажбуриятларнинг аудити
3.Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар олдидаги мажбуриятларнинг аудити
4.Бошқа турдаги мажбуриятларнинг аудити

1.Мажбуриятларнинг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи акс эттирилган слайдлар.

Мажбуриятлар корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги карзларини билдиради.

Мажбуриятларни тўланадиган счётлар хам деб атайдилар.

Мажбуриятлар деб тан олиниши учун улар қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

• Мажбуриятлар юз бериб ўтган вокеа ва ходисалар, хўжалик операциялари натижаси бўлиб хисобланиши керак. Масалан, корхонанинг таъминотчилар олдидаги мажбуриятлари улардан товар-моддий бойликларни тўловни келгусида амалга ошириш шарти билан олинганлиги натижасида вужудга келади ёки корхонанинг ўз ходимлари олдидаги қарзи уларга қилган меҳнатлари учун иш хакини хисобланиши натижасида пайдо бўлади.

• Мажбуриятлар суммаси аник ўлчанадиган ва шубҳа туғдирмайдиган бўлиши керак. Мажбуриятлар суммасини ўлчаш уларни юз берган вактида намоён бўлган ҳаққоний кийматларида, келгуси даврларда эса валюталар курсларидаги ўзгаришлар билан қайта хисобланган дисконтланган қийматларда баҳолаш йўли билан амалга оширилади. Мажбуриятларнинг шубҳа туғдирмаслиги уларнинг хужжатли асосга эга бўлишлиги билан кафолатланади.

• Мажбуриятларни вужудга келтирган хўжалик муносабатлари, активлар, бажарилган ишлар ва хизматлар келгусида корхонага иқтисодий манфаат олиб келиши лозим.

• Мажбуриятларни хисобда туриши ва хисобдан чиқарилиши, кайтарилиши ёки тўланиши вакт бўйича чегараланган бўлиши керак. Белгиланган муддатларда қайтарилмаган мажбуриятлар корхонага жарималар тўлаш натижасида қўшимча зарарлар келтириши ва қўшимча мажбуриятларни вужудга келишига сабабчи бўлиши мумкин.

Корхоналарнинг мажбуриятларини турли белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

• *Муддатига* кўра:
- узок муддатли;
- кисқа муддатли.
• *Характерига* кўра:
- товар харктеридаги;

- нотовар характеридаги.

Товар характеридаги мажбуриятларга таъминотчилар ва пудратчилар олдидаги қарзлар, харидорлардан олинган аванслар бўйича қарзлар киради.

Нотовар характеридаги мажбуриятларга корхонанинг иш ҳақи, суғурта, солиқ ва ажратмалар бўйича қарзлари, таъсисчилар ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзлари киради.

• *Тўлов муддатига* кўра:

- жорий;
- муддати узайтирилган

Жорий мажбуриятларга ҳисобот давр тугаши билан тўланадиган қарзлар, масалан, иш ҳақи, иш ҳақи фондидан ажратмалар ва ушланмалар, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича қарзлар киради.

Муддати узайтирилган мажбуриятларга тўлов муддати ҳукумат ёки турли кредиторлар томонидан маълум вақтгача кечиктирилган қарзлар, масалан солиқлар, мажбурий ажратмалар ва бошқа тўловлар, киради.

Товар операциялари буйича мажбуриятлар таъминотчилар ва харидорлар олдида вужудга келади.

Таъминотчилар олдидаги мажбуриятлар улардан ТМБ, узоқ муддатли активлар, турли ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни ва охирги тўловларни кейинчалик амалга оширганда вужудга келади.

Харидорлар олдидаги мажбуриятлар эса улардан ҳали жўнатилмаган ТМБ лар, ишлар ва хизматлар учун тўловларни аванс тариқасида олдиндан олиб қўйилганда вужудга келади.

2. Товар операциялари бўйича мажбуриятларнинг аудити

Товар операциялари бўйича мажбуриятлар корхоналар хужалик фаолиятида энг куп учрайдиган мажбуриятлардир. Бундай мажбуриятларни текшириш куйидаги асосий икки йуналиш буйича амалга оширилиши зарур:

- таъминотчилар билан ҳисоб-китобларнинг аудити;
- харидорлардан олинган бўнакларнинг аудити.

Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар аудити баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари тенглигини аниклашдан бошланади.

Агар ҳисоб-китоб маълумотларини солиштириш амалларини бажариш чоғида номувофикликлар аникланса, аудитор уларнинг катта-кичиклигини ва вужудга келиш сабабларини аниклайди.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг узаро тенглиги аниклаганидан сунг,аудитор мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар колдигининг хакконийлигини бахолаши керак. Шу максадда у куйидагиларни текширади:

-аналитик ҳисоб регистрларида дастлабки хужжатлар ва шартномаларнинг ракамлари хамда тузилган саналари туғрисидаги маълумотлар мавжудлиги;

-аналитик ҳисоб регистрларида курсатилган шартномалар ва дастлабки хужжатларнинг мавжудлиги(танлаб текширилади);

-дастлабки хужжатлар ва ҳисоб регистрларидаги маълумотларнинг мослиги(танлаб текширилади).

Мажбурият суммалари хужжат билан тасдикланмаганлари шубхали карздорликлар каторига кушилади. Бундай карзларнинг хакконийлиги ҳисоб-китобларни инвентаризация килиш (солиштириш далолатномаси тузиш)йули билан тасдикланади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларга доир карздорликлар хакконийлигини бахолашда уларнинг вужудга келиш муддатлари назорат килинади:

Ҳисоб-китоблар буйича мажбуриятлар бажарилишининг белгиланган муддати утиб кетган, талаб килиб ундириб олинмаган дебитор карзлар йуклиги.

Ҳисоб-китобларни инвентаризация килиш материалларини текшириш мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар колдикларининг хакконийлигини бахолашда мухим ахамиятга эгадир.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларга доир операциялар куйидаги йуналишлар буйича текширилади:

-шартномалар мавжудлиги ва туғри расмийлаштирилишини текшириш;

-олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)лар туликлиги ва туғри кирим килинишини текшириш;

-моддий кийматлик(иш.хизмат)лар учун уз вактида ва тулик хак туланишини текшириш.

-аудитор даставвал махсулот етказиб бериш шартномалари ва иш бажариш ва хизмат курсатиш учун бошка хужалик шартномаларининг мавжудлиги, хамда шартномаларнинг туғри расмийлаштирилганлигини аниклайди. Шарномалар амалдаги конунчилик талабларига мос келиши лозим.

Аудиторлар дастлабки хужжатлар маълумотларини шартномалар, буюртмалар, счёт-фактуралар ва лойиха -смета хужжатларининг маълумотлари билан солиштириш натижасида олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)ларни кирим килишнинг туликлиги, туғрилиги ва уз вактидалиги туғрисида далилларга эга булади.

Дастлабки хужжатларни текширишда барча ҳисоблашув-тулов хужжатларида ҚҚС суммасининг алохида сатр билан ажратиб курсатилганлигига ва ҚҚС суммасининг ҳисоб-китоб йули билан ажратиб курсатилишига йул куйилмаслигига (меъёрий хужжатларда белгиланган холатлардан ташкари) эътибор каратилади. Аудитор ушбу талабларга риоя килинишини текшириш натижасида олинган моддий кийматлик(иш,хизмат)лар буйича ҚҚС ни ҳисобга олишнинг асосланганлигини тасдикловчи далилга эга булади.Унинг копланиши туланган,кирим килинган ва ишлаб чикариш максадларида ишлатилган кийматликлар буйича амалга оширилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар счётларининг туланишини текширишда аудитор куйидагиларни аниклайди:

-карзларни коплаш буйича операцияларнинг тегишли тулов хужжатлари (банк кучирмалари ва тулов топшириғи, узаро талабларни ҳисобга олиш далолатномалари, чеклар ва шунга ухшаш) билан тасдикланганлиги;

-тулов хужжатларининг хакикийлиги ва туғри расмийлаштирилганлиги (барча мажбурий реквизитларининг мавжудлиги, ккС суммасининг алохида сатр билан ажратиб курсатилганлиги, банк штампаси, чет тилдаги хужжатларнинг тасдикланган таржимаси ва шунга ухшаш);

-тулов хужжатлари маълумотларининг 3110 - «Олдиндан туланган лизинг», 3120-«Олдиндан туланган хизмат хаки», 3190-«Бошка олдиндан туланган харажатлар», 4310-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунаклар», 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар» (жорий кисми), 7010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар» (узок муддатли кисми) счётлари буйича ҳисоб регистрларининг маълумотларига мослиги; ушбу счётлар буйича ҳисоб регистрлари маълумотларининг 5110, 5210, 5220, 4310, 4010, 4020, 6310, 4420, 4430, 6870, 4810-4890, 6810, 6820, 6830 ва 6890 счётлар буйича ҳисоб регистрларига мослиги.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни текшириш якунида, аудитор аникланган камчиликлар ва номувофикликларни умумлаштиради хамда колдиклар хакконийлигининг дастлабки бахоланишини аниклаштиради.

3. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар олдидаги мажбуриятларнинг аудити

Соликлар ва бошка тўловлар бўйича буджет билан ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади - текшириладиган хўжалик юритувчи субект бухгалтерия ҳисоботининг соликлар ва бошка мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни акс эттириш қисмида ҳамда солиққа тортишдаги тартибга солинмаган масалалар билан боғлик сезиларли ҳолатларни акс эттиришдан иборат.

Фойда солиғини аудиторлик теширувидан утказиш, коидага кура, куйидагиларни уз ичига олади:

- чораклик учун солик ҳисоб-китоби асосида хар чоракда ҳисобланган ва туланган бунак туловларни тахлил килиш;
- ҳисобот даври учун фойда солиғи ҳисоб-китобини текшириш;
- фойда солиғи буйича карзларни ҳисобот давридаги молия-хужалик фаолияти натижалари асосида тахлил килиш.

Текширув чоғида аудитор қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

• фойда солиғини ҳисобга оладиган счёт буйича колдикни Бош китоб маълумотлари билан солиштириш;

• фойда солиғи буйича карзлар колдиклари буйича ҳисоб-китобини тайёрлаш ва колдикларни чикариш;

• мижоз корхона томонидан килинган фойда солиғи ҳисоб-китобини ва фойда солиғининг хакикий ва ҳисоб-китоб суммалари уртасидаги барча катта фаркларни тахлил килиш;

• фойда солиғини ҳисоб-китоб килишга таъсир курсатган омилларни мижоз билан мухокама килиш. Ҳакикий ва ҳисоб-китоб килинган суммалар уртасидаги фарклар изохланиши ва хужжатларда акс эттирилиши лозим;

• суммаларни жамлашнинг туғрилигини текшириш ва кайта ҳисоблаш;

• фойда солиғи буйича бунакларни ва якуний солик суммасини солиштириш.

Ҳисобот даври учун ҳисоб-китобларда тайёрланган чораклик бунак туловларини тахлил килиш чораклик туловларни банк кучирмаси буйича солиштириш, соликларни дастлабки ҳисоб-китоб килиш хужжатлари ва кейинчалик жарималар ва пенялар тулашдан кутулиш учун бунакларнинг уз вактида туланишини тахлил килишга асосланиши лозим.

Операциялар натижалари асосида фойда солиғининг хакикий карзини текшириш куйидагиларни уз ичига олади:

• фойда ва зарарлар счёти буйича соликка тортилгунгача фойдани текшириш;

• фойда солиғи буйича карзларни якуний солик декларацияси маълумотлари билан солиштириш;

• бир йиллик фойда солиғининг туғрилигини, солик ставкасини куллаш ва имтиёзлардан фойдаланишнинг туғрилигини, соликларни тулаш муддатларининг мувофиклигини курсатган холда кайта ҳисоблаш ва текшириш.

Аудитор фойда солиғи туловчи субъектнинг макомини, унинг асосий ва кушимча фаолият турларини, ички ва алохида ажралиб чиккан булинмалари хамда хамкорларини аниклаши зарур. Фойда солиғи турли ставкалар билан ҳисобланишини, уни тулаш йил давомида жорий туловлар тартибида амалга оширилиб, чорак, ярим йил, туккиз ой ва йил охирида хакикий олинган фойдага нисбатан кайта ҳисобланишини, туловчиларга эса хар хил имтиёзлар берилишини назарда тутиб, аудитор соликка тортиш базасини текширишда, аввало ялпи фойдани сунгра унинг бевосита соликка тортиладиган кисмини ҳисобга олишнинг туғрилигига ишонч хосил килиши лозим. Шундан сунг, аудитор биринчи навбатда, фойда хакидаги баланс маълумотларини 9900 «Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатларни жамлаш)» счёти буйича бош китобда, журнал ордерларда, машинаграммалардаги ва «Молиявий

натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2 шакл) буйича бир-бирига таккослаб, уларнинг узаро мос келишини аниклаши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, хозирги пайтда баланс фойдаси йил давомида акс эттирилади: пассивда олинган фойда, активда эса унинг ишлатилиши (ёки курилган зарар). Йил якунида аникланган фойданинг ишлатилган суммасига 9810-«Фойда солиғи буйича харажатлар», 9820-«Йиғимлар ва бошка мажбурий ажратмалар буйича харажатлар» ва 9890-«Бошка ажратмалар буйича харажатлар» счётларини кредитлаб 9900 «Якуний молиявий натижа» счётини дебетлаб тўғриланади. Фойданинг таксимланмай колган кисми эса 9900 «Якуний молиявий натижа» счёт дебетига ва 8710-«Ҳисобот йили таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)» счётининг кредитига ёзилиб, ҳисобдан учирилади.

Ҳакикий фойдани тахлил килишда 9010 «Махсулотлар сотишдан олинган даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромад», 9030-«Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар», 9110 «Сотилган махсулотлар таннархи», 9120 «Сотилган товарлар таннархи», 9130 «Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи», 9210 «Асосий воситаларни сотилиши ва турли чикими» ва 9220 «Бошка активларнинг сотилиши ва турли чикими» счётларининг кредити ва дебетида акс эттирилган барча ёзувларнинг ишончлилиги хакида исботга эга булиш зарур. Солик кодексига мувофик соликка тортиладиган фойда умумий даромад билан белгиланган чегирмалар уртасидаги фарк сифатида аникланади.

Аудитор умумий даромад ва ундан чегириладиган чегирмалар таркибига кирувчи хар бир модда буйича маълумотларни синчиклаб текшириш керак.

Даромад (фойда) солиғи буйича соликдан тулик озод килиш, вактинча озод килиш ва соликка тортиладиган даромадни (фойдани) камайтириш йули билан бериладиган имтиёзлар кузда тутилган. Аудитор имтиёзларни куллашнинг тўғрилиги текшириши лозим.

Бу имтиёзлар асосан ногиронлар ва нафакахурлар мехнатидан фойдаланиш; табиатни мухофаза килиш тадбирларига капитал харажатлар килиш, соғликни саклаш объектлари, кариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача муассасалар, маданият ва спорт объектлари, уй- жой фондини саклаш харажатлари билан; корхонани реконструкция килиш ва техникавий кайта куроллаштиришни инвестициялаш (маблағ билан таъминлаш), илмий техник ва тажриба-конструкторлик ишларини утказиш; кичик бизнесни ривожлантириш ва бошкалар билан боғлик. Лекин барча имтиёзлар уларнинг берилиши хамда умумий суммаси буйича маълум даражада чегараланган. Аудитор корхона томонидан соликка тортиладиган базани камайтиришнинг барча холлари буйича тузилган махсус хисоб - китобнинг амалдаги конунчиликка мос келишини диккат билан текшириш лозим.

Бундан ташкари тахмин килинаётган фойда ва соликларнинг жорий туловлари хакидаги маълумотнома хам текширилиши керак. Солик туловчи

солик суммасини мустакил аниклашда, узи солик буйича бериладиган имтиёзларни хисобга олади ва соликларнинг уз вактида хамда хар хил даражадаги бюджетларга туланиши учун жавобгардир.

Фойда солиғини аудит қилишда юкоридаги иккита кўрсаткич (солик тўлангунча фойда ва фойда солиғи суммаси)нинг хам тўғрилиги текширилади. Шу сабабли, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғини аудит қилиш учун солиқ базасини солиқ ставкасига кўпайтириш орқали арифметик текширишнинг ўзи кифоя.

Аудитор жисмоний шахсларнинг солиқга тортилишини текширишни корхона ишчи ва хизматчилари сони, вақтинчалик шартнома асосида ишга жалб қилинган шахслар тўғрисида маълумот олишдан бошлайди яъни асосий ва ўриндош ишчилар тўғрисида маълумот олинади. Корхона тамонидан ўриндош ишчи ва хизмачилар тўғрисида солиқ инспекциясига маълумот юборилганлиги ёки юборилмаганлиғини аниклайди.

Барча ходимларнинг даромад солиғини тўлик текширишнинг имконияти йўклиги сабабли, аудитор даромад солиғини танлов асосида текширади.

Ушбу соликни аудитдан ўтказишда аудитор даставал солиқ солиш объекти тўғри аниқланганлигини текшириши лозим. Солиқ солиш объекти бўлиб ишчининг нафақат асосий ва қўшимча иш ҳақлари балким иш берувчи тамонидан ходимларга товарларни сотиш пайтида, сотилган товарларнинг сотиш ёки таннархи ўртасидаги ижобий фарк, иш берувчининг ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чикимларини коплаш учун қилинган харажатлари (мисол ходимга тегишли бўлган уяли телефонга қилинган харажатлар), ходимнинг иш берувчи олдидаги карзининг корхона харажатларига олинган миқдори, ходимларидан ушлаб қолиниши лозим бўлган суммaнинг корхона ҳисобидан тўланган ва корхона харажатларига олинган миқдори мисол учун маъмурий жарима), хизма сафари бўйича белгиланган меъёрдан ортиқча қилинган харажатлар суммаси ва шу кабиларт хам ходимнинг даромади ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ўндириладиган соликни ҳисоблашда аудитор хўжалик юритувчи суъбект ишчи ва хизматчиларининг чет эл валютасида олинадиган олинган даромадларига эътибор қаратиши керак. Чунки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тамонидан эълон қилинган курс бўйича тўғри ҳисобланганлигини текшириш лозим курс нотўғри қўлланиши солиқ солиш объектининг нотўғри аникланишига сабаб бўлади.

Шу билан биргаликда аудитор даромад солиғи объектига қўшилмайдиган тўловлар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадига солиқ солиш объектини аниқлашда солиқ бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланиши муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солик бўйича имтиёзлар Солик Кодекснинг 58-59 моддаларида ҳамда жисмоний шахслар даромадига солиадиган солиқни ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг VII- бобида берилган.

Солик солиш объектини тўғри аниқланганлигини текширгандан кейин аудитор ушбу солик бўйича белгиланган солик ставкаларининг тўғри қўлланилганлигини текширади.

Солик Кодексига мувофик хукукий шахслар учун мол-мулк солиғи у кайси манбадан олинганидан катъий назар, корхона балансида турган барча асосий воситалар ва номоддий активларнинг йиллик уртача кийматига нисбатан ҳисобланади. Бунда аудитор соликка тортиладиган объектларнинг суммасини ва хар чоракликда йил бошидан усиб борувчи жами билан хисобланадиган солик суммасининг туғрилигини текшириши лозим.

Солик солинадиган база қуйидагилардир:

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича – асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солик тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация хажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

Норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Аудитор корхоналар мулкига солинадиган соликлар буйича белгиланган имтиёзларнинг туғри кулланилишини текширади. Бунда у Солик Кодексига риоя килинганлигини аниклаши лозим. Аудитор корхоналарнинг мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тулаш тартибига кандай риоя килинаётганлигига хам алохида эътибор бериши зарур. Бунда у Солик кодексига мувофик корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солик буйича жорий туловлар бюджетга хар ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йиллик тулов суммасининг ун иккидан бир кисми микдорида туланиб келинаётганлигини аниклаши керак. Шу билан бирга солик туловчилар томонидан мол-мулк солиғи буйича ҳисоблаш варакаларини солик органларига йилнинг чораклари буйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни такдим этиш муддатида топширилишини хам урганиш зарур.

Ижтимоий суғурта ва таъминот фондларига тўловлар ҳисобланиши ҳамда тўланишини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагилар бажарилади:

– ҳар бир фонд тури бўйича ва суғурта тури бўйича тўлов (бадал) ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилигини аниқлаш;

– тегишли фондлар бўйича суғурта бадаллари ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини текшириш;

– ҳисоблашларни текшириш;

– суғурта бадалларини ҳисоблаш манбаларини текшириш.

Маълумотларда тафовутлар бўлган ҳолларда фондлар ва дебет ёки кредит оборотлари текширилиб, тафовутлар кўлами аниқланади. Кейинчалик ушбу тафовутларнинг сабаблари аниқлаштирилиши лозим.

Молиялаштириш манбайидан қатъи назар барча асослар бўйича ходимлар фойдасига ҳисобланган, пул ва (ёки) натура шаклдаги тўловларнинг барча турлари ушбу фондларга суғурта бадалларини ҳисоблаш учун обект ҳисобланади.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш учун қўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда қуйидагиларни бажариш зарур:

– ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган меҳнат ҳаки ҳамда бош-қа тўловлар турларини аниклаш;

– ҳақиқатда суғурта бадаллари ҳисобланган тўловлар турларини, тегишли ижтимоий суғурта фондига суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар рўйхатига мувофиқ улар ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги лозим бўлган тўлов турлари билан таққослаш;

– тегишли фондлар бўйича суғурта бадалларининг тўлиқ тўланмаган (ёки ошиқча тўланган) миқдорини аниқлаш.

Олдин ҳисобланмасдан, корхона кассасидан берилган ҳар хил тўловларни (моддий ёрдам, мукофот) махсус эътибор билан текшириш керак.

Сўнгра ҳисобланган ва тўланган суғурта бадалларининг ҳисобда тўғри акс эттирилишини аниқлаш зарур. Бунда ходимларга тўланган тўлов-ларнинг суғурта бадалларини ҳисоблаш молиялаштириш манбаси ҳисобидан акс эттирилаётганлигига эътибор қаратилади. Текширув натижалари ишчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Текширув якунида аудитор аникланган тафовутларнинг ҳисобот кўрсаткичларига (таннарх ва молиявий натижага, ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар миқдорига), жиддийликлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, қандай таъсир кўрсатишини аниқлайди.

4. Бошқа турдаги мажбуриятларнинг аудити акс эттирилган слайдлар

Бошқа турдаги мажбуриятларга ходимлар олдидаги иш ҳаки бўйича қарзлар, таъсисчилар олдидаги қарзлар, олинган кредитлар бўйича қарзлар ва бошка мажбуриятлар киради.

Корхоналар амалиётида мехнатга хак тулаш буйича куйидаги камчиликлар кулрок учрайди: ойлик маошлари ва ставкалар хажмининг штат жадвали ва лавозим маошлари схемасида белгиланганидан ошиб кетиши; иш хакига хар хил кушимча ва устамаларнинг ноконуний тайинланиши; кушиб ёзишлар; ишбай расценкаларнинг ошириб курсатилиши; ишчилар ва мухандис—техник ходимлар мехнатига хак тулаш учун белгиланган иш хаки фонди ҳисобидан

котибалар, шахсий хайдовчилар ва хар хил бошкарув хизмати ходимларига хак тулаш кабилар.

Аудитор дастлабки хужжатлар ва хисоботларни бевосита иш жойларида пухта тахлил килиш йули билан куйидагиларни аниклайди: иш хаки тулаш учун пул олишда банкка тақдим килинадиган маълумотлар туғрилиги ва олинган пул маблағларининг белгиланган максадда ишлатилиши, иш хаки фондидан ошикча хак тулашга рухсат бериш тартибига риоя килиниши, иш хаки фонди маблағларининг ошикча харажатланишига йул куйилиш сабаблари яъни бутунлай нотуғри, калбакилаштирилган, купчилик холларда режа топшрикларини бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун деб ноконуний мукофат олиш максадида килинадиган хисобот маълумотларини ошириб курсатиш кабилар. кушиб ёзиш окибатида хакикатда бажарилмаган ишларга иш хаки тулаш, хом ашё, материаллар, ёкилғилар ва бошка ресурсларни хисобдан чикариш, натижада талон-тарож килиш холлари куп учрайди.

Текшириш жараёнида хисоблашув-тулов ведомостлари маълумотларининг хар ойда банкка тақдим килинадиган маълумотнома курсаткичларига мос келиши хам аникланади. Маълумотномадаги хисобланган иш хакининг умумий суммаси шу ойдаги 21-шакл «Ходимлар билан хисоб-китоблар буйича жамлама маълумот» нинг суммасига мос келиши керак.

Иш хаки бериш учун банкдаги 5110-«Хисоб-китоб счёти»дан олинган суммалар, шунингдек, ундан ушланиб, утказилган суммалар 21-шаклдаги хисоб-китоблар бажариладиган жадвалнинг тегишли маълумотлари билан мос келиши керак.

Иш хаки фондининг ошикча харажатланиши маъмурий бошкарув, хужалик ва хизмат курсатувчи ходимлар сонининг штат жадвалидагидан ошиб кетганлиги; лавозим маошлари, ставкалар ва расценкаларнинг ошириб юборилганлиги; машина ва механизмларда бажарилиши кузда тутилган ишлар (ёаллани уриш, донни юклаш ва кушимча ишлов бериш, яганалаш, чеканкалаш ва х.к) кулда бажарилганда иш хажмининг кушиб ёзилиши ва хоказолар. Айрим холларда ошикча харажатлар объектив сабаблар окибатида содир булади, масалан, кор ёки ёмғир куп ёккан пайтларда йулларни тозалаш, молларга озука етказиб бериш ва бошкалар. Буларнинг барчаси пухта текширилиши зарур.

Аудитор хужаликка четдан ишчиларни канча, качон ва кайси муддатга жалб килинганлиги, улардан кандай фойдаланганлиги ва уларга кандай тартибда мехнат хаки туланганлигини хам аниклаши керак.

Мехнатга хак тулаш масалалари етарли даражада мураккаб. Унда мехнатнинг тавсифи, мехнат харажатларини ва унинг натижаларини улчаш хамда бахолаш, расценкалар, мукофотлар ва хоказоларни белгилаш билан боғлик куплаб нозик ва узига хос тафсилотлари мавжуд. Шунинг учун аудитордан ушбу масалалар буйича меъёрий база ва хисоб юритишнинг ахволини аниклаш, штатлар жадвали, корхона рахбариятининг ходимларни ойлик маош тайинлаб ишга кабул килиш туғрисидаги буйруклари (танлаб текширилади), тузилган пудрат шартномалари ва мехнат битимлари; мехнатга

хак тулаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам бериш тўғрисидаги низомларни ўрганиш талаб этилади. Сунгра иш вактини ҳисобга олиш табеллари ва ишбай ишлар учун нарядлар, ҳисоблашув-тулов ва тулов ведомостлари, мехнатга хак тулаш хамда уни тартибга солиш билан боғлик бошка хужжатларнинг расмийлаштирилиши текширилади. Аудитор ушбу масалалар билан танишиб чикиб, мехнатга хак тулаш буйича ҳисоб-китобларнинг асосий блокларини синчиклаб текширади.

Маъмурий бошкарув ходимлари, мутахассислар, хизматчилар ва кичик хизматчи ходимларга туланадиган хак уларнинг хакикий сонини штат жадвали ва белгиланган лавозим маошлари билан солиштириб текширилади.

Шунингдек, ҳисоблашув-тулов ведомостлари ва 19, 20, 21-шаклдаги ҳисоб-китоб бажариладиган жадвалларни пухта текшириш зарур. Бош дафтардаги 4210 «Мехнат хаки буйича берилган бунаклар» 6710- «Ходимлар билан мехнат хаки буйича ҳисоб-китоблар» ва 6720-«Депонентланган мехнат хаки» счётларнинг колдиғи 21-шакл ҳисоб-китоб жадвалидаги колдик билан тенг булиши керак. 4410-счёт буйича дебет колдикнинг мавжудлиги ва канча микдорлигини аниклаш зарур. Ходимлар билан мехнат хаки буйича ҳисоб-китобларда дебитор карз мавжудлиги бош бухгалтер томонидан ҳисоб-китоблар ахволи устидан тегишли назорат урнатилмаганлигидан далолат беради.

Мехнатга хак тулаш ва бошка муомалар буйича ходимлар билан ҳисоб - китобларни аудиторлик текширувидан утказишда 4210-«Мехнат хаки буйича берилган бунаклар», 4220-«Хизмат сафари учун берилган бунаклар», 4230-«Умумхужалик харажатлари учун берилган бунаклар», 4710-«Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг карзлари», 4720-«Берилган карзлар буйича ходимларнинг карзлари», 4730-«Моддий зарарни коплаш буйича ходимларнинг карзлари», 4790-«Ходимларнинг бошка карзлари», 6710-«Мехнат хаки буйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар», 6720-«Депонентланган мехнат хаки», 6970-«Ҳисобдор шахслардан карзлар» счётлари буйича юритиладиган ҳисобнинг тўғрилиги ва ишончлилигини текшириш салмокли урин эгаллайди.

Турли кредиторлар билан ҳисоб-китоблар аудити буйича 6600, 6810, 6820, 6900 - счётларнинг ҳисоб регистрлари ва ҳисоботлардаги бухгалтерия ёзувлари хамда улардаги ҳисобда турган карзлар текширилади. Турли кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш услубиёти ва кетма-кетлиги бошка барча ҳисоб-китоб муомалаларини текширишга ухшаш.

Банк кредитлари ва карзлар ҳисобини аудиторлик текширувидан утказишдан максад корхонанинг олинган кредитлар ва бошка карз маблагларини акс эттирувчи ҳисобот курсаткичларининг ишончлилиги тўғрисида етарли далил-исботларга эга булишдан иборат.

Ушбу максадга эришиш учун куйидагилар текширилиши керак:

-кредитлар ва карзларнинг хакконийлиги ва хужжатлаштирилганлигини;

-кредитлар ва карзлар олинишининг асосланганлигини аниклаш (карз маблағларининг олинган манбалари);

-карз маблағлардан максадли фойдаланиш ва уларни тулик хамда уз вактида кайтариш (карз маблағлари кайси максадлар учун ишлатилган, кредитлар ва карзлар буйича карздорлик кандай кайтарилмокда, муддати узайтирилган карздорлик мавжудлиги);

-кайтарилмаган кредитлар ва карзларнинг колдиклари хамда улар буйича фоизлар туланишини бахолаш (кредитлар буйича фоизларни хисобга олиш, мулкларни бахолаш ва молиявий натижаларни шакллантиришда фоизларнинг урни);

-кредитлар ва карзлар буйича синтетик хамда аналитик хисобнинг юритилишини текшириш (кредитлар ва карзларни хисобга оладиган счётларнинг кулланилиши, карз маблағларини олиш ва кайтариш муомалаларини акс эттириш, молиявий натижаларни шакллантириш тамоилларига риоя килиниши).

Банк кредитлари ва карзларни аудиторлик текширувидан утказишда куйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

-банк кредитлари ва карз олиш масалаларини, бухгалтерия хисобини ва соликка тортиш муомалаларини тартибга соладиган меъёрий хужжатлар;

-банк кредитлари ва карзларга буйича муомалаларни расмийлаштириш ва хисобда акс эттиришга доир шартномалар ва дастлабки хужжатлар. Буларга: кредит шартномалари ва карз шартномалари, кредитлар буйича фоиз ставкаларининг узгариши туғрисида кредит шартномаларига кушимча килинадиган битимлар, кредитни кайтариш муддатлари, кредит шартномаларининг бошка шартлари, корхона шахсий счётларининг кредит ва карзлар харакатига доир банк кучирмалари, кредит шартномасига мувофик кайтариладиган кредит ва фоиз суммаларининг акцептсиз (розиликсиз) хисобдан учирилишини тасдиклайдиган мемориал-ордерлар киради.

Мазкур сохани текшириш учун зарур ахборотлар бухгалтерия хисоботининг куйидаги шаклларида акс эттирилади: бухгалтерия балансида (I-шакл) (баланс пассивидаги II-«Мажбуриятлар» булимнинг «Узок муддатли карзлар» (410 сатр), «киска муддатли карзлар (430 сатр) моддалари); Молиявий натижалар туғрисидаги хисобот» (2 шакл) да (асосий фаолиятнинг бошка жараёнларидан олинган даромадлар ва харажатланган харажатлар (100 сатр) кредитлар ва карзлар буйича фоизлар суммасига; бошка туланган ва олинган фоизлар (135 сатр) олинган кредитлар ва карзлар буйича вужудга келадиган курс ва сумма тафовутлари суммасига); «Пул окимлари туғрисидаги хисобот»да (4 шакл) (6910-«киска муддатли банк кредитлари», 6940-«киска муддатли банкдан ташкари карзлар», 7510-«Узок муддатли банк кредитлари», 7610-«Туланадиган облигациялар», 7620-«Туланадиган векселлар», 7690-«Бошка узок муддатли туланадиган счётлар» буйича олинган карз маблағларининг суммалари) кредитлар ва карзлар буйича фоизларни тулашга

йуналтирилган пул маблағлари; узок муддатли кредитлар ва карзларни кайтариш; ҳисобот иловаларида узок муддатли ва киска муддатли карзлар куринишида олинган карз маблағларининг мавжудлиги ва харакати муддатида кайтарилмаган суммалар ажратиб курсатилган холда; узок муддатли инвестицияларни маблағ билан таъминлаш ва молиявий харажатларнинг харакати (агар ушбу максадлар учун кредитлар ва карзлар жалб килинган булса).

Буларни текшириш учун аудиторга корхонада кулланилаётган бухгалтерия ҳисоби шаклига хос куйидаги синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари такдим килинади:

-агар журнал-ордер шакли кулланилса, 4 ва 12 журнал-ордерлар;

-агар ҳисоб ишлари компьютерлаштирилган булса, 6910, 6940, 7510, 7610,7620,7690 - счётлар буйича компьютер шакллари, аналитик ведомостлар ва Бош дафтар.

№ 21 - БҲМС га мувофик кредитлар ва карзлардан фойдаланганлик учунтуланадиган фоиз туловлари молиявий фаолиятга доир чикимлар таркибида ҳисобга олиниши, яъни молиявий натижаларга - 9620 «Фоиз куринишидаги харажатлар» счётининг дебетига олиб борилиши, соликка тортиш максадида эса фойда солиғи буйича конунчилик талабалрига мувофик ҳисобга олинищи лозим.

Муомаладан ташкари активларни сотиб олиш учун олинган кредитлар ва карзлар буйича фоизларни тулашга доир харажатлар «Харажатлар таркиби туғрисидаги Низом» га №5 -«Асосий воситалар» номли БҲМСга мувофик объектнинг дастлабки кийматига кушилиши, улар ҳисобга кабул килинганидан сунг туланган фоизлар эса, умумий тартибда 9620- счёт дебетига утказилиб ҳисобдан учирилади.

Фоизларни ҳисобга олишнинг шунга ухшаш тартиби моддий ишлаб чикариш захиралари сотиб олиш учун олинган карз маблағлари учун хам кулланилади. № 4 -«Товар-моддий захиралар» номли БҲМСга мувофик корхоналар кредит учун туловларга доир харажатларни, агар булар сотиб олиш билан боғлик булса, моддий ишлаб чикариш захираларининг хакикий таннархига кушилади. Бу тартибга сотиб олинган товар моддий захираларни омборга кирим килинишига кадар риоя килинади, ундан сунг эса фоизлар одатдагидай ҳисобга олинаверади.

Кредитлар ва карзларни ҳисобга олишнинг ташкил этилишини текширишда аудитор олинган кредитлар буйича колдиклар кандай бахоланаётганлигини аникланиши зарур.

«МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1. Мажбуриятларнинг тавсифи ва таснифини муҳокама қилиш учун бериладиган блиц-сўров саволлари рўйхати:

1.Мажбурит сўзининг маъноси;
2.Мажбуриятлар қайси белгилари бўйича таснифланади;
3. 21-сон БҲМСга кўра мажбуриятлар қандай турларга ажратилган;
4.Мажбуриятлар аудитининг мақсади нима.

2. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар олдидаги мажбуриятларнинг аудити бўйича кейслар.

-----/-----

Корхона маълумотларига кўра 2012 йил 1 январга 4410 «Таъминотчиларга ўтказилган ҚҚС счёти»нинг қолдиғи 2 000 000 сўм, 6410 «Бюджетга тўланадиган ҚҚС счёти»нинг қолдиғи – 3 000 000 сўм. 2012 йил январ ойида корхонада ҚҚС билан боғлиқ қуйидаги операциялар юз берган:

- маҳсулотлар нақд сотилган – 5 000 000 сўм (ҚҚС сиз);
- маҳсулотлар нақдсиз сотилган – 40 000 000 сўм (ҚҚСсиз);
- бошланғич киймати 10 000 000 сўм, эскириш қиймати 4 000 000 сўм, қайта баҳолаш қиймати 1 000 000 сўм бўлган асосий восита сотилган – 8 000 000 сўм (ҚҚСсиз);
- материаллар сотиб олинган – 20 000 000 сўм (ҚҚСсиз);
- ишлатилган сув, газ, электр энергия ва бошқа хизматлар учун счёт олинди – 4 000 000 сўм (ҚҚСсиз);
- январ ойида бюджетга ўтказиб берилган ҚҚС – 3 000 000 сўм.

Корхона бош китоби маълумотларига кўра:

- январ ойи учун таъминотчиларга ҳисобланган ҚҚС суммаси 5 000 000 сўм;
- бюджетга ҳисобланган ҚҚС – 8 400 000 сўм;
- 4410 «Таъминотчиларга ўтказилган ҚҚС счёти»нинг қолдиғи – 7 000 000 сўм;
- 6410 «Бюджетга тўланадиган ҚҚС счёти»нинг колдиғи – 11 400 000 сўм.

Талаб қилинади:

1. Январ ойи учун таъминотчиларга ва бюджетга ҳисобланган ҚҚС суммаларининг тўғрилигини текширинг. Агар, четланиш мавжуд бўлса, уларни тузатиш ёзувларини беринг.

2. 4410 «Таъминотчиларга ўтказилган ҚҚС счёти» ва 6410 «Бюджетга тўланадиган ҚҚС счёти» счётлари колдиғининг тўғрилигини текширинг. Агар, четланишлар мавжуд бўлса, уларни аниикланг.

-----/-----

Корхона мол-мулки бўйича 2012 йил 1-чорагига қуйидаги маълумотлар берилган (мол-мулк солиғи ставкаси - 3,5%, вақтида ишга туширилмаган капитал қўйилмалар ва ўрнатилмаган жиҳозлар учун - 7%):

Мол-мулк	01.01га	01.02га	01.03га	01.04га
Асосий воситалари	56235680	50142500	75468965	70590210
Номоддий активлари	6651638	4898756	3584040	8986520
Вақтида ўрнатилмаган жиҳозлар	1250000	1250000	-	-
Вақтида ишга туширилмаган капитал қўйилмалар	-	12568940	12568940	12568940

Корхона бухгалтери томонидан 2012 йил 1-чорагига 3 436 580,5 сўм мол-мулк солиғи ҳисобланган.

Талаб қилинади:

Ҳисобланган мол-мулк солиғи суммасининг тўғрилигини текширинг. Агар, четланиш мавжуд бўлса, унинг суммасини аниқланг ва унга тузатиш ёзувини беринг.

-----/-----

Корхона 2012 йилда қуйидаги натижаларга эришган:

- сотишдан олинган тушум (ҚҚС билан) – 24 000 000 сўм;
- сотилган маҳсулотлар таннархи – 14 000 000 сўм;
- маъмурий харажатлар – 1 800 000 сўм;
- сотиш харажатлари – 500 000 сўм;
- бошқа операцион харажатлар – 300 000 сўм,
  шундан солиқ базасига қайта қўшиладигани – 100 000 сўм;
- асосий воситаларни сотишдан олинган фойда – 500 000 сўм;
- олинган дивидендлар (солиқ ундирилганлиги тўғрисида маълумотнома мавжуд) – 200 000 сўм;
- бегараз олинган мол-мулк – 300 000 сўм;
- узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар – 300 000 сўм;
- ундирилган жарима ва пенялар – 150 000 сўм;
- тўланган фоизлар – 300 000 сўм;
- ижобий курс фарқи - 200 000 сўм;
- солиқ бўйича имтиёзлар –100 000 сўм.

Фойда (даромад) солиғи 8 %, инфраструктурани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи 8 % ставкада ундирилади.

Шулар асосида корхона бухгалтери томонидан фойда ва ободонлаштириш солиғи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинган:

№	Хўжалик операциялари	Сумма
1	Солиқ тўлангунча фойда	4 750 000
2	Солиққа тортиладиган база	4 850 000
3	Ҳисобланган фойда солиғи суммаси	388 000
4	Ҳисобланган ободонлаштириш солиғи суммаси	348 960

Талаб қилинади:

- бухгалтер томонидан ҳисобланган солиқ тўлангунча фойда ва солиққа тортиладиган базанинг тўғрилигини текширинг. Агар, хато ҳисобланган бўлса, тўғри суммаларни кўрсатинг.
- ҳисобланган фойда солиғи ва ободонлаштириш солиғи суммаларининг тўғрилигини текширинг, агар четланиш мавжуд бўлса, уларни аниқланг ва тузатиш ёзувларини беринг.

3. Бошқа турдаги мажбуриятларнинг аудити бўйича кейслар

------/------

Корхонада Қўзиев Тга январ ойида (иш куни 25 кун) ҳисобланган ва тарқатилган иш ҳақи бўйича (ҳисоб маълумотлари бўйича) қуйидаги маълумотлар берилган:

Ишчилар Ф.И.О.	1 кун иш учун таъриф ставкаси	Ишлаган иш вақти, кун	Категория учун ҳисобланадиган қўшимча иш ҳақи, %	Касаллик варақаси тақдим этилган кунлар, кун	Ҳисобланган иш ҳақи, сўм	Даромад солиғи суммаси, сўм	Пенсия фондига ушланма суммаси, сўм
Қўзиев Т	21000	20	10	5	525 000	75 723	13 125

Қўшимча маълумотлар ва услубий кўрсатмалар:

1.Касаллик кунлари учун нафақа ҳисоблашда ўтган ойдаги иш ҳақи, ўртача мукофотлари суммаси ва болалари сони (3 ва ундан кўп бўлса 100%, 3 нафардан кам бўлган ҳолларда 60 %) асос килиб олинади.

Қўзиевнинг декабр ойида ҳисобланган иш ҳакиси – 600 000 сўм, ўртача ойлик мукофотлари – 30 000 сўм, болалари сони 2 нафар.

2.Иш ҳақидан даромад солиғи шкала бўйича ушланади. Бунда, иш ҳақининг 1-5 баробаригача - 11 %, 5-10 баробари қисмидан – 16 %, 10 баробаридан ортиқ қисмидан – 22 % ставка бўйича ҳисобланади. Энг кам ойлик иш ҳақи суммаси - 62920 сўм.

3.Пенсия фондига ушланма 4,5 % миқдорида ҳисобланади.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан ҳисобланган иш ҳақи, даромад солиғи, пенсия фондига ушланмаларнинг тўғрилигини текширинг. Агар четланишлар мавжуд бўлса, уларни тузатиш ёзувларини беринг.

------/------

Узоқ муддатли кредит бўйича мажбуриятлар (2011 йил 25 январда, йиллик 20 % ставка билан, 18 ой муддатга, асосий суммани бирваракайига муддат тугагандан сўнг қайтариш шарти билан олинган) – 3 000 000;

Ҳисобланган фоизлар бўйича мажбуриятлар – 50 959 сўм;

2012 йил январ ойида қуйидаги операциялар юз берган ва унга бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Сана	Юз берган операция	Бухг. ёзуви		
		Дт	Кт	Сумма
01.01.2012	Узоқ муддатли кредитнинг жорий қисми жорий мажбуриятларга ўтказилди	7810	6950	3 000 000
01.01.2012	Ҳисобланган фоизлар бўйича мажбуриятлар ўтказиб берилди	6920	5110	50 959
20.01.2012	Банкдан йиллик 24%лик ставка билан 5 ой муддатга кредит олинди	5110	6950	10 000 000
31.01.2012	Олинган кредитлар бўйича фоиз ҳисобланди	9610	6920	148967

Талаб қилинади:

- жорий мажбуриятларга ўтказилган узоқ муддатли кредитларнинг суммаси ва унга берилган бухгалтерия ёзувининг тўғрилигини текширинг. Агар, хатолик мавжуд бўлса, тўғри сумма ва тўғри бухгалтерия ёзувини кўрсатинг.

-январ ойи учун олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоиз суммасининг тўғрилигини текширинг. Агар, хатолик мавжуд бўлса, четланиш суммасини аниқланг ва уни тўғирлаш ёзувини беринг.

-январ ойида олинган қиска муддатли кредитнинг бухгалтерияда тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг. Агар, хатолик мавжуд бўлса, уни тўғирлаш ёзувини беринг.

------/------

Корхонада хўжалик инвентарлари олиш учун Н.Қосимовга бўнак берилган. Ушбу берилган бўнак ва унинг ишлатилиши бўйича (хисоб маълумотлари бўйича) қуйидаги маълумотлар берилган:

Маълумотлар	Берилган бухгалтерия ёзувлари		
	Дт	Кт	Сумма
Берилган бўнак суммасига	4230	5010	50 000
Олинган хўжалик инвентарлари суммасига	1080	4230	60 000
Берилган ва ишлатилган бўнак суммалари ўртасидаги фаркга	9430	6970	10 000

Талаб қилинади:

Қосимов томонидан сотиб олинган хўжалик инвентарлари қийматининг бухгалтерия ҳисобида тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг. Агар, нотўғри хисобга олинган бўлса, уни тўғирлаш ёзувларини беринг

8-мавзу: ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ АУДИТИ

Маъруза режаси:

1.Устав, қўшилган ва резерв капиталининг аудити
2.Ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасининг аудити
3.Мақсадли тушумларнинг аудиги

1.Устав, қўшилган ва резерв капиталининг аудити

Корхонанинг хусусий капиталини текшириш учун зарур маълумотлар молиявий хисоботнинг куйидаги шаклларида акс эттирилади:

Бухгалтерия балансида:

Таъсисларнинг устав капиталига кушадиган улушлари буйича карзлари – активдаги II-«Айланма активлар» булимининг «Таъсисчилар билан хисоблашишилар» моддаси (4710-счёт) (280-сатр);

Пассивдаги I»Уз маблағлари манбалари» булимида устав капитали (320 сатр), кушилган капитали (330 сатр), захира капитали (340 сатр), таксимланмаган фойда (350 сатр);

Хусусий капитал тугрисидаги хисоботда

Хусусий капиталнинг таркиби буйича: йил бошига колдиғи (010 сатр 3,4,5,6,7,8,-устунлар), йил давомидаги узгариши (020-070 сатрлар) ва йил охирига колдиғи (080-сатр).

Таъсисчилар улушларининг устав капиталига кушилганлигини тасдикловчи хужжатларга далолатномалар, накладнойлар, банк кучирмалари, тулов-топширикномалари нусхалари, касса кирим ордерларининг квитанциялари ва бошка дастлабки хужжатлар мисол була олади. Устав капиталига улуш сифатида кушиладиган мулкларга эгалик килиш хукукини тасдикловчи хужжатларга кучмас мулк, ер участкалари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк ва шунга ухшашларга эгалик килиш хукукини тасдикловчи гувохномалар киради.

Ташкилий хужжатлар:

- давлат руйхатига олинганлиги тугрисида гувохнома;
- буйруклар ва фармойишлар;
- акциядорлар ва таъсисчилар билан ёзишмалар;
- акцияларга обуна булиш натижалари тугрисидаги, савдо натижалари тугрисидаги, таъсисчилар ёки акциядорлар мажлисининг баённомалари;
- солик инспекцияда хисобга олинганлиги тугрисида маълумотнома, давлат статистика органлари, тегишли суғурта ташкилотлари ва бошка бюджетдан ташкари ташкилотларда руйхатга олинганлиги тугрисида гувохнома;
- амалдаги конунчиликка мувофик лицензияланиши лозим булган фаолият турлари учун берилган лицензиялар;
- юритилаётган хисоб шаклидан катъий назар очик турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорлар реестрини хам текширувга такдим килади.

Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларни кушиш муддатларига риоя килинишини ва туликлигини текширишда куйидагиларга эътибор берилиши лозим:

- устав капиталининг тулик шаклланганлиги;
- таъсисчилар хакикатда кушган улушларининг таъсис хужжатларида белгиланган шартларга мослиги;
- таъсисчилар томонидан устав капиталига улушларни кушишда конунчилик ва таъсис хужжатларида белгиланган муддатларга риоя килиниши.

Аудитор текширув чоғида барча таъсисчилар конунчиликка мувофик уз улушларини устав капиталига уз вактида ва туғри хамда тулик кушганликларини аниклаши керак.

Масалан, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) устав капиталига жамиятни руйхатга олиш пайтида хар бир иштирокчи камида 30 % улушини кушган булиши керак.

Корхона устав капиталига таъсисчилар томонидан улушлар кушилмаган ёки тулик кушилмаган холатларнинг аникланиши, тегишли бошкарув органлари учун корхона таъсис этилмаган ва тугатилиши керак деб топилишига асос булади.

Бухгалтерия хисобининг журнал-ордер шакли кулланиладиган корхоналарда амалдаги коидаларга мувофик 8310-8330 счётлар буйича №13-журнал-ордер ва аналитик хисоб ведомостлари кулланилади. Бухгалтерия хисоби компьютерлаштирилган корхоналарда 8300-устав капиталини хисобга оладиган счётлар, 4610-«Устав капитали (фонди)га улушлар буйича таъсисларнинг карзлари» ва 6620 - Чикиб кетаётган таъсисларнинг улушлари буйича карзлар» счётлари буйича синтетик ва аналитик хисоб юритиладиган компьютер дастурлари кулланилади.

Шунингдек, Бош дафтар ёки оборот-сальдо ведомостлари хам текширилади.

№21 БХМСга мувофик 8400-кушилган капиталнн хисобга оладиган счётларда оддий ва имтиёзли акцияларни номинал кийматидан юкори бахода дастлабки сотишдан олинган **эмиссион даромадлар** (8410), устав капиталини шакллантиришда хосил булган **курс тафовутлари (8420)** акс эттирилади. Аудитор ушбу капитал таркибининг туғри шаклланиши ва узгаришларини тегишли асос булувчи хужжатларга мувофик текшириб, натижаларини узининг ишчи хужжатларида кайд килиб бориши зарур. Жумладан, акцияларни сотишдан олинган маблағлар киримн, номинал ва биржа (бозор) бахоси уртасидаги фаркни аниклаш хамда хусусий капитал таркибида кушилган капиталнинг шаклланишини туғри акс эттириш ва х.к.

№21 БХМС га мувофик корхонанинг таъсис хужжатларига мувофик фойда хисобидан яратилган захиралар, активларни кайта бахолашда хосил булган

инфляцион захиралар, беғараз олинган мол-мулк **резерв капиталини** ташкил этади.

Аудитор захира капиталини текширишда, даставвал, уни шакллантириш учун асос булувчи меъёрий хужжатлар мавжудлиги ва уларга риоя килинаётганлигини аниклайди. Баланснинг «Резерв капитали» моддаси буйича мавжуд сумманинг тегишли санага тузилган синтетик ва аналитик хисоб регистрларидаги (8531,8532 ва 8535 счётлар буйича кредит) колдикларига тенглиги текширилади.

Сунгра хар бир счёт буйича колдик суммалар, дебет ва кредит оборотлар мохиятан текширилади.

Масалан, 8510-«Активларни кайта бахолаш буйича тузатишлар» счёти буйича колдик сумма качон пайдо булганлиги, активларни кайта бахолаш тугрисида хукумат карорлари, услубий курсатмалар, корхона хисоб сиёсати ва бошка асослар мавжудлиги аникланади. Шунингдек, кайта бахолаш буйича бажарилган хисоб-китоблар тугрилиги (хар бир аналитик хисоб объекти буйича), кайта бахолаш натижаларининг тегишли аналитик хисоб регистрларида акс эттирилиши ва счётлар богланиши (проводкалар) тугри белгиланганлиги текширилади.

Акциядорлик жамиятлари, кушма корхоналар ва бошка хужалик юритувчи субъектларда яратилган резерв капиталининг мавжудлиги ва узгариши 8520-«Резерв капитали» счёти маълумотлари буйича текширилади. Бунда аудитор резерв капиталини шакллантиришга доир Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари ва таъсис хужжатларининг тегишли коидаларига риоя килинишини аниклайди.

Резерв капиталига фойдадан ажратмалар, унинг корхона таъсис хужжатларида кузда тутилган корхона устав капиталининг 15 % етмагунча ажратилаверади.

Аудитор ушбу капиталнинг тугри ташкил этилиши ва тулдирилиб боришини текширишда ажратмалар хисобига яратилган резерв капитали устав капиталининг 15% дан ошмаганлиги, мулклар (асосий воситалар)ни кайта бахолашда хосил булган инфляцион захираларнинг хаммаси 8510-счёт кредитига олиб борилганлигини аниклайди.

Беғараз олинган мол-мулкни тузилган шартномалар, уларнинг кирим хужжатлари ўрганилиб, уларнинг хисоб регистрларига тегишли ёзувлар билан ўтказилганлиги аникланади.

2. Ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасининг аудити

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси – корхонада шу пайтгача олинган, бироқ хали тақсимланмаган фойдалар йиғиндиси.

Ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси бухгалтерия баланси пассив кисмининг хусусий капитал бўлимида ва хусусий капитал тўғрисидаги

ҳисоботда акс эттирилган бўлади. Аудитор ушбу молиявий ҳисобот шаклларидаги суммаларнинг тўғрилигини текширади ва ўз хулосасини беради.

Ўтган йиллар таксимланмаган фойдаси баланс ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга бош китобдаги 8720 «Ўтган йиллар таксимланмаган фойдаси» счётидан олиб ёзилади. Бош китобга эса ушбу счётга очилган журнал-ордерлардан, журнал-ордерларга 8710 «Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси счётидан» олиб ёзилади. Шу сабабли, аудитор дастлаб ушбу жараёнлардан суммаларнинг тўғри ўтказилганлигини бирма-бир кўриб чиқиши лозим.

Ўтган йиллар таксимланмаган фойдаси таъсисчилар йиғилишининг карори билан дивиденд сифатида тақсимланиши ва бир қисми корхонанг резерв капиталига ўтказилиши мумкин. Ушбу жараёнлар ҳам аудитор томонидан таъсисчилар йиғилишининг баённомаси асосида текширилиши лозим.

3. Мақсадли тушумларнинг аудити

Корхоналарнинг мақсадли тушумларини аудиторлик текширувидан ўтказишга асос бўлиб бухгалтерия баланси, мақсадли тушумлар барча турларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги синтетик ва аналитик маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи Бош китоб, журнал- ордерлар, ҳисоботлар ва бошланғич ҳужжатлар ҳисобланади.

Улар бўйича текширишнинг асосий объектлари, текширишнинг кетма-кетлиги, текширишдан олиниши лозим бўлган натижалар, шунингдек аудиторларнинг мумкин бўлган хатарлари қуйидагилардан иборат бўлади.

Аудитни ўтказиш кетма-кетлиги	Аудит текшируви натижалари	Мумкин бўлган аудиторлик хатари
Мақсадли маблағларни шаклланиши ва ишлатилишининг қонунийлиги ва реаллиги текширилади	Мақсадли маблағларни, шу жумладан солиқ имтиёзларидан шаклланган мақсадли тушумларнинг реаллигини тасдиклаш	1.Хусусий капиталнинг реал ҳолати бузиб кўрсатилиши мумкин 2.Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин

«ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1.Талабалар 5 гурухга ажратилиб, ҳар бир гурухга биттадан хусусий капитал элементи (устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, максадли тушумлар) бўйича аудит ўтказиш методологиясини чизмали тарзда ишлаб чиқиш ҳамда презентация тайёрлаш топширилади.

2. Хусусий капиталнинг аудити бўйича қуйидаги кейс ечилади

2012 йил 1 январ ҳолатига корхона бухгалтерия балансининг пассив қисми, хусусий капитал бўлимидан кўчирма:

Сўмда

ПАССИВ	Сатр коди	01.01.2011 га	01.01.2012 га		
			Ҳисоб маълумотлари бўйича	Аудит маълумотлари бўйича	Четланиш, (+,-)
I. Уз маблаглари манбалари					
Устав капитали	410	45 000 000	39 000 000	40 000 000	-1 000 000
Кушилган капитали	420	8 650 260	8 650 260	7 650 260	+1 000 000
Резерв капитали	430	12 486 300	18 844 347	16 444 347	+2 400 000
Сотиб олинган хусусий акциялар	440	0	0	0	-
Таксимланмаган фойда (копланманган зарар)	450	6 580 470	5 660 000	5 460 000	+200 000
Максадли тушумлар	460	500 000	500 000	700 000	-200 000
Келгуси давр харажатлари ва туловлари учун резервлар	470	0	0	0	-
I-булим буйича жами	**480**	**73 217 030**	**72 654 607**	**70 254 607**	**+ 2 400 000**

Корхонада 2011 йил мобойнида хусусий капиталга оид қуйидаги операциялар юз берган:

1.2011 йил 1 январ ҳолатига асосий воситалар қайта баҳоланди. Қайта баҳоланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 25 000 000 сўм, жамланган эскириш суммаси 12 000 000 сўм. Қайта баҳолаш комиссияси қарорига кўра қайта баҳолаш коэффициенти барча асосий воситалар учун -1,2 килиб белгиланган;

2.Таъсисчилар йиғилишининг қарорига кўра тақсимланмаган фойданинг 90%и дивидендга ва 10 %и резерв капиталига ўтказилди;

3.Раҳбарнинг буйруғига ва хисоб сиёсатида белгиланган тартибга кўра йил мобойнида асосий воситаларнинг капитал таъмири учун 2 000 000 сўм резервга ажратма қилинди. Шундан 1 850 460 сўми капитал таъмирлаш учун ишлатилди, қолган қисми даромадга олинди;

4.Номинал қиймати 10 000 сўмдан бўлган 500 дона хусусий акция 12 000 сўмдан қайта сотиб олинди. Ушбу акциялар таъсисчилар йиғилишининг қарорига кўра бекор қилинди;

5.Тузилган шартнома асосида ҳамкор корхоналардан 700 000 сўмлик материал молиявий ёрдам сифатида келиб тушди;

6.2011 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан 200 000 сўми мақсадли фойдаланиш учун корхона ихтиёрида қолдирилди.

7.Корхона 2011 йилни 5 460 000 сўм соф фойда билан якунлади.

Талаб қилинади: Берилганлар асосида 01.01.2012 хусусий капитал элементлари суммаларининг тўғрилигини текширинг. Агар, нотўғри ҳисобланган бўлса, тўғри суммани аниқланг.

9-мавзу: ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)НИНГ АУДИТИ

Маъруза режаси:

1.Даромадларнинг аудити
2.Харажатларнинг аудити
3.Соф фойда (зарар)нинг аудити

1.Даромадларнинг аудити

Даромадлар аудитини ўтказишда аудитнинг бошка сохалари каби аудитор куйидаги асосий вазифаларни бажариши лозим.

-Аудитни режалаштириш.
-Аудиторлик танлашни амалга ошириш.
-Аудиторлик далилларини йигиш.
-Аудитни хужжатлаштириш.
-Аудиторлик хулосасини тайёрлаш.

ДАРОМАДЛАР АУДИТИНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ

№	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изохлар
1	Даромадларни фаолият турига мос келишлигини текшириш.	1 кун	Аудитор	
2	Даромадларни ҳисобга олиниши, хужжатлаштирилиши, ҳисоботларда акс эттирилишини текшириш.	5 кун	Аудитор, аудитор ёрдамчиси	
3	Даромадларни хакикатда олиниши режада белгиланган курсаткичларга кай даража мос келаётганлиги, мавжуд хато камчиликлар ва муаммолар, текширув натижалари буйича аудиторлик ҳисоботи тузиш рахбариятга олинадиган даромадларни оптимал хажмини таъминлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш.	2 кун	Аудитор, аудитор ёрдамчиси	

ДАРОМАДЛАР АУДИТИ ДАСТУРИ

N	Аудит булимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажа-рувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изох
1.1	Корхонанинг фаолият турлари билан шугулланиши учун белгиланган меъёрий хужжатлар тахлилини утказиш	1 кун	Ауди тор	Ишчи хужжат №1 Корхона низомида курсатилган фаолият турларига олинган лицензиялар ва рухсатномалар мавжудлигини текшириш маълумотномаси	
1.2	Олинган даромадларга ёзилган счет фактураларни туликлиги ва тутрилигини. хамда аналитик хисоб регистрларидаги суммаларга мос келишлигини текшириш.	1 кун	Ауди тор	Ишчи хужжат №2 Тайёр махсулот омбори хисоботи ёзувлари ва аналитик хисоб ёзувларини таккослаш жадвали.	
1.3	Бош китобдаги ёзувларнинг аналитик хисоб регистрларидаги ёзувлар билан мослигини текшириш	1 кун	Аудитор	Ишчи хужжат №3 Курсаткичларни таккослаш жадвали	
1.4	Молиявий хисобоботлардаги ёзувларни бош китоб маълумотларига асосан тузилганлигини аниклаш.	1 кун	Аудитор	Ишчи хужжат №4 Курсаткичларни таккослаш жадвали	

Даромадлар аудити текширилаётган давр учун «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да барча турдаги даромадларнинг мавжудлигини аниклашдан, унинг таркибий тузилишини ўрганишдан, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни арифметик жиҳатдан текширишдан бошланади.

Сўнгра корхонада мавжуд барча даромад элементлари алоҳида-алоҳида текшириб чиқилади.

Даромадларни аудит қилишда дастлаб, текширув объектини ўрганиш нуқтаи назаридан қуйидагиларга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ:

- корхонанинг асосий фаолият турлари;
- ҳисобот даврида даромад келтирган қўшимча фаолият турлари;
- ялпи даромадининг, хусусан асосий фаолиятдан олган даромадининг таркиби;
- даромадни тан олишга асос бўлувчи бошланғич хужжатларни тузиш, унинг айланиш ва сакланиш тартиби;
- даромадни хисобга олиш регистрлари ва уларнинг юритилиши.

Ушбу саволларга жавоб топиш, аудиторлар гурухи рахбари томонидан амалга ошириладиган ишларни жорий режалаштириш ва вазифаларни аудиторлар ўртасида мукаммал таксимлашга имкон беради. Сўнгра, даромадлар хисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини аниклашга киришилади.

Амалиётда ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини текширишнинг икки хил- «пастдан юқорига» ва «юқоридан пастга» усулларидан фойдаланилади. Бу усуллар мос равишда, бошланғич ҳужжатлардан молиявий ҳисоботга қараб ёки аксинча, молиявий ҳисоботлардан бошланғич ҳужжатларга қараб текширилишини билдиради. Бизнинг фикримизча, даромадлар аудитида «пастдан юқорига» қараб текшириш кулай ҳисобланади. Чунки, бу усул аниқланган четланишларни йўл-йўлакай тўғирлаб кетиш имконини беради. Ушбу усулда даромадлар аудити бошланғич ҳужжатларни тўплаш ва уларнинг журнал-ордерларга ўтказилишини текширишдан бошланади.

Юқорида эътироф этганимиздек, корхоналар даромадларининг катта қисми, айрим ҳолларда 100 фоизи маҳсулотларни сотишдан олинади. Ўз навбатида даромадлар аудитида иш ҳажмининг ҳам қисми ушбу турдаги даромадларни текширишга тўғри келади. Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни текшириш, счёт-фактураларнинг тўлиқлиги, уларнинг номерлари кетма-кетлиги бўйича текширилади. Уларнинг, мос равишда «Ёзилган счёт-фактураларни қайд этиш китоби»га киритилганлиги кўриб чиқилади.

Сўнгра, счёт-фактура бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидаги чизмада келтирилган тартибда солиштирилади.

Журнал ордер
2012 йил май ойи учун
9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромад»

№	Сана	Операция мазмуни	9010 счёт кредитидан дебет счётларга:			Жами
			4010			
1	2	3	4	5	6	12
.....						
6	28.05	Товарлар сотилди	3160000			3160000
.....						
Жами						47895620

СЧЕТ-ФАКТУРА №256
от «28 » мая 2012 года

№	Наименование товара (работ, услуг)	Ед. изм.	Кол-во	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стоимость поставки с НДС
						Ставка	Сумма	
1	Голд Пульсар 1,5л ПЭТ	Дал	1000	2200	2 200 000	20	440 000	2 640 000
2	Сильвер Пульсар 0,5л бут	Дал	1200	800	960 000	20	192 000	1 152 000
	Итого				3 160 000		632 000	3 792 000
	Сумма прописью: Три млн. семсоть двеносто два тысяч							

Корхоналарда асосий бўлмаган фаолиятлар (бошқа операцион, инвестиция фаолиятидан олинган ва бюджетлаштирилмаган)дан олинган даромадлар турли хил ҳужжатлар, чунончи, счёт-фактуралар, маълумотномалар, далолатномалар, банк кўчирмалари ва бошқа ҳужжатлар асосида тан олинади. Ушбу турдаги даромадлар кам юз берганлиги боис, уларни текширишга унчалик кўп вақт талаб қилинмайди. Бироқ, ушбу ҳужжатларнинг ҳам ҳисоб регистрларига тўлиқ ва тўғри ўтказилганлиги ёппасига, юқоридаги чизмадаги каби текширилиши лозим.

Барча бошланғич ҳужжатларнинг журнал ордерларга ўтказилганлиги текшириб бўлингач, ҳисобнинг кейинги босқичлари - даромадлар ҳақидаги ахборотларнинг бош китоб ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга тўғри ўтказилганлиги текширилади.

2. Харажатларнинг аудити

Сотилган махсулот (иш,хизмат)лар таннархини ҳисоблашни текширишда аудитор куйидагиларнинг туғрилигини аниклайди:

-махсулот ишлаб чикариш (иш,хизмат) учун килинадиган харажатларнинг туркумланишини;

-харажатларни калькуляция моддалари буйича ҳисобга олиш ва ҳисобдан чикариш (таксимлаш);

-яроксизлик (брак) дан ва бекор туриб колишдан курилган йукотишлар;

-тугалланмаган ишлаб чикаришни аниклаш;

-билвосита харажатларни таксимлаш;

-харажатларни ҳисобга олиш ва махсулот (иш,хизмат)лар таннархини ҳисоблаш усулларини куллаш;

-ишлаб чикариш харажатларини ҳисобга олишга доир счётларнинг узаро богланиши (корреспонденцияси)ни тузиш;

-ишлаб чикариш харажатларининг йиғма, аналитик ва синтетик ҳисобини юритишни;

-харажат счётлари буйича аналитик ва синтетик ҳисоб ёзувларининг бош дафтар хамда балансдаги ёзувларга мос келиши.

Махсулот (иш,хизмат)лар таннархини ҳисоблашда хар хил усуллар кулланилади.

Саноат ишлаб чикаришида таннарх ҳисоблаш куйидаги усулларда амалга оширилади: **оддий усул, норматив усул, буюртмалар усули, боскичлар усули.**

Аудиторлик текширувининг вазифаларидан бири - танланган калькуляциялаш усулининг асослилигини тасдиклашдан иборат.

Давр харажатларига киритиладиган харажатлар таркиби «Махсулотлар (иш, хизматлар) таннархига кушиладиган, махсулот ишлаб чикариш (иш бажариш, хизмат курсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий

натижаларини шакллантириш тартиби туғрисидаги Низом»га мувофик аникланади.

Аудитор давр харажатларини хисобга олишни ва молиявий натижалар туғрисидаги хисоботни тузишнинг туғрилигигни назорат килиш максадида куйидагиларни текшириши лозим: давр харажатларини хисобга оладиган: 9410-«Сотиш харажатлари», 9420 - «Маъмурий харажатлар», 9430-«Бошка операцион харажатлар», 9440-«Келгусида соликка тортиладиган базадан чегириладиган хисобот даври харажатлари (харажатларнинг турлари буйича)» буйича уз вактида, ишонарли ва тулик акс эттирилишининг таъминланиши; маъмурий-бошкарув ходимлари мехнатига хак тулаш ва мукофотлаш хакидаги Низом, лавозим маошларининг белгиланган харажатлар сметасига риоя килиниши устидан назоратнинг таъминланиши; куйидаги харажатларни давр харажатларига киритишнинг асосланганлиги ва уз вактидалиги: реклама харажатлари (нашриётда эълон килиш, радиодан эшитириш ва телевидение оркали курсатиш, реклама махсулотларини ишлаб чикиш ва чоп этиш, стендлар ва шитлар тайёрлаш, видео ва диафильмлар намойиш этиш ва бошкалар); корхонанинг Узбекистон Республикаси худудида ва хориждаги ярмаркалар ва кургазмаларда иштирок этишига доир харажатлар (экспонатларни тайёрлаш ва етказиб бериш, моделлар ва макетлар тайёрлаш, адабиётлар ва техник хужжатларни нашр килиш); махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт килиш билан боғлик харажатлар; божхона тадбирлари учун туловлар; импорт муомалаларини амалга оширишда воситачилик киладиган ташкилотларга туланадиган комиссион туловлар суммалари; божхона туловлари, шунингдек, товарлар ва бошка мулкларни импорт килиш билан боғлик булган божхонада амалга ошириладиган расмийлаштириш утказиш учун туловлар; материал кийматликларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари; белгиланган меъёрлар ва бошкарув томонидан тасдикланган сметалар доирасидаги корхона фаолияти билан боғлик вакиллик харажатлари (штатда турмайдиган таржимонлар хизматига хак тулаш, ишчи музокаралар вактида чет эллик вакилларнинг расмий кабулини утказишга доир харажатлар).

Бунда килинган харажатларнинг асосланганлиги ва тасдикловчи хужжатлар (счётлар, дуконлар ва ресторанларнинг чеклари ва бошкалар)нинг мавжудлигига алохида эътибор бериш зарур.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар «Харажатлар таркиби туғрисидаги .... Низомда»да белгиланган. Ушбу Низомга мувофик молиявий фаолият буйича харажатларга куйидагилар киради:

- Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган хисоб ставкалари даражасида ва улардан ортикча олинган киска муддатли хамда узок муддатли кредитлар буйича, шу жумладан тулов муддати утган ва узайтирилган ссудалар буйча туловлар;

- мулкни узок муддатли ижарага олиш (лизинг) буйича фоизларни тулаш харажатлари;

- чет эл валютаси билан муомалалар буйича салбий крс тафовутлари буйича зарарлар;

- харажатланган (кимматли коғозларга, шуъба корхоналарга ва хакозоларга) маблағларни кайта бахолашдан курилган зарарлар;

- уз кимматли коғозларини чикариш ва таркатиш билан боғлик харажатлар;

- молиявий фаолият буйича бошка харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

Аудитор ушбу харажатларни текширишда 9610, 9620, 9630, 9640, 9650 ва 9690-счётлар буйича ҳисоб ёзувларини текширувдан утказиб, уларнинг «Низом»га мувофиклиги ва счётларда туғри акс эттирилганлигига ишонч хосил килиши лозим.

Фавкулодда зарарлар – бу хужалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чикувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва руй бериши кутилмаган одатдан ташкари харажатлардир. Бунга фавкулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак булган утган давр харажатлари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавкулодда зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у куйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хужалик фаолиятига хос эмаслик;

- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;

- бошкарув ходими томонидан кабул килинадиган карорларга боғлик эмаслик.

Тегишли моддаларни фавкулодда зарарлар каторига киритиш ёки киритмаслик туғрисида карорлар кабул килишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни хам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хужалик юритувчи субъект алохида иклим шароитларида жойлашган булса, у холда иклим шароитларига боғлик холдаги ишламай туриб колишлар фавкулодда деб бахоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

Шунингдек, аудитор «Низом»нинг 1-иловасига мувофик соликка тортиладиган базага кушилиши лозим булган, молиявий фаолиятга доир харажатларни хам текшириши зарур. Бундай харажатларга:

- киска муддатли банк кредитлари, шу жумладан тулов муддати утган ва узайтирилган ссудалар буйича Узбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари ошган туловлар;

- узок муддатли банк кредитлари буйича туловлар;

- кимматли коғозларни чикариш билан боғлик харажатлар;

- кимматли коғозлар муддатидан олдин тулаш муносабати билан вужудга келган салбий дисконт,агар бу бюджетга карзларни тулаш билан боғлик булмаса.

Аудитор молиявий фаолиятга доир харажатлар ва фавкулодда курилган зарарларни текширишнинг барча жихатларини узининг ишчи хужжатларида кайд килиб боради.

3.Соф фойда (зарар)нинг аудити акс эттирилган слайдлар

Фойда хар бир корхонанинг мухим сифат кўрсатгичи хисобланади. Фойдадан солик тўланади, устав капиталига ажратмалар қилинади. Аудитор фойданинг туғри хисобланганлигини, йил давомида қонуний ишлатилганлигини текширади. Бундай текширув 9910 «Якуний молиявий натижа», 8710 «Хисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)» счетлари орқали амалга оширилади.

Аудитор фойда кўрсатгичининг туғри хисобланганлигини куйидаги операциялар орқали текширади:

- даромад турлари бўйича операциялар;
- харажат турлари бўйича операциялар;
- йил давомида ишлатилган фойда бўйича операциялар.

Аудитор молиявий натижаларни текширишда куйидагиларни хам аниклаши лозим: бюджетга соликларнинг уз вактида ва тулик туланиши; шубхали карзлар буйича захиралар яратилишининг туғрилиги; фойданинг корхона иштирокчилари уртасида уз вактида ва туғри таксимланиши; акциядорларга дивидендлар тулашнинг туғрилиги.

«ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)НИНГ АУДИТИ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1.Талабалар 5 гуруҳга ажратилиб, 1-гуруҳга асосий фаолиятдан олинган даромадларни, 2-гуруҳга сотилган маҳсулотлар таннархини, 3-гуруҳга давр харажатларини, 4-гуруҳга молиявий фаолиятга оид харажатларни ва 5-гуруҳга соф фойдани аудит қилиш методологиясини чизмали тарзда ишлаб чиқиш ва презентация тайёрлаш топширилади.

2. Даромадлар, харажатлар ва соф фойда (зарар)нинг аудити бўйича кейслар

----/----

Корхона 2012 йилда қуйидаги натижаларга эришган:

Сотишдан олинган тушум (ҚҚС билан) – 96 000 000 сўм; сотилган маҳсулотлар таннархи– 68 000 000 сўм; маъмурият ходимларига ҳисобланган иш ҳақи – 4 000 000 сўм; маъмурият ходимлари иш ҳақисидан ижтимоий суғуртага ажратмалар – 960 000 сўм; хизмат автомобилини саклаш харажатлари – 600 000 сўм; маъмурият биносининг эскириши – 900 000 сўм; алока хизмати учун тўловлар – 180 000 сўм (норма – 120 000 сўм); бошқа маъмурий харажатлар – 840 000 сўм; сотиш харажатлари – 900 000 сўм; кадрлар тайёрлаш харажатлари – 170 000 сўм; реклама харажатлари – 80 000 сўм (норма – 70 000 сўм); аудиторлик хизматлари (мажбурий тусда) учун тўлов – 500 000 сўм; харажатларга олиб борилган солиқ тўловлари –600 000 сўм; асосий воситаларни сотишдан олинган фойда – 500 000 сўм; олинган дивидендлар (солиқ ундирилганлиги тўғрисида маълумотнома мавжуд) – 300 000 сўм; беғараз олинган мол-мулк – 300 000 сўм; узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар – 250 000 сўм; ундирилган жарима ва пенялар – 450 000 сўм; тўланган фоизлар – 400 000 сўм; ижобий курс фарқи - 200 000 сўм; солиқ бўйича имтиёзлар –400 000 сўм.

Корхона бухгалтери томонидан тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан кўчирма:

Кўрсаткичлар	Ҳисоб маълумотлари		Аудит маълумотлари	
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан соф тушум	**96 000 000**			
Сотилган маҳсулотлар таннархи		*68 000 000*		
Ялпи молиявий натижа	**28 000 000**			
Давр харажатлари		9 130 000		
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	500 000			
Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар	**19 370 000**			
Молиявий фаолият даромадлари	1 050 000			
Молиявий фаолият харажатлари		1 000 000		
Умумхўжалик фаолияти фойдаси ёки зарари	**19 420 000**			
Фавқулодда фойда ёки зарар	-	-		
Солиқ тўланигунча фойда ёки зарар	**19 420 000**			
Солиққа тортиладиган база	*19 690 000*			
Фойда солиғи (10 %)		1 969 000		
Ободонлаштириш солиғи (8 %)		1 575 200		
Соф фойда ёки зарар	***16 424 800***			

Талаб қилинади: Молиявий натижа кўрсаткичларининг тўғрилигини текширинг. Агар, хато ҳисобланган бўлса, тўғрисини аниқланг.

----/----

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот бўйича сотиш харажатлари 20 млн. сўм. Бош китобда очилган 9410 счётнинг корреспонденцияси бўйича қуйидаги харажатлар қилинганлиги аниқланди: сотишга доир ходимларга ҳисобланган иш ҳақи 5 млн. сум; ижтимоий суғуртага ажратма 1,2 млн. сўм; транспорт харажатлари – 9 млн. сўм; реклама харажатлари – 6 млн. сум, омбор ва магазинлар амортизацияси 3 млн. сум.

Корхона фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади ва уни 10 % лик ставкада тўлайди.

Талаб қилинади:

а) ҳисоботни тузишда йўл қўйилган хатоликни топиш ва уни фойда солиғи тўловига таъсирини аниқлаш;

б)ушбу ҳолат буйича аудиторлик тавсиясини бериш.

----/----

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот бўйича сотишдан олинган соф тушум 600 млн. сўм. Сотиш таннархи – 500 млн. сўм, сотишдан олинган фойда 100 млн. сўм. 2910 «Тайёр маҳсулотлар» счёти маълумотлари бўйича бош колдик 100 млн. сўм, ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот 500 млн.сўм, охирги колдик – 115 млн. сўм. Корхона ягона солик тўловини тўловчиси ҳисобланади ва уни 10 % лик ставкада 60 млн. сўм миқдорида ҳисоблаган.

Талиб қилинади:

а) ҳисоботни тузишда йўл қўйилган хатоликни топиш ва уни солик тўловига таъсирини аниқлаш;

б)ушбу ҳолат буйича аудиторлик фикрини ёзиш.

10-мавзу: АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ

Маъруза режаси:

1.Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш

2.Аудит натижаларини тадбиқ этиш

1.Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш тартиби

Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш деганда шартномада кўрсатилган объектлар бўйича аудиторлик текширувида аниқланган далилу-исботларни расмий ҳужжатларда акс эттириш тушунилади. Ушбу расмий ҳужжатлар бўлиб аудиторнинг ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун»ига мувофик (18-модда) **«аудитор ҳисоботи»** – бу аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоида бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари) нинг умумий йиғилишига йўлланган хужжат».

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини текшириш бўйича ўтқазилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудитор ҳисоботи 70-сон АФМС «Аудитор ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» га мувофиқ тузилади.

Ушбу АФМС га мувофиқ аудиторнинг ҳисоботи қуйидаги уч қисмдан (бўлимдан) иборат бўлади.

Қисм (бўлим)	Нима акс эттирилади
1.Кириш қисм	Аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек аудиторлик текширувини ўтказишга доир умумий маълумотлар кўрсатилади
2.Асосий қисм	Аудиторлик текширувини олиб бориш жараёнлари, ва текширув натижалари, мавжуд хато-камчиликлар, уларнинг сабаблари кўрсатилади. Ушбу қисм алохида мавзулар (бўлимлар)ни акс эттирувчи параграфларга бўлиниши мумкин
3.Хулоса қисми	Текшириш объекти (объектлари) бўйича аудиторлик хулосаси, аниқланган четланишлар ва қонунбузарлик-ларни бартараф этиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хўжалик фаолияти самарадор-лигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар берилади

2. Аудит натижаларини тадбиқ этиш тартиби акс эттирилган слайдлар

Аудит натижаларини тадбиқ этиш деганда аудитор хисоботида акс эттирилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар мажмуаси тушунилади. Одатда, ушбу ишлар аудиторлик текширувидан кейин кўпи билан 15 кун ичида ўтказилиши керак, чунки аудиторлик текширувидан ўтган хўжалик юритувчи субъект аудит текшируви ўтказилгандан сўнг 15 кун ичида аудиторлик хулосасини қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли органларга тақдим этиши лозим.

Аудит натижаларини тадбиқ этишга доир ишлар:

- Аудиторлик текшируви натижаларини хўжалик юритувчи субъект рахбарияти, мулкдорлар, Кузатув кенгаши аъзолари ва бошқа қизиқувчилар иштирокида муҳокама қилиш;
- Аудиторлик текширувида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш муддатларини, аниқ маъсул ходимларни белгилаш;
- Аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни ҳақикатда бартараф этилганлигини назорат қилиш ва муҳокама этиш.

Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этишга маъсул бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари хисобланади. Раҳбар аудиторлик ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ аниқланган хато ва камчиликларни текширувни ўтказган аудиторларнинг иштирокида ўтказиши максадга мувофиқ.

Аудиторларни қуйидаги хато ва камчиликларни бартараф этишда жалб қилиш ўта муҳим ҳисобланади:

- Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қайта хисоб-китобларни тайёрлаш;
- Баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларини қайта тузиш;
- Бош китобга тузатиш ёзувларини киритиш;
- Корхонанинг ҳисоб сиёсатининг асосий параметларини белгилаш;
- Корхона ходимларига хато ва камчиликларга йўл қўймасликлари учун маслаҳатлар бериш бошқалар.

Аниқланган хато ва камчиликларни ўз вактида тўғриланиши, солиқ декларацияларини ва молиявий ҳисобот шаклларини қонун хужжарига мувофиқ қайта тузилиши ҳамда тақдим этилиши аудиторларга молиявий ҳисобот бўйича ижобий хулоса беришларига асос бўлади.

«АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ» мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш тартиби

1.Талабалардан хаёлан ўтказилган аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш талаб этилади.

2. Корхонанинг молиявий ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг аудиторлик таҳлили бўйича кейс

-----/-----

Корхонанинг бухгалтерия балансидан кўчирма:

Минг сўмда

ИЧСК маблағларининг жойлашиши			**Маблағларнинг ташкил топиш манбалари**		
Кўрсаткичлар	**Давр бошига**	**Давр охирига**	**Кўрсаткичлар**	**Давр бошига**	**Давр охирига**
I. Узоқ муддатли активлар			***I. Ўз маблағлари манбалари***		
Асосий воситалар, шундан: *ишлаб чиқариш АВ*	32975 *24670*	32890 *22610*	Устав, қўшилган ва заҳира капитали	149837	149870
Номоддий активлар	-	-	Тақсимланмаган фойда	8723	8944
Узоқ муддатли инвестициялар	72563	70401	Мақсадли тушумлар	285	85
Капитал қўйилмалар, ўрнатиладиган жиҳозлар	-	-	Келгуси харажатлар ва тўловлар учун резервлар	7525	5872
1-бўлим бўйича жами	**105538**	**103291**	**1-бўлим бўйича жами**	**166370**	**164771**
2.Жорий активлар			***2.Мажбуриятлар***		
Товар-моддий заҳиралар	101226	93522	Узоқ муддатли мажбуриятлар	-	-
Пул маблағлари	6018	9519	Қисқа муддатли мажбуриятлар	100326	87645
Дебиторлик қарзлари	53315	33739			
2-бўлим бўйича жами	**161158**	**149125**	**2-бўлим бўйича жами**	**100326**	**87645**
Жами корхона активлари	**266696**	**252416**	**Жами корхона пассивлари**	**266696**	**252416**

Корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан кўчирма:

Минг сўмда

Кўрсаткичлар	Давр бошига		Давр охирига	
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан соф тушум	601 489		500 410	
Сотилган махсулотлар таннархи		525 188		437 390
Ялпи молиявий натижа	76 301		63 020	
Давр харажатлари		52 195		42 381
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	-		2 567	
Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар	**24 106**		**23 206**	
Молиявий фаолият даромадлари	253		480	
Молиявий фаолият харажатлари		18 379		13 722
Умумхўжалик фаолияти фойдаси ёки зарари	**5 980**		**9 964**	
Фавкуловда фойда ёки зарар	-	-	-	-
Солиқ тўлангунча фойда ёки зарар	**5 980**		**9 964**	
Фойдадан ҳисобланадиган солиқлар		2 444		5 334
Соф фойда ёки зарар	**3536**		**4 630**	

Талаб қилинади: Корхонанинг молиявий ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларининг аудиторлик таҳлилини ўтказинг.

3. МАСАЛАЛАР ВА МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ

*****

Корхона офисида фойдаланилаётган, бошланғич киймати 620 000 сумлик ва ҳисобланган эскириш суммаси 220 000 сумлик булган нусха кўчириш аппарати (ксерокс) моддий жавобгар шахс айби билан яроксиз ҳолга келди. Ушбу операция буйича корхонада далолатнома тузилди ва шу далолатнома асосида бухгалтер куйидаги бухгалтерия ёзувларини берган:

	Дт	Кт	Сумма
1.	9210	0140	620 000
2.	9210	0240	220 000
3.	9310	9210	400 000

Талаб қилинади:

а) бухгалтерия ёзувларидаги хатоликни аниклаш

б) аникланган хатоликни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш

*****

Корхона ҳисоб сиёсатига мувофик материаллар ҳисобини юритишда улар кийматини баҳолашнинг «АВЕКО» усулидан фойдаланади. Қуйида «А» материал бўйича «Январ» ойида унинг кирими ва чиқимига оид ҳисоб маълумотлари келтирилган.

Сана	Кирим			Чиқим		
	Сони	Баҳоси	Суммаси	Сони	Баҳоси	Суммаси
1.01.га қолдиқ	**200**	**50**	**10 000**			
5.01	150	50	7 500	300	55	16 500
12.01	300	55	16 500	500	55	27 500
23.01	450	60	27 000	200	55	11 000
Жами	**900**		**51 000**	**1000**		**55 000**
1.02.га қолдиқ	**100**		**6 000**			

Талаб қилинади:

а) «А» материалнинг маҳсулот таннархига киритилган ҳамда ой охирида мавжуд бўлган қолдиғини ҳисоб-китоб қилиш бўйича йўл қўйилган четланишларни аниқлаш;

б) хатоларни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсияларини ишлаб чикиш.

*****

2012 йил 02 январда сотиб олинган автомашинанинг бошланғич қиймати – 10000000 сўм, хизмат муддати – 5 йил, йиллик эскириш меъёри – 20%. Ҳисоб сиёсатига кўра корхонада 2012 йилда эскириш кумулятив усулда ҳисобланган. Корхона бухгалтери солиққа тортиладиган фойда суммасини ҳисоблашда бир маромли эскириш ҳисоблаш усули бўйича қайта ҳисоб-китоб қилмаган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери йўл қўйган хатони ва унинг натижасида соликка тортиладиган фойда суммасидаги четланишни аниклаш.

*****

Инвентаризацияда корхона офисида фойдаланиладиган, бошланғич киймати 700 000 сумлик ва ҳисобланган эскириш суммаси 300 000 сумлик булган шкафнинг мавжуд эмаслиги аникланди. Ушбу шкаф бўйича корхона бош китобида куйидаги бухгалтерия ёзувлари берилган:

	Дт	Кт	Сумма
1.	9210	0140	700 000
2.	9210	0240	300 000
3.	9310	9210	400 000

Талаб килинади:

а) бухгалтерия ёзувларидаги хатоликни аниклаш

б) аникланган хатоликни тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш

*****

«Регистон» МЧЖ томонидан 2011 йил якуни бўйича тақдим этилган ҚҚС ҳисоб-китобига кўра сотишдан олинган ҚҚС – 123666,7 минг сўм. Камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммаси – 11200,0 минг сўм, бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 11666,7 минг сўм. Ҳақиқатда бюджетга ўтказилган сумма – 18400,0 минг сўм, шундан 2011 йил 1 январ ҳолатига бўлган қарз – 5400,0 минг сўм. 2012 йил 1 январ ҳолатига бош китобда қолдик № 6410 «ҚҚС счёти» бўйича 1333,3 минг сўм (дебетда).

Талаб қилинади:

1.ҚҚС бўйича ҳисоб-китобнинг тўғри амалга оширилганлигини текширинг ва унга аудиторлик хулосасини беринг;

2.Корхонада ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишдаги четланишларни аникланг ҳамда уларни тузатиш бўйича аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқинг.

ҚҚС ҳисоб-китобига доир қўшимча маълумотлар (Бош китобдан кўчирма)

№	Хўжалик операциялари	Сумма	Бош китобдаги ёзувлар	
			Дебет	Кредит
1	Нақд сотилган нон махсулотлари (ҚҚС билан)	120000000	5010	9010
	ҚҚС суммаси	20000000	9010	6410
2	Наклсиз сотилган нон махсулотлари (ҚҚС билан)	600000000	4010	9010
	ҚҚС суммасига	100000000	9010	6410
3	Ижарадан олинган даромад (ҚҚС билан)	6000000	4010	9030
	ҚҚС суммасига	1000000	9030	6410
4	Асосий воситаларнинг сотилиши			
	а)бошланғич киймати	30000000	9210	0120
	б)эскириш киймати	20000000	0220	9210

	в)сотиш қиймати г)қайта баҳолаш қиймати д)ҚҚС суммаси	13000000 1000000 2166667	4010 8510 9210	9210 9210 6410
5	Материалларнинг сотилиши а)сотиш қиймати (ҚҚС билан) б)ҚҚС суммаси	 3000000 500000	 4010 9220	 9220 6410
6	Олинган материаллар (ҚҚС сиз) ҚҚС суммаси	400000000 80000000	1010 6410	6010 6010
7	Хизматлар ҳақи (сув, газ, электр энергия ва б.) Ссиз) ҚҚС суммаси	160000000 32000000	2010 6410	6990 6990

*****

200_ йил 22 февралда касса ҳисоботига кура экспедитор Салимов П га кишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозордан харид қилиш учун кассага тушган пулдан 50 000 сум накд берилган. Бунга 21 февралдаги 19-чиким касса ордери илова килинган. Чиким касса ордерини корхона рахбари ва бош бухгалтер имзолаган. Чиким касса ордери асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилган:

Дт	Кт	Сумма
2910	5010	50 000

Талаб қилинади:

а) хужалик операциясини ҳисобини юритишда йул куйилган хатоликни аниқлаш;

б) аниқланган хатоликни тузатиш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш.

*****

Минимал иш ҳаки 49735 сўм. Ходимга январь ойида ҳисобланган иш ҳаки 300000 сўм, мукофат пули 50000 сўм, кўрсатилган бир маротабалик моддий ёрдам 100000 сўм. Бухгалтер томонидан ходимнинг иш ҳақидан ушланган даромад солиғи суммаси 65000 сўм.

Даромад солиғини ушлашда тасдикланган шкала (5 МИҲдан 10%, 5 МИҲдан 10 МИҲгача 16%, 10 МИҲдан ортиғидан 22 %), шунингдек 12 МИҲ миқдоригача берилган бир маротабалик моддий ёрдамни солиққа тортмаслик тартибига амал қилиниши лозим.

Талиб килинади:

а) ходимдан ушланган даромад солиғи тўғрилигини текшириб чиқиш ва унга аудиторлик хулосасини бериш

*****

Ходимга январь ойида «Самарқанд-Тошкент» йўналишидаги 3 кунлик сафар учун ҳисобланган сафар харажатлари тасдикланган бўнак ҳисоботи бўйича жами 115000 сўм, шундан транспорт харажатлари (таксида) ҳар иккала томонга биргаликда 40000 сўм, овқат пули 30000 сўм, ётоқ пули меҳмонхона квитанцияси бўйича 45000 сўм.

Минимал иш ҳақи 49735 сўм, транспорт пули темир йўл тарифи бўйича 13500 сум (бир томонга), овкат пули бир кунга МИҲ миқдоридан 10 % ва ёток пули МИҲ миқдоридан 3 % (квитанция бўлмаса) ҳисобланиши лозим эди.

Талиб қилинади: ходим билан сафар харажатлари бўйича ҳисоб-китоблардаги четланишларни аниқлаш ва йўл қўйилган хатоликларга аудиторлик баҳосини бериш

*****

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот бўйича сотиш харажатлари 20 млн. сўм. Бош китобда очилган 9410 счётнинг корреспонденцияси бўйича қуйидаги харажатлар қилинганлиги аниқланди: сотишга доир ходимларга ҳисобланган иш ҳақи 5 млн. сум; ижтимоий суғуртага ажратма 1,2 млн. сўм; транспорт харажатлари – 9 млн. сўм; реклама харажатлари – 6 млн. сум; омбор ва магазинлар амортизацияси 3 млн. сум.

Корхона фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади ва уни 10 % лик ставкада тўлайди.

Талаб қилинади:

а) ҳисоботни тузишда йўл қўйилган хатоликни топиш ва уни фойда солиғи тўловига таъсирини аниқлаш;

б)ушбу ҳолат буйича аудиторлик тавсиясини бериш.

*****

Корхона ягона солиқ тўловини тўловчиси ҳисобланади ва уни 8 %лик ставкада тўлайди. Ҳисобот йилида 65 млн. сўм миқдорида ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби топширилган. Корхона ҳисоб маълумотлари текширилганда унинг олган даромадлари қуйидагича эканлиги аниқланган: маҳсулот сотишдан - 690 млн. сўм; асосий воситаларни сотишдан олинган фойда 10 млн.сум; воз кечилган кредиторлик қарз – 12 млн. сўм; беғараз олинган мол-мулк суммаси - 15 млн. сўм; олинган фоизлар 6 млн. сўм, олинган грантлар – 80 млн. сўм.

Талиб қилинади:

а) ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобидаги хатоликни аниқлаш;

б)ушбу хатоликни тузатиш ва унга бухгалтерия ёзувини бериш бўйича аудиторлик тавсиясини бериш.

4. ТЕСТЛАР

1.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри
а) Аудит бухгалтерия ҳисобининг давоми
б) Аудит бухгалтерия ҳисобининг дастлабки босқичи
в) Аудит молиявий ҳисоботга баҳо бериш усули
г) Аудит баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларини тузиш усули

2. Аудиторлик назоратининг келиб чикишига асосий сабаб:
а) молиявий натижаларнинг тўғри ҳисобланмаслиги
б) молиявий назоратнинг бўшлиги
в) кўпмулкчилик шароитида даҳилсиз ва ишончли маълумотга талабнинг ошиши
г) бухгалтерлар ва тафтишчиларнинг етишмаслиги

3.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри
а) Аудит жисмоний шахслар фаолияти
б) Аудит хусусий тадбиркорнинг фаолияти
в) Аудит махсус лицензияга эга аудиторлик ташкилотининг фаолияти
г) Аудит бухгалтерлик фирмасининг фаолияти

4. Хўжалик субъектининг молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текшируви – бу
а) мослик аудити
б) комплекс аудит
в) тасдиқловчи аудит
г) тематик аудит

5. Хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларга мос равишда тузилганлигига хулоса бериш билан якунланадиган аудиторлик текшируви – бу
а) мослик аудити
б) комплекс аудит
в) тасдиқловчи аудит
г) тематик аудит

6.Иш ҳақини тўғри ҳисобланганлиги ва ундан ушланмаларни текшириш
а) Комплек аудит ҳисобланади
б) Тематик аудит ҳисобланади
в) Бошқарув аудити ҳисобланади
г) Молиявий аудит ҳисобланади

7.Қуйидагиларни қайси бири аудиторлик ташкилотининг фаолиятига тааллуқли эмас?
а) Дебиторларнинг қарзларини ўндириб бериш
б) Ходимларга иш ҳақи ҳисоблаб бериш
в) Қурилиш объекти лойиҳасини тайёрлаб бериш
г) Акциялар га дивиденд ҳисоблаб беришсони

8. Прокуратура буюртмаси билан ўтказилган аудит хақини тўлайди
а) аудит ўтқазилган корхона
б) прокуратура
в) аудиторлик фирмаси
г) аудиторлар

9. Ўзбекистонда "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинган:
а) 1992 йилда
б) 1998 йилда
в) 2000 йилда
г) 2002 йилда

10."Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунда аудитнинг моҳиятига қуйидагича таъриф берилган:
а) Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади;
б) Аудит – бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг Республикада қабул қилинган қонун – қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва холисона хулосалар беришдир;
в) Аудитнинг моҳияти бозор иқтисодиёти шароитида унинг объектив иқтисодий тараққиёт қонунлари, категориялари, халкаро ҳамжамиятда тан олинган ҳамда айрим олинган бир конкрет мамлакатда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари рақамлар ёрдамида ифодаланган, махсус тизим асосида хулоса ва таклифлар беришдан иборат
г) Аудит - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуктаи назиридан қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини ички ва ташки назоратдан ўтказиш, таҳлил ва экспертиза қилиш, шунингдек, консальтинг ва бошка турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими

11. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) жорий қилина бошланган:
а) 1992 йилдан бошлаб
б) 1998 йилдан бошлаб
в) 1999 йилдан бошлаб
г) 2000 йилдан бошлаб

12. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқилади:
а) молия вазирлиги томонидан
б) вазирлар маҳкамаси томонидан
в) адлия вазирлиги томонидан
г) бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан

13. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг *миллий стандартлари* (АФМС) рўйхатдан ўтади:
а) молия вазирлигида
б) вазирлар махкамасида
в) адлия вазирлигида
г) бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясида

14. Меъёрий хужжатларга мувофик мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг йиллик молиявий хисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказишлари кёрак
а) хисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майигача;
б) хисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача;
в) хисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралигача;
г) хисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача;

15. Қабул қилинган меъёрий хужжатларга мувофик 2008 йил 1 январдан бошлаб, фақат ташаббусли аудит ўтказиш хукукига эга бўлиш учун аудиторлик ташкилотлари куйидаги талабларга жавоб бериши керак
а) устав капитали энг кам ойлик ишхакининг 3000 баробари миқдорида шакллантирилган бўлиши, камида 2 та сертификатли аудиторга эга бўлиши, улардан бири халкаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши керак
б) устав капитали энг кам ойлик ишхакининг 5000 баробари миқдорида шакллантирилган бўлиши, камида 6 та сертификатли аудиторга эга бўлиши, шунингдек улардан камида 2 таси халкаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши керак;
в) устав капитали энг кам ойлик иш хакининг 1500 баробари миқдорида шакллантирилган бўлиши, камида 2 та сертификатли аудиторга эга бўлиши керак;
г) устав капитали энг кам ойлик ишхакининг 1500 баробари миқдорида шакллантирилган бўлиши, камида 4 та сертификатли аудиторга эга бўлиши, улардан бири халкаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши керак;

16.Қуйидагиларнинг қайси бири аудитни ташкил этишнинг 1-аудитни бошлашгача бўлган босқичига тааллукли эмас:
а) аудиторлик ташкилотига буюртма бериш;
б) аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш;
в) аудит натижалари бўйича маълумотларни жамлаш;
г) аудит ўтказиш режасини ва дастурини тузиш

17. Қуйидагиларнинг қайси бири аудитни ташкил этишнинг 3-аудит натижаларини умумлаштириш ва расмий лаштириш босқичига тааллукли:
а) аудиторлик текширувини ўтказиш;
б) аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш;
в) аудит натижалари бўйича маълумотларни жамлаш;
г) аудит ўтказиш режасини ва дастурини тузиш

18. Аудиторлик текшируви тўғрисида шартнома тузилади
а) Дастлабки кузатишсиз
б) Дастлабки кузатиш натижалари асосида

в) Суд органининг тавсияси билан
г) Солиқ органининг қарори билан

19. Ички хўжалик хатари паст бўлса
а) Кўп сонли исботлар йиғилади
б) Кам сонли исботлар йиғилади
в) Ёппасига экспертиза қилинади
г) Умуман текшириш шарт бўлмайди

20. Назорат тизими хатари паст бўлса
а) Кўп сонли исботлар йиғилади
б) Кам сонли исботлар йиғилади
в) Аудиторлик хатари ўртача бўлади
г) Аудиторлик хатари паст бўлади

21. Аудиторлик хатари юқори бўлса
а) Кўп сонли исботлар йиғилади
б) Кам сонли исботлар йиғилади
в) Ёппасига текшириш қилинади
г) Хатони топиш хатари паст бўлади

22. Аудиторлик хулосаси берилади
а) Корхона раҳбарининг буйруғига асосан
б) Корхона ва бош бухгалтернинг фармойишига асосан
в) Суднинг карорига асосан
г) Аудиторнинг хисоботига асосан

23.Асосий воситаларни аудит қилишда қайси молиявий хисобот шаклларидан кенг фойдаланилади:
а) Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар
б) Бухгалтерия баланси ва хусусий капитал тўғрисида хисобот
в) Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги хисобот
г) Бухгалтерия баланси ва асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги хисобот

24.Асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар (фойда) бухгалтерия хисобининг кайси счетлари оркали аудит килинади:
а) 9010, 0100
б) 9210, 9910
в) 5110, 5010
г) 9210, 9310

25.Номоддий активларнинг реализациясидан олинган даромад (фойда) бухгатерия хисобининг кайси счетлари оркали аудит қилинади:
а) 9220, 9320
б) 5110, 5010
в) 6010, 4010
г) 9220, 9910

26.Корхонада номоддий активларга эскириш ҳисоблашнинг танланган усули қайси ҳужжатда кўрсатилган бўлиши керак
а)7-сон БХМСда
б)Корхонанинг уставида
в)Корхонанинг ҳисоб сиёсатида
г)АФМСларда

27.Депозитарийларда сақланаётган қимматли қоғозларнинг инвентаризациясини аудитор:
а)депозитарийларда ўтказади
б)сўровномалар асосида ўтказади
в)инвентаризация ўтказмайди
г)кассада ўтказади

28.Аудитор устав капитали тўлиқ шакллантирилган, деган хулосага келади, агар:
а) бухгалтерия баланси билан хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари бир-бирига мос келса
б) 8300 счёт қолдиққа эга бўлса
в) устав капиталининг бухгалтерия баланси ва корхона уставида кўрсатилган миқдорлари бир-бирига мос келса
г) 4610 счёт қолдиққа эга бўлмаса

29.Балансда устав капитали миқдорининг тўғри акс эттирилганлиги текширилади:
а) корхонанинг устави асосида
б) таъсис шартномаси асосида
в) молиявий ҳисоботлар асосида
г) а ва б жавоблар тўғри

30.Кассага банкдан кирим қилинган пул маблағлари аудит қилинади:
а) кирим касса ордерлари, тўлов топшириқномалари ва Бош китоб орқали
б) кирим касса ордери, нақд пул топширишга эълон ва банк кўчирмалари орқали
в) кирим касса ордерлари, чек дафтарчалари ва банк кўчирмалари орқали
г) кирим касса ордерлари, чиқим касса ордерлари ва банк кўчирмалари орқали

31.Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини аудит қилишда асосан қайси бирламчи ҳужжатлар текширилади:
а) бухгалтерия баланси, бош китоб, банк кўчирмалари
б) тўлов топшириқномалари ва банк кўчирмалари
в) банк кўчирмалари ва кирим касса ордерлари
г) тўлов топшириқномалари, 2-журнал ордерлар ва 2-оборот қайдномалари

32. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг чиқимини аудит қилиш:
а) бош китобда 5110 счётга очилган варақ маълумотларини 2-журнал ордерлар ва 2-оборот қайдномалари билан солиштиришдан бошланади
б) тўлов топшириқномалари ва банк кўчирмаларини текширишдан бошланади
в) бухгалтерия баланси ва банк кўчирмаларини текширишдан бошланади

г) тўлов топшириқномалари, 2-журнал ордерлар ва 2-оборот қайдномаларини текширишдан бошланади

33. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 250-сатридаги фойда солиғи суммаси солиштирилади:
а) бош китобдаги 9810 «Ҳисобланган фойда солиғи» счётининг дебет оборoти билан
б) бош китобдаги 6410 «Бюджет олдидаги мажбуриятлар» счётининг дебет оборoти билан
в) бош китобдаги 9810 «Ҳисобланган фойда солиғи» счётининг охирги қолдиғи билан
г) бош китобдаги 9810 «Ҳисобланган фойда солиғи» счётининг бош қолдиғи билан

34.Қуйидагиларнинг қайси бири фойда солиғига тортиладиган базага таъсир қилади:
а) бегараз олинган мол-мулк
б) эмиссион даромадлар
в) таксимланмаган фойда
г) субсидиялар

35.Аудиторлик текшируви жараёнида «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот»нинг 070–«Бепул олинган мол-мулк» сатридаги сумма солиштирилади:
а) бош китобда очилган 8530 «Бегараз олинган мол-мулк» счётининг кредит оборoти билан
б) бош китобда очилган 8530 «Бегараз олинган мол-мулк» счётининг дебет оборoти билан
в) бош китобда очилган 8530 «Бегараз олинган мол-мулк» счётининг бош қолдиғи билан
г) бош китобда очилган 8530 «Бегараз олинган мол-мулк» счётининг охирги қолдиғи Билан

36.Таъсис бадали сифатида киритилган асосий восита қийматининг ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги текширилади:
а) Киритилган асосий воситанинг техник паспорти асосида
б) Таъсисчилар ўртасида тузилган қабул қилиш далолатномаси асосида
в) Корхона раҳбари ва таъсисчи ўртасида тузилган шартнома асосида
г) Раҳбар буйруғи билан тузилган комиссия томонидан тузилган далолатнома асосида

37.Корхона молиявий ҳолатининг аудиторлик таҳлилини ўтказиш учун асосий маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади:
а) бухгалтер томонидан тузилган бирламчи бухгалтерия баланси
б) аудитор томонидан тузатилган бухгалтерия баланси
в) бухгалтер томонидан тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
г) аудитор томонидан тузатилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

5.	НАЗОРАТ ИШИ САВОЛЛАРИ (ЖОРИЙ, ОРАЛИҚ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТЛАР УЧУН)

7.1.Жорий назорат амалий машғулотлар учун назарда тутилган саволлар асосида ўтказилади.

7.2.Оралиқ назорат 6-бўлимда келтирилган тестлар асосида ўтказилади.

7.3.Якуний назорат қуйидаги вариантлар бўйича ўтказилади:

1-ВАРИАНТ

1.Таъсисчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг аудити
2.Пул маблағлари аудитининг максади, вазифалари ва хусусиятлари
3.Масала.

2-ВАРИАНТ

1.Асосий воситалар аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот таъминоти
2.Ходимлар билан иш ҳақи бўйича хисоб-китобларнинг аудити
3.Масала

3-ВАРИАНТ

1. Пул маблағлари аудитининг кетма-кетлиги
2. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг аудити
3. Масала.

4 - ВАРИАНТ

1. Асосий воситалар чикимига доир операцияларнинг аудити
2. Бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити
3. Масала

5-ВАРИАНТ

1.Ишлаб чиқариш заҳиралари аудитининг мақсади, вазифалари ва уни ўтказиш кетма-кетлиги
2.Тахминотчилар билан ҳисоб-китобларнинг аудити
3.Масала

6-ВАРИАНТ

1.Номоддий активлар аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот таъминоти
2. Харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити
3.Масала

7-ВАРИАНТ

1.Молиявий инвестициялар аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот таъминоти
2. Корхона даромадларининг аудити
3. Масала

8 - ВАРИАНТ

1. Банкдаги валюта счётида содир этилган операцияларнинг аудити
2. Корхона харажатларининг аудити
3. Масала

9-ВАРИАНТ

1. Номоддий активлар эскиришининг аудити
2. Якуний молиявий натижаларнинг аудити
3. Масала

10 - ВАРИАНТ

1. Асосий ишлаб чиқариш харажатларининг аудити
2. Устав капиталининг аудити
3. Масала

11-ВАРИАНТ

1.Устав капитали шаклланишининг аудити
2.Резерв капиталининг аудити
3.Масала

12-ВАРИАНТ

1.Кассага келиб тушган миллий ва чет эл валюталарнинг аудити
2.Номоддий активлар ҳаракатининг аудити
3.Масала

13-ВАРИАНТ

1. Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити
2. Мактабларни ривожлантириш фонди билан мажбурий ажратмалар бўйича хисоб-китобларнинг аудити
3.Масала

14 - ВАРИАНТ

1. Бевосита солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланишнинг аудити
2. Олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловларининг аудити
3.Масала

15-ВАРИАНТ

1. Олинган кредит ва қарзлар бўйича аудиторлик хатари
2. Билвосита солиқлар бўйича аудиторлик хатари
3.Масала

16-ВАРИАНТ

1.Бевосита солиқлар бўйича муддати узайтирилган харажатлар ва қарзларнинг аудити
2 Бошқа кредиторлик қарзларнинг аудити
3.Масала

17-ВАРИАНТ

1. Ҳисобдор шахсларга тўланадиган счётларнинг аудити
2.Пенсия фонди билан мажбурий ажратма ва ушланмалар бўйича хисоб-китобларнинг аудити
3.Масала

18 - ВАРИАНТ

1.Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойда нинг аудити
2. Қўшилган капиталнинг аудити
3.Масала.

19-ВАРИАНТ

1.Ундирилган пеня, жарима ва устамаларнинг аудити
2.Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг аудиторлик тахлили
3.Масала.

20 - ВАРИАНТ

1. Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадларнинг аудити
2. Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича тузатишларнинг аудити
3.Масала.

21-ВАРИАНТ

1.Кредиторлик ва депонент қарзларни хисобдан чикаришдан олинган даромадларнинг аудити
2. Субсидиялар ишлатилишининг аудити
3.Масала.

22-ВАРИАНТ

1.Хизмат кўрсатиш хўжаликларидан олинган даромадларнинг аудити
2.Беғараз олинган мол-мулкнинг аудити
3.Масала.

23-ВАРИАНТ

1.Қайтарилмайдиган молиявий ёрдамнинг аудити
2.Устав капиталининг аудити
3.Масала.

24 - ВАРИАНТ

1.Фавкулодда зарарларнинг аудити
2. Грантлар ишлатилишининг аудити
3.Масала.

25-ВАРИАНТ

1. Соф фойданинг аудити
2. Корхона тўлов қобилиятининг аудиторлик таҳлили
3.Масала.